

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги**


**Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти
аентлиги**

**«Автодарёттранс-илм» касб малакасини ошириш
Давлат илмий-методик маркази**

Ҳ.Нигматов, М.Калонов,

Э.Файзуллаев, Б.Турсунбаев,

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ТРАНСПОРТ ВА ЙЎЛ
СОҲАСИДА ҚЎЛЛАШ**



**«Adabiyot uchqunlari»
Тошкент - 2017**

**УДК 398.21 - 053
ББК: 82.3 (5-Н)
Х - 16**

Ушбу ўкув қўлланма «Ахборот-коммуникацион технологиялар» предмети бўйича тасдиқланган ўкув дастури асосида тайёрланган бўлиб, транспорт-йўл комплекси, жумладан, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси, «Ўзавтойўл» АҚ, «Toshtransdisipetcherxizmat» УК, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ДАҚ раҳбар ва инженер техник ходимлари ва бошқа ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мусассасалари, автомактаблар ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ахборот-коммуникацион технологиялар бўйича малакасини ошириш курслари тингловчилари учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 мартағи 73-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси ахборот технологияларини ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзавтойўл» АҚ, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАЖ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ДАҚ ва Тошкент ахборот технологиялари университети билан келишилган ўкув дастурлар асосида бажарилди.

Тақризчилар:

Абдуқодиров А.А., п.ф.д., профессор, ЎзР Президентининг «Истеъодод» жамғармаси масофали ўқитиши маркази директори.

Исмоилов М.А., т.ф.д., профессор, ТАТУ қошидаги Ахборот технологиялари маркази бўлим бошлиғи.

ISBN 978-9943-4989-6-9

«Adabiyot uchqunlari» нашриёти, 2017.

СЎЗ БОШИ

Тошкент автомобиль йўллари институти қошидаги Малака ошириш ва қайта тайёрлаш таянч ўкув марказида ахборот-коммуникацион технологияларни соҳага қўллаш бўйича малакасини ошираётган транспорт-йўл комплекси ходимлари (Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Тошсаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси, «Ўзавтойўл» АҚ, «Toshtransdispatcherxizmat» УК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАЖ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ДАҚ раҳбар ва инженер техник ходимлари) билим ва кўниқмалари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бериши учун яратилган ушбу ўкув қўлланма 12 соатлик, 24 соатлик, 36 соатлик ва 72 соатлик ўкув дастурларда келтирилган мазмунни қамраб олган бўлиб, ахборот-коммуникация технологияларини транспорт ва йўл соҳасида қўллаш, соҳавий бошқарувда замонавий ахборот технологиялари, «электрон хукумат» тизими ning асослари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи асосий йўналишлар келтирилган. Транспорт-йўл комплексида ахборот-коммуникацион технологиялар бугунги кунда қандай ривожланаётганлиги ва соҳада қандай ишлар олиб борилаётганлиги тўғрисида маълумотлар берилган.

Қўлланмани тайёрлашда Тошкент ахборот технологиялари университети раҳбарияти томонидан ташкил этилган «электрон хукумат» мавзусига бағишлиланган курсда ўтилган маъruzалар ва амалий машғулотлардан олинган материаллар ёрдам берганлиги сабабли уларга катта миннатдорчилик билдирамиз. Интернетда келтирилган маълумотлардан ҳам фойдаланилди.

Муаллифлар

КИРИШ

Мамлакатимизда турли соҳаларни ахборотлаштириш жамият ривожининг объектив жараёни ҳамда зарур бўлган ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш ва тақдим этишнинг узвий давомидир. Иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, алоқа, илмий тадқиқот, таълим, тиббиёт ва бизнес соҳаларида ишлар сифати, меҳнат унумдорлиги даражасини юксалтириш уларга татбиқ қилинаётган замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар билан бевосита боғлиқ. Замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар тўпланган ахборот маҳсулотларини кишиларга тезкор суръатда етказиб, меҳнат сарфини камайтирган ҳолда мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Шунинг учун ахборот-коммуникацион технологияларни иқтисодиётнинг барча тармокларида самарали қўллаш мамлакатни технологик ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни ифодаловчи кўрсаткич бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳам юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонли шериклик қила олиши инсон фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самарадорлиги ошишида қандай роль ўйнашига боғлиқ.

Ахборотлашган жамият иқтисодий ва илмий-техникавий жиҳатдан янада юксалишга, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ва меҳнат унумдорлигини оширишга, иқтисодиётни макро ва микро даражада бошқаришни такомиллаштиришга ҳамда

истиқболли илмий йўналишларни ривожлантиришга мустаҳкам замин яратиб беради.

Иқтисодиётда ахборот технологияларидан фойдаланиш иқтисодий ахборотлар сифати, унинг аниқлиги, объективлиги, тезкорлиги, бунинг натижаси сифатида эса бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш имконияти ошишини таъминлайди. Демак, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири, жамият тараққиётининг асосий омили экан.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар кўп жиҳатдан узлуксиз иқтисодий таълим тизимини шакллантиришни тақозо этади. Янгича фикрлайдиган, бозор шароитларида муваффақиятли хўжалик юрита оладиган, малакали, чуқур билимли мутахассисларни, айниқса, ахборот технологияларидан кенг фойдалана оладиган кадрларни тайёрлаш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ахборот ижтимоий, иқтисодий, табиий фанларнинг, тафаккур илмининг тараққиёти натижасида юзага келган билим ва маълумотлар, кишиларнинг амалий фаолияти давомида тўплаган тажрибалари мажмуи демакдир. Инсон ахборот оқими ичра яшар экан, турли-туман воқеа-ҳодисалар ва жараёнларнинг бир-бирига алоқадорлигини, ўзаро муносабати моҳиятини таҳлил этиш, мушоҳада ва мулоҳаза юритиш мақсадида кўпдан-кўп далил ҳамда рақамларга мурожаат қиласиди. Ахборот туфайли назарий билимлар амалиёт билан бирлашади.

Хозирги замон фан-техника тараққиёти ахборот оқимининг жуда кенгайишига олиб келди. Ахборот ҳажмининг ортиши ва уни қайта ишлаш воситаларининг ривожланмаганлиги инсоннинг у ҳақида тасаввурга эга

бўлиши ва ундан фойдаланишини қийинлаштиради. Кўп вақт ахборотни қидиришга, ажратишга ва фойдаланишга кетади. Ахборот фонdlари ҳар бир инсонга хизмат қилиши учун янги, замонавий воситалар керак бўлади.

Ахборотлаштириш жараёни деганда инсон фаолиятининг муҳим йўналишларида олинган билимлардан самарали фойдаланиш учун кўрилган комплекс чора-тадбирлар тушунилади. Замонавий ва самарали ечимлар топиш учун структура жиҳатидан кўплаб мурраккаб ахборот тизими яратилмоқда, натижада ахборотлаштириш жараёнида иштирокчилар сони қун сайин ортиб бормоқда. Бу жамият ва моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг кўплаб маблағларини шу соҳага жалб қилишга олиб келмоқда. Ўз навбатида, инсонларни ахборот ресурсларидан рационал фойдаланиш йўлларни қидиришга мажбур қилмоқда. Замонавий шароитда янги ахборот оқими қанчалик тез кўпайса, уларнинг эскириш муддатлари ҳам тезлашмоқда, бу ахборотни танлаш, унга эришиш қийинчиликларини келтириб чиқармоқда. Ҳар бир муҳандис, хизматчи, раҳбар ўз фаолияти давомида кўплаб қоғозларга битилган ахборотни таҳлил қилишига тўғри келади. Оқибатда ахборотга эришиш учун кўп вақт сарфланади, ишни ташкил этиш унумдорлигига салбий таъсир қиласи.

Бундай муаммоларни самарали ечиш жамиятни ахборотлаштириш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда. Жамиятни ахборотлаштириш юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникавий жараёнидир.

I. АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

1.1. Ахборот ҳақида тушунча

Ахборот халқ хўжалигининг барча тармоқлари ис-теъмол ҳувчи захира бўлиб, энергетика ёки фойдали қазилмалар захиралари каби муҳим аҳамиятга эга. Ахборотга таъриф беришда белги тушунчаси бирламчи, иккиласми тушунча маълумотдир. Маълумотлар белгилардан ташкил топган бўлади. Агар маълумотга ишлов берилиб бир маънога келтирилса, у ахборотга айланади.

1. Ахборот олиш усули бўйича қуидагича таснифланиди:

Бевосита сўров ўтказиш, почта ёки факс бўйича жўнатилган сўров варакалари ёрдамида, телефон сўзлашувлари ва шахсий суҳбат йўли билан, даврий ва маҳсус адабиётларни ўрганиш орқали, тайёрланган магнитли ахборот ташувчилар воситасида узатиш, кузатиш, тажриба орқали ва ҳ.к.

2. Қайта ишлаш усулига кўра маълумотлар бирламчи, иккиласми, ҳосила, мантиқий хулоса ва якунларга бўлинади.

3. Тадқиқот обьекти нуқтаи назаридан ахборот турлари: демографик, иқтисодий, табиий, илмий-техник, ижтимоий-сиёсий ва ҳ.к.

4. Функционал вазифасига кўра. Ахборотнинг бутури прогнозлаш (башорат қилиш) ва режалаштириш функцияси, ҳисоб-китоб функцияси, назорат ва таҳлил функциялари билан боғлиқдир.

5. Вазифасига кўра ахборот маълумотнома, тавсиянома, меъёрий ва сигналли турларга бўлинади.

6. Тақдим этиш усулига кўра ахборот матн, жадвал, матрица, график ва динамик қаторларга бўлинга ти.

7. Барқарорлигига кўра ахборот ўзгарувчан, шартли-доимий ва доимийга бўлинади.

Ахборотнинг адекватлиги

Ахборот истеъмолчиси учун ахборотнинг адекватлиги (айнан мослиги) муҳим хусусият ҳисобланади. Бу хусусиятни батафсилроқ кўриб чиқамиз:

а) синтактик адекватлик. У ахборотнинг шаклий-таркибий хусусиятини акс эттириб, унинг маъноси моҳиятига дахлдор эмаслиги билан белгиланади;

б) семантик (маъноли) адекватлик. У ахборотнинг мазмунини ҳисобга олади;

в) прагматик (олдига қўйилган мақсадга эришиш адекватлик. Ушбу шакл ахборот ва ундан фойдаланувчининг муносабатини, ахборотнинг бошқариш мақсадларига мувофиқлигини ифодалайди.

Ахборотнинг асосий сифат кўрсаткичлари

а) ахборотнинг мазмундорлиги – семантик ҳажмини ифода этади;

б) ахборотнинг етарлилиги (тўлалиги) – қарор қабул қилиш учун минимал, лекин етарли таркибга (кўрсаткичлар жамламасига) эга эканлигини билдиради;

в) ахборотнинг ўз вақтидалиги – унинг аввалдан белгилаб қўйилган вазифани ҳал этиш вақти билан келишилган вақтдан кечикмасдан олинганлигини билдиради;

г) ахборотнинг аниқлиги – олинаётган ахборотнинг обьект, жараён, ҳодиса ва бошқаларнинг реал ҳолатига яқинлиги даражаси билан белгиланади.

Ахборот тизимлари ва уларнинг таркиби

Хозирги даврда фан ва техникада кўп қўлланиладиган тушунчалардан бири тизимдир. Тизим юонча сўз бўлиб, ташкил этувчилардан иборат бир бутунлик деган маънени англатади. Тизимларни уларнинг турли белгиларига қараб туркумлаш мумкин. Умуман олганда, тизимлар моддий ёки мавҳум бўлиши мумкин (мавҳум – инсон онги маҳсули).

Моддий тизимлар асосан моддий обьектлар тўпламидан ташкил топади. Ўз навбатида, моддий тизим анорганик (механик, химик) ва органик (биологик) тизимга ёки аралаш тизимга ажратилади. Моддий тизимлар ичида асосий ўринни ижтимоий тизим эгаллайди. Бундай тизимнинг хусусиятларидан бири инсонлар ўртасидаги муносабатларни акс эттиришдир.

Мавҳум тизимлар инсон онги маҳсули бўлиб, ҳар хил назариялар, билимлар, гипотезалардан иборат. Янги ахборот технологияси ҳам моддий тизим унсурларини (математик моделлар, инсон билимлари ва х.к.) ўз ичига олади.

Ахборот тизимини ишлаб чиқаришдан мақсад ташкилий лойиҳалаштириш, технологик ва б. жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда тизим фаолияти самарадорлигини оширишдир.

Ахборот тизимлари жамият юзага келган пайтдан бошлаб мавжуд бўлган, чунки ривожланишининг турли босқичларида жамият ўз бошқаруви учун тизимлаштирилган, олдиндан тайёрланган ахборотни талаб этган. Бу, айниқса, ишлаб чиқариш жараёнлари – моддий ва номоддий неъматларни тайёрлаш билан боғлиқ жараёнларга тегишлидир. Айнан ишлаб чиқариш жараёнлари ривожланиб бориши билан бошқариш ҳам мураккабла-

шадики, ўз навбатида, у ахборот тизимларини такомиллаштириш ва ривожлантиришни рағбатлантиради.

Ахборот тизими бошқариш функциясини амалга ошириш учун обьект ҳақидағи ахборотни йиғиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш бүйича маълумотлар, техник ва коммуникацияий тизимни намоён этади.

Кўллаш соҳасидан қатын назар, ахборот тизимлари таъминлаш турлари деб аталадиган таркибий қисмлар (компонентлар) тўпламини ўз ичига олади. Уларни дастурий, техник, ҳукукий, ахборот, ташкилий, математик ва лингвистик таъминотларга ажратиш қабул қилинган. Шулардан энг асосийларини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Ахборот таъминоти ахборот тизимлари ички машина ахборот базасини яратишнинг таснифлаш ва кодлаштириш тизимлари, ҳужжатлаштиришнинг унификациялашган тизимлари, ҳужжат айланмаси ва ҳужжатлар шакли услубларини рационал ҳолга келтиришни ўз ичига олган ахборотни жойлаштириш ва ташкил қилиш бүйича услублар ҳамда воситалар йигиндисидир. Қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг ишончлилиги ва сифати кўп жиҳатдан ишлаб чиқилган ахборот таъминоти сифатига боғлиқ.

Дастурий таъминот ҳисоблаш техникаси воситасида маълумотларни қайта ишлаш тизимини (МКИТ) яратиш ва фойдаланиш дастурий воситалари йигиндисидир. Дастурий таъминотлар таркибиға базавий (умумтизимили) ва амалий (маҳсус) дастурий маълумотлар киради.

Техник таъминот маълумотларни қайта ишлаш тизимини функциялаштириш учун қўлланувчи техник воситалар комплексидир, маълумотларни қайта ишловчи, намунавий операцияларни амалга оширувчи ку-

рилмаларни ўз ичига олади, турли синфлардаги шахсий компьютердан (ШК) ташқарида ҳам (ахборотни йиғиш, рўйхатдан ўтказиш, бошланғич босқичида қайта ишлаш, ташқи (периферия) техник воситалар, турли хил оргтехника, телекоммуникация ва алоқа воситалари).

Хукукий таъминот ахборот тизимини яратиш ва функциялаштиришни тартибга солувчи хукукий меъёрлар йигиндисини ўзида намоён этади. Ахборот тизимини қайта ишлашнинг хукукий таъминоти АТ буюртмачиси ва тайёрловчиси ўртасидаги шартномавий муносабатлар меъёрий актлари, четта чиқишлиарнинг хукукий тартибга солинишини ўз ичига олади. МҚИТ ишлашининг хукукий таъминоти: ҳисоблаш техникасини кўллаш ёрдамида олинадиган хужжатларга хукукий мақом бериш шарт-шароитлари; бу техник воситаларда ишловчи шахс мажбурияти ва масъулияти, шу жумладан, ахборотни ўз вақтида ва аниқ қайта ишлаши хукуқлари; ахборотдан фойдаланиш қоидалари ва унинг ишончлилиги бўйича баҳсларни ҳал этиш тартиби ва бошқаларни ўз ичига олади.

Лингвистик таъминот инсон ва ШК мулокотини ишлаб чиқиш ва таъминлаш самарадорлигини ошириш учун МҚИТни яратиш ҳамда фойдаланишнинг турли босқичларида ишлатиладиган тил воситалари йигиндисини ўзида намоён этади.

Ахборот тизимининг тури у қандай манфаатлар ва бошқарувнинг қандай даражада хизмат қилаётганига боғлиқ.

1.2. Замонавий ахборот технологиялари

Технология сўзи юнонча (*techne*) санъат, маҳорат, ўқув маъноларини англатади, бу эса жараён демакдир.

Жараён деганда олдига кўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган ҳаракатларнинг муайян йифиндиси, жамланмаси тушунилади. Жараён инсон томонидан танланган стратегияга қараб белгиланиши, турли восита ва услублар жамланмаси ёрдамида амалга оширилиши керак.

Моддий ишлаб чиқариш технологиялари деганда хомашё ёки материалнинг ҳолати, хусусиятлари, шаклларини қайта ишлаш, тайёрлаш, ўзгартириш восита ва услублари мажмuinи белгиловчи жараён тушунилади. Технология моддий маҳсулот олиш мақсадида материянинг сифати ёки бошланғич ҳолатини ўзгартиради.

Ахборот нефть, газ, фойдали қазилмалар каби жамиятнинг қимматли захираларидан биридир, демак, уни қайта ишлаш жараёнини моддий захираларни қайта ишлаш жараёни билан қиёслаб технология сифатида қабул қилиш мумкин. Шунда қуйидаги тушунчани келтириш адолатли бўлади.

Моддий ишлаб чиқариш технологиялари мақсади – инсон ёки тизим.

Ахборот технологияларининг мақсади инсон таҳлил қилиши учун ахборотни ишлаб чиқариш ва унинг асосида бирор-бир хатти-ҳаракатни бажариш бўйича қарор қабул қилишdir.

Ахборот технологияси объект, жараён ёки ҳодисанинг (ахборот маҳсулининг) ҳолати ҳақидаги янги сифат ахборотни олиш учун маълумотларни (бошланғич ахборотни) тўплаш, қайта ишлаш, узатишнинг восита ва услублари мажмуидан фойдаланувчи жараёндир.

Ахборот технологиялари жамият ахборот захирапидан фойдаланишнинг энг муҳим жараёнларидан биридир. Ҳозирги пайтга келиб у бир неча эволюцион босқичларни босиб ўтди, улардан ҳар бири фан ва техника тараққиёти, ахборотни қайта ишлашнинг янги техник воситалари пайдо бўлиши билан белгиланади. Ҳозирги жамиятда ахборотни қайта ишлаш технологияларининг асосий техник воситаси сифатида шахсий компьютер хизмат қиляпти, у технологик жараёнлар концепциясини қуриш ва ундан фойдаланишга ҳам, сермаҳсул ахборот тизимиға ҳам катта таъсир кўрсатади. Шахсий компьютернинг ахборот соҳасига татбиқ этилиши ва алоқанинг телекоммуникация воситалирида қўлланилиши ахборот технологиялари ривожида янги босқични белгилаб берди, унга нисбатан «янги», «компьютерли», «замонавий» сифатлашларидан бири қўлланилади.

Замонавий сифатлаши бу технологиянинг эволюцион хусусиятини эмас, балки новаторлик жиҳатини таъкидлайди. Уни қўллаш шу маънода новаторлик ишидирки, у ташкилотларда хилма-хил фаолият турлари мазмунини кескин равишда ўзгартиради. Замонавий ахборот технологиялари тушунчасига, шунингдек, коммуникациявий технологиялар ҳам киради, улар ахборотни турли воситалар, хусусан, телефон, телеграф, телекоммуникациялар, факс ва бошқалар орқали узатишни таъминлайди.

Замонавий (компьютерли) ахборот технологияларининг уч асосий тамойили қуйидагилардан иборат:

- компьютерли интерактив (мулоқотли) иш режими;
- бошқа дастурий маҳсулотлар билан интеграциялашганлиги (туташиш), ўзаро алоқадорлиги;

- ҳам маълумотлар, ҳам вазифанинг қўйилиши жиҳатидан ўзгаришлар жараёнининг мослашувчанлиги.

Ҳар ҳолда, компьютер технологияси эмас, балки замонавий технологиялар атамасини анча аниқ деб ҳисоблаш мумкин, чунки бу атама нафақат компьютерлардан фойдаланишга асосланган технологияларни, балки бошқа техник воситалар, айниқса, телекоммуникацияни таъминловчи воситаларга асосланган технологияларни ҳам англатади.

Замонавий ахборот технологиялари (ЗАТ) қайта ишланаётган ахборот типи бўйича фарқланади, бирок интеграциялашган технологияларга бирлашиши мумкин.

Ахборот тизимининг дастурий таъминоти

Ахборот тизимининг дастурий таъминоти деганда компьютер техникаси воситалари билан маълумотларни қайта ишлаш тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш учун дастурий ҳамда хужжатли воситаларни жамлаш тушунилади. Булар операцион тизимлар, драйверлар, қобик дастурлар, ёрдамчи дастурлар (утилиталар), офис дастурлари, иқтисодиёт дастурлари, нашриёт дастурлари, компьютер графикаси, видео ва анимация, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, лойихалашни автоматлаштирувчи тизимлар, математика ва статистика дастурлаш тизимлари дастурлари, бошқа татбиқий дастурлар, транслятор компиляторлар, транслятор интерпретаторлар.

Ўрганилаётган фан соҳасини акс эттирувчи ҳам умумий, ҳам ўзгача хусусиятларга эга бўлган тизимнинг кўплаб тушунча ва таърифлари мавжуд. Умумий ҳолатда тизим деганда элементлари орасидаги ва уларнинг

хусусиятлари ўртасидаги алоқалар мажмууга эга бўлган, яъни бир-бирига чамбарчас боғланган қисмлардан иборат бутун бир объектлар мажмуаси тушунилади. Бундай таърифдаги тизимга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: деталлар ва туташтирувчи қурилмалардан йифилган машина; ҳужайраларининг бутун мозаикини ташкил этувчи тирик организм; турили ресурслар, бир-бири билан боғланган кўплаб ишлаб чиқариш жараёнлари ва кишилар жамоалари яхлитлигини юзага келтирган корхоналар ва ҳ.к. Бундай ҳолларда объектлар (қисмлар) ягона тизим сифатида ишлайди, яъни ҳар бир объект, кенжа тизимлар умумий тизим олдидаги ягона мақсад учун ҳаракат қиласди.

«Тизим»ни аниқлашга қуийидаги атамалар хизмат қиласди: объектлар, хусусиятлар, алоқалар.

Объектлар тизимнинг бир бўлаги ёки компонентлари бўлиб, жисмоний, математик ўзгарувчан тенгламалар, қоида ва қонунлар, технологик жараёнлар, ахборот жараёнлари, ишлаб чиқариш бўлинмалари каби кўплаб чекланмаган қисмларга эга.

Хусусиятлар объектнинг сифатини ифодаловчи параметрлардир. Хусусият тизимнинг маълум бир ўлчамга эга объектларини битталаб микдорий жиҳатдан баён этиш имконини беради.

Объектларнинг хусусиятлари тизим ҳаракати натижасида ўзгариши мумкин.

Алоқалар объектлар ва уларнинг хусусиятларини тизим жараёнида ягона яхлитликка бирлаштиради. Бунда барча тизим элементларининг кенжа тизимлари ва тизимлар ўртасида алоқа бўлиши назарда тутилади. Айрим умумий қонуниялар, қоидалар ёки тамойиллар билан бирлашувчилар ўртасида алоқанинг мавжуд бўй

лиши тизимнинг асосий тушунчаси саналади. Бошқалар билан бирор-бир алоқага эга бўлмаган элемент кўриб чиқилаётган тизимга кирмайди.

Тизимнинг хусусиятлари қуйидагилар саналади: элементлар мураккаблиги, мақсадга қаратилганлиги, турли-туманлиги ҳамда уларнинг табиати, таркиблашганлиги, бўлинишлиги. Тизимлар таркиби ҳамда асосий мақсадларига кўра фарқланади.

Ташкилий мураккаблик тизимнинг асосий хусусияти саналади ва у элементлар ўртасидаги ўзаро алоқалар (ўзаро ҳаракатлар) микдори билан аниқланади. Элементлар ўртасидаги чатишиб қўшилиб кетган ўзаро алоқалар шундай тузилганки, у бирорта параметр алоқасининг ўзгаришига олиб келади.

Ташкилий мураккаблик элементлар тизимини ташкил этувчи тавсифлар микдори бўлмаган яхлит ҳолда, фақат тизимга тегишли тавсифларни аниқлайди. Умуман олганда, тизим уни ташкил этувчи элементлардан бошқачароқ тавсифларга эга бўлибгина қолмай, балки унинг барча қисмларидан сифат жиҳатидан фарқланади. Шунингдек, элементлар эга бўлмаган бошқа вазифаларни ҳам бажариш хусусиятига эга.

Тизим бутунлигининг ўзига хослиги билан аниқланадиган янги хусусиятларнинг пайдо бўлиши баъзан эмержентлик (инглизча, «emergent» – юзага келувчи, пайдо бўлувчи) деб аталади. Тизимларни қисмларга, айниқса, ўзи таркиб топадиган элементларга ажратганда бундай вазифалар ёки тавсифлар ўз-ўзидан йўқ бўлади.

Мақсадга қаратилганлик. Тизим умумий хусусиятга эга, яъни у умумий мақсадга эришишга ҳаракат қилишга қаратилган. Тизимнинг мақсадга йўналтирганлигини ифодаловчи барча элементлар учун умумий

бўлган ўзаро алоқаларнинг мақсадли қоидалари мақсаднинг мавжудлигини белгилайди.

Тизимнинг таркиблашганлиги тизимнинг алоҳида элементлари ва уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳаракати ўртасидаги ички алоқаларнинг доимий таркиби-дир. Тизим таркиби кўп жиҳатдан унинг фаолияти са-марадорлигини белгиловчи муҳим тавсифлардан бири саналади.

Тизимнинг бўлиниши унинг мақсадлар ва вазифаларга жавоб берувчи маълум белгилар бўйича ажратилган элементлар ёки бир қатор кенжа тизимлардан ту-зилганлигини англаатади. Кенжа тизимлар бундай ажра-тилишнинг асосини ташкил этиб, бунда элементлар ўртасидаги алоқалар кўпроқ, кенжа тизимлар ўртасида эса камроқ бўлади.

Тизим тушунчаси шу маънода нисбийки, тизим эле-ментининг ўзи ҳам мураккаб тизим бўлиши мумкин. Бирор белги бўйича ажратилган тизим ўзига нисбатан юқори даражадаги тизим элементи бўлиши мумкин.

Ташқи муҳит. «Тизим» тушунчаси тизимга кирувчи бир қатор элементларни чеклайди: шартли равишда чекланган чегарани ўрганади, ундан ташқаридаги эле-ментлар эса ушбу тизимга кирмай қолади. Бундан англашиладики, тизим ўз-ўзидан эмас, балки бошқа кўплаб элементлар қуршовида мавжуд бўлади. Айрим масалаларни ҳал этишда бизни бу ташқи муҳитнинг барча элементлари эмас, балки ушбу масала нуқтаи назаридан ташки муҳитни ташкил этувчи, кўриб чиқи-лаётган тизимга бирор-бир алоқаси бўлган элементлар-гина қизиқтиради. Ташқи муҳит кўрилаётган тизимга таъсир кўрсатувчи ёки кўрилаётган масала шароитида унинг таъсири остоиди. Тизимнинг ташқаридаги

ҳар қандай табиат элементларидир. Чунки реал шароитларда тизимларнинг ҳар бири алоҳида эмас, балки бошқалари ёнида, бир-бирига боғлиқ ҳолда ишлайди. Тизимларни таҳлил ва синтез қилиш чоғида алоқаларнинг икки хил тури ажралиб туради: ички ва ташки алоқа. Ташки алоқага эга тизимлар очик деб, унга эга эмаслари эса ёпиқ алоқа деб аталади.

Тизимлар таснифи. Тизимларни қиёслаш ва фарқлаш, уларнинг бир-бирига ўхшашлари ва фарқларини ажратиш орқали таснифлаш амалга оширилади.

Таснифлаш фақат борлик моделидир, уни турли белгилар, яъни кириш ва чиқиш жараёнларининг баёни, уларнинг келиб чиқиши, бошқарув тури, бошқарув ресурслари билан таъминланганлиги ва б. бўйича амалга ошириш мумкин. Бизни тизимнинг келиб чиқиши бўйича таснифлаш қизиқтиради.

Сунъий тизимлар инсон томонидан яратилган тизимлардир.

Табиий тизимлар табиатда ёки жамиятда инсон иштирокисиз юзага келган тизимлардир.

Аралаш тизимлар табиий ва сунъий тизимларни ўз ичига олади.

Эргонамик тизимлар «машина – инсон – оператор» мажмуудир.

Биотехник тизимлар тирик организмлар ва техник қурилмалар кирадиган тизимлардир.

Ташкилий тизимлар зарурый воситалар билан жиҳозланган кишилар жамоасидан ташкил топган тизимлар саналади.

Ташкилий тизим бошқариш, шунингдек, ташкилий тузилма, мақсадлар, бошқариш самарадорлиги ва ходимларни рағбатлантириш қоидалари мезонлари учун

фойдаланадиган, ходимларнинг юриш-туриши ва техник воситаларнинг ишлатилиш тартибини белгиловчи қоидалар йифиндисидир.

Ташкилий тизимлар ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланувчи кишилар жамоасининг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш учун мўлжалланган. Охиргиси анча муҳим ҳолат ҳисобланади, чунки ташкилий тизимлар техник воситаларнинг ўзига хослигини, хусусан, бошқарув воситаларини ҳисобга олиши лозим.

Тизимда бошқарув объекти муайян моддий захира-ларга эга ва аниқ маҳсулотни олишга йўналтирилган ишлаб чиқариш операцияларини бажарувчи вазирлик, идора, корхона, цех, ишлаб чиқариш, участкалар, ижро-чилар жамоаси ёки айрим шахслардир. Бошқарув объектининг фаолияти ишлаб чиқариш жараёни чоғидаги турли ҳолатлардаги вазифаларни амалга оширишга бўйсундирилган.

Бошқарув органи объектни бошқариш учун ташкилий тизимдан фойдаланувчи шахс ёки шахслар гурухи саналади.

Ташкилий тизимлар автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган бўлиши мумкин.

Ташкилий тизимлар бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Дастлабки ўзига хослиги шуки, тизимнинг асосий элементи мураккаб, фаол тизим бўлган инсондир. Инсон юриш-туриши, хулқининг амалий талабларини баён этувчи норасмий моделларини тузиш жуда мураккаб, баъзан эса умуман иложсиздир. Айни пайтда, инсон ташкилий тизимларда қарор қабул қилувчи шахс (КҚШ) ҳисобланади.

Ташкилий тизимларнинг иккинчи ўзига хослиги кўп мақсадли ишлаш хусусиятидир. Ушбу тизимлар

фаолиятининг самарадорлиги, умуман олганда, унинг кичик тизим ва элементларини ташкил этувчиларига кўра кўплаб микдордаги техник, иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар билан белгиланади. Самарадорликни баҳолашнинг серкирралилиги кўпгина ўзаро боғлик жиҳатлар бўйича бошқаришни ташкил этиш заруратини туғдиради. Бунда тизимнинг бошқа элементлари билан моддий ва ахборот жиҳатидан ўзаро таъсирини ташкил қилиш талаб этилади.

Учинчи ўзига хослик ташкилий тизимларнинг узлуксиз ривожланишини ўз ичига олади, у янги эҳтиёжлар пайдо бўлишини, бу эҳтиёжларни ташки ва ички шарт-шароит ҳамда ўзгаришлар билан боғлик ҳолда қондириш йўлларини такомиллаштиришдан иборат. Оқибатда объектлар тармоклари доимий ўзгаради, унинг элементлари ўргасида янги алоқалар пайдо бўлади. Шунингдек, ҳам алоҳида объект, ҳам умуман тизим сифатида бошқариш тизими ўзгаради.

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий объектларнинг мавжудлиги жамиятнинг у ёки бу эҳтиёжларини қондириш билан белгиланади. Ҳар бир бундай объект ўзгарувчан муҳит (давлат бошқарув органлари, бошқа объектлар) билан муайян муносабатларда бўлади ва ўзаро таъсирининг мавжудлигини ҳамда ўз вазифасининг бажарилишини таъминлайдиган кўплаб турли элементлардан ташкил топади.

Ушбу қўлланмада бундан кейин, ҳажм, мулкчилик шакли, ташкилий-хукуқий мақомидан қатъи назар, исталган объект ташкилот деб юритилади.

Ташкилот ён-атрофдан захиралар оладиган ва уларни ўз фаолияти маҳсулотларига айлантирадиган барқарор расмий ижтимоий тузилмадир. Барча ташкилотлар-

да бир қатор умумий хусусиятлар, шунингдек, кўплаб ўзига хосликлар мавжуд.

Ташкилотнинг муҳит билан ўзаро таъсири натижасида турли хил ўзгаришлар юз беради. Мазкур ўзгаришлар бир-бирига ўта қарама-қарши икки шаклга эга бўлиши мумкин. Булар деградация (ташкилотнинг мураккаблашуви, ахборотнинг жамланиши), яъни ташкилотнинг емирилиши ҳамда ривожланиши. Бундан ташқари, ташкилот ва муҳит ўргасида вактинчалик мувозанат ҳам бўлиши мумкин, шу туфайли ташкилот бир қанча муддат ўзгармай қолади ёки фақат тескари ўзгаришларга учрайди. Ташкилотда бу ўзгаришлар бошқариш заруратини юзага келтиради. Бошқача қилиб айтганда, мақсадга йўналтирилган таъсир кўрсатади.

Бошқариш – ўта муҳим функция, усиз ҳеч бир ташкилот мақсадга йўналтирилган фаолият юрита олмайди. Бошқаришнинг мақсади рақобат курашида омон қолиш, кўпроқ фойда олиш, муайян бозорларга чиқиш ва бошқалардир.

Бошқариш аниқ бир ташкилотларнинг ўзига хослиги ва бошқариш мақсадларига боғлиқ ҳолда уларни барқарорлаштириш, сифат белгиларини сақлаш, муҳит билан иқтисодий мувозанатни ушлаш, ташкилотни такомиллаштиришни, у ёки бу самарага эришишни таъминлашга имкон беради.

Бошқаришни амалга ошириш алоҳида вазифа саналади. Уни бажариш учун ташкилотнинг айрим элементлари ихтисослашади. Шу боис ҳам ташкилот доирасида бошқариладиган жараён (бошқариш обьекти) ва бошқарувчи қисмни (бошқарув органини) ажратиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг йиғиндиси бошқарув тизими сифатида белгиланади.

Бошқариладиган объект кириш оқимларини (масалан, хомашё, материаллар) чиқиши маҳсулотларига (тайёр маҳсулот) айлантириш бўйича операциялар йифиндисини бажаради.

Бошқарувчи қисм олдига қўйилган мақсадга эришиш жараёнида бошқарилувчи объектни ташкил этиш учун зарур бўлган операциялар йифиндисини бажаради.

Ахборот контури. Бошқарувчи қисм бошқарилувчи жараёнга муайян таъсир кўрсатади. Бошқарувчи қисм бошқарувни амалга ошириши учун бошқариладиган жараённи олиб бориш мақсадида аниқ ҳолатни қиёслаш талаб этилади, чунки шу боис бошқариладиган жараён бошқарувчи қисмига таъсир кўрсатади. Иккала қисмнинг бир-бирига ўзаро таъсири ахборотни узатиш шаклида амалга оширилади. Шу тариқа бошқарув тизимида доимо ёпиқ ахборот контури мавжуд бўлади.

Бошқариш тизимининг ишлаши. Бошқариш тизимининг ишлаши ахборот базасида, олдига қўйилган мақсадга мувофиқ ҳолда бошқариладиган объект, унинг кириш ва чиқиши ҳолати бўйича амалга оширилади. Объектни бошқариш бошқарувчи таъсирни узатиш йўли билан амалга оширилади.

Бошқариш жараёни муайян мақсадга эришишга йуналтирилган. Шундан келиб чиқиб бошқариш жараёнини бошқариладиган объектдаги жараёнга мувофиқ келувчи мақсад ва ҳажм ўртасидаги фарқни камайтиришга интилиш сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Бошқариш тизимининг ишлаши тасодифий ёки муттасил таъсирлар манбай бўлган ташки мухит билан ўзаро таъсир шароитларида рўй беради, улар бошқариш обьекти чиқишида ҳам, бошқарув жараёни кечишида ҳам камчилик чиқариши мумкин. Бошқариш жараёни-

да тўғри ва тескари алоқа каналлари бўйича тазимнинг бошқарувчи ва бошқарилувчи қисмлари ўргасида ахборот алмашинуви кечади. Олдига қўйилган мақсадларни бажариш учун тизимнинг бошқарувчи қисми бошқарилувчи обьектга ахборот узатишнинг тўғри канали бўйича бошқарувчи таъсирлар жўнатади. Тескари алоқа канали бўйича бошқарилувчи обьектдан бошқариш жараёни ҳолати ва бошқарувчи таъсир бажарилиши натижалари ҳақида ахборот келиб тушади.

Тизимнинг бошқарувчи қисми киришида келадиган ахборот таъсир кўрсатади. У бошқариш обьектидан (масалан, хомашё, материаллар келтирилганлиги ҳақидаги маълумотлар) ташқаридан ҳамда ичкаридан олинган маълумотларни ўз ичига олади.

Юқоридагилардан келиб чиқилса, бошқаришни бошқарилувчи обьектга бошқарувчи таъсир кўринишида етказилувчи қарорлар қабул қилиш учун барча келиб тушувчи ахборотни тизимнинг бошқарилувчи қисмida қайта ишлаш деб изоҳлаш мумкин.

Ташкилотнинг ахборот тизими. Ахборот контури доирасида бошқариш мақсадлари ҳақида, бошқарилувчи жараён ҳолати ҳақида, бошқарувчи таъсирлар ҳақида ахборотга эга бўлинади ва узатилади. Ахборот контури ахборотларни йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва сақлаш воситалари, шунингдек, ахборотларни ишловчи ходимлар билан биргаликда мазкур ташкилотнинг ахборот тизимини ташкил этади. Бу тизим динамик ривожланувчиидир, чунки ахборот ўзгаришларга учрайди, унинг тезлиги ташкилот бажараётган вазифаларга боғлиқ. Ахборот тизимига кирадиган маълумот сифатида ахборотни шакллантирувчи ахборот манбалари ва маълумотларни йиғиш тизими кўрилади. Чиқадиган ахборот

сифатида эса қарорларни шакллантириш ва қабул қилиш, яъни ахборотдан мақсадли равишда фойдаланиш тизими таҳлил этилади. Демак, ахборот тизими ахборотни бошланғич йиғиши ва ундан иккиламчи фойдаланиш тизими билан ўзаро боғлик.

Ахборот тизими бошқариш тизимининг асоси сана-лади. Бирок бутун бошқариш тизими у билан тугамайди. Қарорлар қабул қилиш ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатувчи бошқариш тизимининг бошқа томонини ташкил этади.

Ахборот тизими тушунчаси узлуксиз ахборот тушунчаси ва унинг моддий намоён бўлиши билан боғлик. Бунда ахборот тизимининг икки томони, яъни технологик ва мазмуний жиҳатини фарқлаш лозим. Ахборот тизимига технологик ёндашув уни ахборот процедураларини (маълумот йиғиш, рўйхатга олиш, узатиш, саклаш, жамлаш, қайта ишлаш ва б.) комплекс амалга ошириши билан боғлик бошқарув жараёнларининг бири сифатида кўриб чиқишини кўзда тутади. Процедураларни бажариш ташкилотнинг асосий фаолиятини амалга ошириш жараёнида рўй беради. Бошқаришни автоматлаштириш, биринчи галда, ахборот процедураларини бажаришга йўналтирилган.

Ахборот тизимига мазмуний ёндашув у ёки бу ташкилотнинг функционал вазифаси билан боғлик ва аник бир ахборот бирликларининг (реквизит ва кўрсаткичлар, массив ва оқимлар) таркиби шу билан белгиланади. Ҳал қилувчи ахборот вазифалари доираси ва натижалар рўйхати ахборот тизимининг мазмунини билан белгиланади. Ташкилот ахборот тизимининг мазмунида, асосий фаолиятида қандай роль ўйнамасин, ҳар бир ташкилотнинг тузилиши ва ҳар бир бўлинма фаолиятиниң йўналиши акс этади.

Ахборот тизимларига технологик ёндашув ахборотни процедуралар обьекти сифатида кўриб чиқишга имкон беради, мазмуний ёндашув эса ахборотнинг маънавий таҳлили, унинг қийматини белгилайди.

Бошқарув тизимининг поғоналилиги. Одатда, исталган ташкилот бир неча обьектлардан иборат мураккаб комплекс бўлиб, уларнинг ўзи ҳам бошқарув жараёни ва қисмларидан ташкил топган. Шу боис комплекснинг келишилган ҳолда ишлаши учун қўшимча бошқариш қисми киритилади. У ўзга бошқариш қисмлари ва бошқарилувчи жараёнлар (локал бошқариш тизимлари каби) ҳаракатларини мувофиқлаштиради, улар фаолиятини комплекснинг умумий мақсадларини бажаришга йўналтиради. Анча мураккаб тузилишли бошқарувчи жараёнда бошқариш қисми кўп даражали тузилмага эга бўлиши мумкин. Бу кўплаб бошқарув тизимлари учун хос хусусият.

Одатда, обьектнинг бошқариш қисмida бошқаришнинг олий, ўрта, қуи даражаси фарқланади. Улардан ҳар бири ўз функциялари тўплами, компетенция даражаси билан изоҳланади ва тегишли ахборотга муҳтож бўлади.

Бошқаришнинг юқори даражасида стратегик бошқариш, ташкилот вазифаси, бошқариш мақсадлари, узок муддатли режалари, уларни амалга ошириш стратегијаси белгиланади. Бошқаришнинг ўртача даражаси техник бошқарув даражаси ҳисобланади.

Бунда тактик режалар тузилади, уларни амалга ошириш назорат қилинади, ресурслар кузатиб борилади ва х.к. Бошқарувнинг қуи даражасида тезкор бошқарув режаси, яъни ҳажм-тақвим (календарь) режалари бажарилади, тезкор назорат ва қайд этиш амалга оширилади.

Бошқариш даражаси (бошқарув фаолият тури) ҳал этиладиган масаланинг мураккаблиги билан белгиланади. Масала қанчалик мураккаб бўлса, уни ҳал қилиш учун шунчалик юқори даражадаги бошқарув талаб этилади. Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, тезкор ҳал қилишни талаб этувчи оддий масалалар нисбатан кўп юзага келади. Демак, улар учун тезкор, нисбатан куйи бошқарув даражаси қабул қилинади. Бошқарув пайтида, шунингдек, қабул қилинадиган қарорларни амалга ошириш динамикасини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бу ҳол бошқарувга вактингчалик омил нуқтаи назаридан қараш имконини беради.

Тезкор бошқарув даражаси кўп марта қайтаришувчи вазифалар ва операцияларини ҳал этишни ҳамда кела-диган жорий ахборотлар ўзгаришини қайд этишни таъминлайди. Мазкур даражада бажариладиган операциялар ҳажми ҳам, бошқарув қарорларини қабул қилиш динамикаси ҳам анча юқори. У кўпинча вазият ўзгаришига тез жавоб қайтариш зарурати туфайли тезкор бошқарув даражаси деб ҳам юритилади.

Ўрта (тактик функционал) бошқарув даражаси биринчи даражада тайёрланган ахборотларни олдиндан таҳлил этишни талаб қиласиган масалалар ечимини таъминлайди. Мазкур даражада бошқарувнинг таҳлил вазифалари кенг аҳамиятга эга бўлади. Ҳал этиладиган масалалар ҳажми камаяди, бироқ уларнинг мураккаблиги ошади. Айни пайтда, керакли ечимни ҳар доим ҳам тезкор ишлаб чиқиш имкони бўлмайди. Етишмаётган маълумотларни йиғиши, таҳлил этиш ва фикрлашга қўшимча вақт талаб этилади. Бошқарув хабар келиб тушган вақтдан то қарор қабул қилиш ва уни амалга оширгунча, шунингдек, қарорни амалга ошириш вақтидан то

унга бўлган таъсирни қайд этгунча бўлган айрим оралиқ тўхталишлар билан боғлик.

Стратегик даражада ташкилотнинг узоқ муддатли стратегик мақсадларига эришишга йўналтирилган бошқарув қарорларни танлашни таъминлайди. Модомики қабул қилинадиган қарорлар натижалари орадан узоқ вақт ўтгач кўринар экан, ушбу даражада стратегик режалаштириш каби бошқарув вазифалари муҳим аҳамиятга эга. Бошқарувнинг бошқа функциялари бу даражада етарлича тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Кўпинча бошқарувнинг стратегик даражаси стратегик ёки узоқ муддатли режалаштириш деб юритилади. Ушбу даражада қабул қилинган қарорнинг ҳаққонийлиги узоқ вақт ўтгачгина ўз тасдигини топиши мумкин. Қарор қабул қилиш масъулияти жуда катта. Бу математик ва маҳсус аппаратлардан фойдаланган ҳолдаги таҳлил натижалари билангина эмас, балки менежерларнинг касбий интуицияси билан ҳам белгиланади.

Бошқарувнинг ҳар бир даражасидаги маълум бир меҳнат тақсимоти бошқарув қисмининг алоҳида элементларига режалаштириш, ташкиллаштириш, ҳисобга олиш ва назорат, баён этиш, таҳлил ва бошқарув каби алоҳида вазифаларни бириттиришга олиб келади. Бу вазифалар турли ҳажмда ва бошқарувнинг турли даражасида амалга оширилади. Уларнинг айримлари ҳатто бошқарувнинг бирор-бир даражасида ҳам амалга ошмаслиги мумкин.

Ташкилотнинг бошқарув қисмида вазифа элементларининг мавжудлиги ахборот тизимларида тегишли кенжак тизимлар пайдо бўлишига олиб келади. Масалан, бошқарув вазифаси сифатида режалаштириш ва назоратнинг намоён бўлиши ташкилотнинг ташкилий жиҳатига тегишли таркибий элементларини, унинг ахборот

тизими доирасида эса режалаштириш ёки назорат кенжада тизимларини ҳосил қиласди. Уларнинг биринчиси бизнес режа ишлаб чиқиш, маркетинг тадқиқотлари, режалар, молиявий режалар ва бошқлар шаклланишини, иккинчиси назоратнинг ахборот кўмагини таъминлайди.

Ташкилот фаолият юритаётган иқтисод тармоғи ва бошқарув қисми даражасига кўра бошқарув объектидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборот ушбу бошқарув қисмига турли тезликда келиб тушади. Олайлик, машинасозликда завод директори ишлаб чиқариш тўғрисида кунига цех бошлиғидан ҳар смена ҳақида маълумот олади, мастер эса ушбу ишлаб чиқаришни кузатади. Курилишда ахборот олиш частотаси пастроқ. Масалан, нефть-кимё тармоғидаги технологик жараёнларни бошқариш тўғрисида гапирадиган бўлсак, у ерда ахборот доимий равишда келиб тушади.

Шундай қилиб, миллий иқтисод тармоғининг турли бошқарув даражасида бошқарув жараёни тўғрисида ахборот олиш дискретлиги турличадир. Шунингдек, ташкилотнинг бошқарув органи томонидан мақсадга мувофиқ ушбу жараённи тузатиш зарурати ахборот олиш частотасига кўра юзага келади ёки келмайди.

Куйида тўлиқ бошқаришнинг асосий вазифалари сабаб ўтилган.

1. Башоратлаш ташқи мухитнинг юзага келиши мумкин бўлган ҳолатини, бошқариладиган объектнинг ўзини тутишини аниқлаш мақсадида маълумотларни қайта ишлаш ҳамда ҳар бирининг эҳтимолини баҳолашдан иборат.

2. Режалаштириш тизимнинг келажакдаги орзу қилинган ҳолатини (режали моделини) ишлаб чиқиш

ва ушбу ҳолатга эришиш учун маблағларни тақсимлашга нисбатан қарорлар қабул қилишдан иборат. Режалаштириш мақсад ва мезонларни танлашни ўз ичига олади. Шу мақсад ва мезонга нисбатан бошқарув самарадорлиги баҳоланади.

3. Дастурлаш режасини амалга ошириш, яъни тизим фаолиятининг алгоритмини ишлаб чиқиш учун бошқариладиган ҳаракатлар кетма-кетлиги ҳамда ўзаро алоқасини баён этувчи дастурларни ишлаб чиқишидан иборат.

4. Ташкил этиш мустаҳкам (бардошли) объектлар ёки жараёнлар тузилмасини ўзгартириш ёхуд маълум бир ҳолатларда бошқариладиган объектлар фаолиятини регламентлаштиришда фойдаланиладиган у ёки бу қоида, процедура, усул, алгоритмларини белгилаш ё ўзгартириш демакдир.

5. Меъёрлаштириш тизимнинг хусусиятларини ифодаловчи статистик маълумотларни доимий равишда йиғиши ва улар асосида тизимнинг бир меъёрда фаолият қўрсатишини таъминлаб туришдир.

6. Ҳисобга олиш бошқариладиган объект ва ташқи муҳит параметрлари мажмуини қайд этишдан иборат. У яна келадиган маълумотларни дастлабки қайта ишлаш, жумладан, таснифлаш, гурухлаш ва б. арифметик ҳамда мантикий операцияларни ўз ичига олади.

7. Назорат қилиш бошқариладиган объектларнинг меъёрида ишлашидан чалғиши тўғрисидаги маълумотлар мазмунини аниқлашдан иборат.

8. Бошқариш тасодифий таъсирлар сабабли тизим ишининг меъёрий режадан четлашишини бартараф этиш мақсадида қарор қабул қилиш, яъни қайта алоқа асосида тузатиш, олинадиган самаранинг сифат ва миқ-

дор ўлчовлари ўзгаришига кўра бошқарилувчи объектга таъсир кўрсатишидир.

9. Таҳлил тизимнинг жорий ҳолатини ўрганишда иш самарадорлигини ошириш учун унинг имкониятларини таҳлил этишдан иборат.

Ахборот тизимлари ахборот ва ахборот технологиялари каби жамият юзага келган вақтдан буён мавжуд, чунки унинг ҳар қандай ривожланиш босқичида бошқарувга эҳтиёж бўлади. Бошқарув учун эса тизимлаштирилган, олдиндан тайёрланган ахборот талаб қилинади.

Ахборот тизими. Тегишли ташкилотларда (объектларда) фаолият кўрсатувчи ва турлича тузилувчи ахборотлар мажмую унинг ахборот тизимини ташкил этади.

Ахборот тизимларининг асосий вазифаси барча ресурсларни самарали бошқариш учун ташкилотларга керакли бўлган ахборотларни ишлаб чиқиш, ташкилотни бошқариш учун ахборот ва техникавий муҳитни яратишдан иборат.

Бошқарув тизимини кўриб чиқиш давомида бошқарувнинг қуидаги учта даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин: стратегик, тактик, тезкор. Ушбу даражалар нинг ўз вазифалари бор, уларни ҳал этишда ахборотга бўлган эҳтиёж, яъни ахборот тизимига нисбатан талаб юзага келади. Бу талаблар ахборот тизимидағи тегишли ахборотларга қаратилган. Ахборот технологиялари талабларни қайта ишлаш ва мавжуд ахборотлардан фойдаланиб жавобларни шакллантириш имконини беради. Шундай қилиб, бошқарувнинг ҳар бир даражасида керакли қарорни қабул қилиш учун асос бўлувчи ахборот юзага келади.

Бошқарув даражаси аҳамиятига кўра қанча юқори бўлса, мутахассислар ва менежерларнинг ахборот тех-

нологиялари ёрдамида бажарадиган иш ҳажми шунча кам бўлади. Бироқ бу ҳолда ахборот тизимининг мураккаблиги ва интеллектуал имкониятлари ҳамда менежернинг қарор қабул қилиш чоғидаги роли ортади. Бошқарувнинг ҳар қандай даражаси турли миқдор ва турли дагажадаги ахборотга муҳтоҷ бўлади.

Ҳозир, и қунда ахборот тизими ҳақида компьютер техникаси ёрдамида амалга оширилган тизим деган фикр юзага келган. Ахборот технологиялари каби ахборот тизимлари ҳам техник воситалардан фойдаланиб ва уларсиз ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Бу иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ масала.

Ташкилот ахборот тизимида ахборот ҳажмининг ўсиши, уни янада мураккаб усулларда қайта ишлашни тезлаштириш эҳтиёжи ахборот тизимининг ишини автоматлаштириш, яъни ахборотларни қайта ишлашни автоматлаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Автоматлаштирилмаган ахборот тизимида ахборот ва қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ барча ҳаракатлар инсон томонидан амалга оширилади. Ахборотни қайта ишлаш жараёнини автоматлаштириш алгоритмлар доирасида ҳал қилувчи қоидаларни қайта ишлашнинг шаклланишига олиб келади. Бу ҳам, ўз навбатида, соғ ахборот тизимининг бошқарув ахборот тизимига, яъни бошқарув жараёнида қўлланиладиган маълумотларни йифиш, саклаш, тўплаш, қидириш, қайта ишлаш ва узатиш тизимига айланишига олиб келади. Ахборот тизимида бошқариш, шунингдек, инсоннинг қарор қабул қилиш бўйича иши қисман амалга оширилган.

Ахборот тизимининг вазифаси. Ахборотларга асосланган, мақсади олдиндан белгиланган ва шу мақсадга эришиш дастури ишлаб чиқилган бошқарилувчи

жараёнга мақсадли таъсир кўрсатиш қарор қабул қилиш деб аталади. Қарорнинг шаклланиш жараёни эса қарор қабул қилиш жараёни деб юритилади. Ташкилотни бошқариш доирасида меҳнат тақсимотига мувофиқ қабул қилинадиган қарорлар бошқарувнинг у ёки бу вазифасига киради.

Қарор қабул қилиш жараёнини таъминлаш, яъни айнан керакли ахборотни керакли вақтда ва керакли жойга тақдим этиш ташкилот ахборот тизимининг асосий вазифаларидан биридир. Шу боис ҳам қарор моҳияти, уни қабул қилиш жараёни, қарор қабул қилишнинг барбод бўлиши ташкилотнинг ахборот тизими фаолиятига, у ерда қўлланиладиган технологияга сезиларли таъсир кўрсатади, ҳатто ахборот тизимининг бутун бошли синфи – қарор қабул қилиш тизимини шакллантириш заруратини келтириб чиқаради.

Ташкилотни бошқаришнинг юқорида кўриб чиқилган тизими, албатта, унга кибернетик нуқтаи назардан ёндашувга кўра белгиланган. Юқорида қайд этилгандардан ташқари ташкилотнинг бошқарув тизимига унинг ташкилий таркиби, ходимлар, вазифани бажариш чораларини кўриш, ташкилотнинг ички маданияти ва б. омиллар таъсир кўрсатади.

Хўш, таъсир кўрсатиш нима дегани? Бу ахборот тизимида қандай ахборот мавжудлиги, у қандай сақланиши, қай йўсинда қайта ишланиши, ушбу тизим қандай ишланиши ва бошқаларни олдиндан белгилашни англатади.

Ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос жиҳатлари куйидагиларда намоён бўлади:

- ахборот иқтисодиётининг ривожланиши;
- ахборот танглигини бартараф этиш;
- ахборот технологиясининг глобаллигига эришиш;

- турли ахборот ресурсларига эркин кириб борилиши;
- ахборот ресурсларининг устунлигини таъминлаш;
- янги ахборот техникаси ва технологияларини кенг кўллаш;
- бошқарув фаолиятида ахборотдан самарали фойдаланиш.

Ахборотлашган жамиятда инсон ахборот билан ишлаш бўйича маълум даражадаги маданиятга эга бўлиши зарур. Бунинг учун шахсни ахборотни тез қабул қилиш ва катта ҳажмини қайта ишлаш, замонавий воситалар, усуллар ва технологиялардан фойдаланишга тайёрлаш лозим. Ахборот маданияти деганда жамият аъзоларининг ахборотдан мақсадли фойдаланиш, ахборотни қайта ишлаш ва узатиш, замонавий техник-ташкилий воситалар ва усулларидан фойдаланиш қўниммаларига эга бўлиши тушунилади.

II. СОҲАВИЙ БОШҚАРУВДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

2.1. Соҳавий бошқарувда замонавий ахборот технологиялари

Ўзбекистон ҳукумати ахборот технологияларига жуда катта аҳамият бермоқда. Республикаиздаги олий ўқув юртларининг аксариятида «ҳисоблаш техникаси ва информатика», «информацион технология» кафедралари, ахборот ресурс марказлари, бир нечта техникий олийгоҳларда «ахборот хавфсизлиги» кафедралари ташкил этилган. Бундан ташқари, юртимиздаги 9825 та умумтаълим мактабларида, 141 та академик лицейларда, 1396 та касб-хунар коллажларида «Информатика» фани бўйича назарий ва амалий дарслар ўтилади. Бундай зарурият асосан компьютер техникасининг ҳалқ ҳўжалигига юридик ва жисмоний шахслар томонидан кенг қўлланилаётганлиги, симли, оптик толали, радиореле, уяли ва сунъий йўлдошлар орқали алоқа қиласидан ҳалқаро глобал компьютер тармоғи – интернетдан фойдаланиш сабаблидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бўлганидек, автотранспорт корхоналарида, транспорт касб-хунар коллажларида ва автомактаблардаги таълим тизимида ҳам ислоҳотлар йўлга қўйилдики, бунда таълим-тарбия жараёнига замонавий ахборот технологияларини олиб кириш масаласи ҳал этила бошланди.

Ҳозирги кунда Республикаиз Президентининг компьютерлаштириш ва ахборотлаштиришни ривожлантиришга қаратилган фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 2010 – 2020 йилларда ком-

пьютерлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурнинг ижросини таъминлаш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш олий ўкув юртларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ахборот-коммуникацион технологиялар қаторига компьютер, сканёр, вебкамера, видеокамера, LCD проектор, факс модем, телефон, электрон почта, мультимедиа воситалари, ахборот тизимлари, маълумотлар омборини бошқариш тизимлари, сунъий йўлдош алоқа тизими, сунъий интеллект тизими, интернет ва интернет тармоқлари (локал ва глобал), телекоммуникация, телеанжуман, видео-анжуман, чат, форумларни киритиш мумкин.

Жамиятни ахборотлаштириш:

- меҳнат технологиялари, ишлаб чиқариш воситаларини автоматлаштириш;
- илмий тадқиқот, лойиҳа, ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш;
- аҳолига хизмат кўрсатишни автоматлаштириш;
- ташкилий-иктисодий бошқаришни автоматлаштириш;
- таълимни ва кадрлар тайёрлашни ахборотлаштириш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Ахборот-коммуникацион технологиялар марказида турувчи буюм компьютердир. Ҳозирги кунда компьютерлар барча корхоналарда, айниқса, технологик жараёнларда автоматик бошқариш тизимида, масалан, «GM Uzbekistan», «SamAvto» ва «MAN Auto – Uzbekistan», «GM PowerTrain Uzbekistan» заводларида автомобилларни ишлаб чиқаришда асосий рольни ўйнайди.

Соҳасидан қатъи назар, институтни битириб, корхонада, муассасада, ташкилотда ёки турли фирмаларда

ишлайдиган мутахассис компьютер тармоғида ишлаши, маълумотлар айирбошлишни билмаса ҳозирги кун талабларига жавоб бера олмайди. Шунинг учун «Информатика ва ахборот технологиялари» предмети республикамиздаги барча олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида ўқитиляпти. Ушбу талаб республикамиз ҳукумати томонидан Олий ва ўрта-маҳсус таълими ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда тайёрланаётган «Информатика ва ахборот технологиялари» фанини ривожлантириш, мактабларда 2-синфдан, академик лицейларда, касб-хунар колледжларида, олий ўқув юртларида ва магистратурада узлуксиз ўқитиш концепцияси ва дастурида кўрсатиб ўтилган.

Юргимизда яшаётган барча балоғатга етган инсонлар, мутахассислигидан қатъи назар, ахборот тизими ва технологияларни мукаммал билиши, маълумотларни компьютер тармоғи орқали айирбошлишни, ахборотлар жамғармасидан масофадан туриб фойдаланишни, электрон почта режимида узатиш, қабул қилишни, масофали ўқитиш ёки таълим олишни, маълумотларни ҳимоялаш воситаларини кўллашни, видеоконференц алоқа, IP-телефония ва бошқаларни компьютер орқали амалга оширишни билишлари лозим, бу ҳозирги замон талабидир.

Компьютер тармоқларининг пайдо бўлиш сабабларидан бири ресурслардан ҳамкорликда фойдаланиш алоҳида компьютер имкониятини кенгайтиришdir. Тармоқ орқали фойдаланувчилар бир вақтнинг ўзида бир хил маълумот ва файл нусхалари, амалий дастурлар билан ишлаши мумкин. Бу ҳолат ахборот ташувчилардаги жойни тежайди. Қолаверса, принтер, сканер, модем, лазер дисклар мажмуининг биргаликда ишлатилиши қўшимча маблагни асрайди.

Тармоқдан фойдаланганда ахборотни сақлаш ишончлилиги ортади, чунки жуда оддий усулда қимматли ахборотлардан қайта нусха күчириш мумкин ва алоҳида фойдаланувчилар ўргасида ахборот алмашиш енгиллашади.

Бугунги кунга келиб барча автотранспорт корхоналарида, айниқсाब, банк билан боғлиқ ишларда тармоқ (кўп фойдаланувчи) дастур маҳсулотлари кенг кўллаланилмокда. Улар фойдаланувчилар сўровини мужассамлаштиради, бир вактнинг ўзида ахборотдан фойдаланиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2014 йил 27 марта «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ахборот-коммуникацион технологиялари (АКТ) соҳасида малакаларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 73-сонли қарор қабул қилди. Ушбу қарорда юртимиздаги барча корхона, ташкилот, муассаса, тижорат фирмалари, ҳукумат раҳбарларидан тортиб оддий ишчигача ахборот-коммуникацион технологияларни мукаммал билиши, улардан фойдаланиш ва сеқин-аста қофозсиз технологияга ўтиб, электрон ҳукумат тизимида бемалол ишлай оладиган даражага эришиши лозимлиги таъкидланган.

Республикамиздаги барча 12 та вилоятда, Қорақалпоғистон Республикасида, 163 та туманда, 120 та шаҳар, 117 та шаҳарчада, 1459 та қишлоқдаги (овулдаги) корхона, ташкилот, муассаса, жамиятларда ишлайдиган фуқоралар замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни яхши билишлари ва амалда қўллай олишлари лозим. Ушбу технологиянинг амалда қўлланилиши натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот-

ларнинг сони ва сифати, меҳнат қилаётган ишчи ёки хизматчининг иш самадорлиги ошади.

Амалий турмушда АҚТни 10 та асосий йўналишда кўллаш ахборотлашган жамиятга ўтиш учун «кўприк» хисобланади:

- телемеҳнат, яъни масофавий меҳнат;
- масофавий таълим;
- университетлар ва тадқиқот марказларини ўзаро боғловчи тармоқлар;
- кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун телематик хизматлар (электрон почта, файл узатиш, видеоконференция ва х.к.);
- автотранспорт, темир йўл ва ҳаво транспорти хизматларини компьютерли бошқариш;
- ҳаво хабарларини компьютерли назорат қилиш;
- соғлиқни саклаш соҳасидаги компьютер тармоқлари;
- электрон тижорат;
- миллий ва маҳаллий маъмурий органлар тармоғи;
- шаҳар ахборот супермагистраллари ва х.к.

Ахборотлаштириш эса ҳудудий тақсимланган ахборот ресурсларини бирлаштирувчи телекоммуникация инфратузилмасини қуриш ва ривожлантиришга йўналтирилган сиёsat ва жараёнлардан иборат бўлади.

Ахборотлаштириш нафақат технологик, балки аҳоли турмуш тарзига сезиларли ўзгартеришлар киритадиган ижтимоий ва маданий жараён ҳамдир.

Жамиятни ахборотлаштириш эса жамият аъзоларининг ишончли ахборотдан тўлиқ ва ўз вақтида фойдаланишини таъминлашга қаратилган чоралар комплексини ишга туширишдир, бу янги ахборот технологияларини ўзлаштириш ва ривожлантириш даражасига боғлик бўлади.

Информацион технологиялар ва АК технологиялари ХХ асрнинг сўнгги чорагида пайдо бўла бошлаган. Бундан олдин улар маълумотлар базасини кўриб чиқиш ва қайта қабул қилиш жараёни деб аталган. 80-йиллар ўрталарида компьютерни ихчамлаштириш ва уни барча соҳаларда бирдек қўллаш, уларнинг имкониятини ошириб, барчасидан оптимал фойдаланиш, АТ ва телекоммуникация тармоклари ҳамда улардаги хизматларни мужассамлаштириш каби бир қатор қулайликлар жамиятда АКТ деган тушунча пайдо бўлишига олиб келган.


Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт банки АКТга қуидаги таъриф беради: «Дунё ишлаб чиқариш бозоридаги маҳсулотларнинг ҳисоб-китоби, йирик ва ўта мураккаб лойиҳалар ечимини ва жамият ривожидаги зарурий механизмларни аниқлашда ҳамда уларни яратишда компьютерларнинг дастурий ва техник қисмлари, оммавий ахборот тарқатиш тизимлари (ТВ ва радиоэшиттириш, интернет) ва барча алоқа воситаларининг ягона комплексга умумлашишига туртки бўлган ғоядир».

III. GPS тизими

3.1. GPS

GPS инглизча «Global Positioning System», яъни «Глобал аниқловчи назорат тизими» деган маънони билдиради. Ушбу тизим Ер атрофида айланадиган 24 та сунъий йўлдош ва Ердаги бир неча станциялар ёрдамида ҳаракатланаётган ёки тинч турган объектларнинг қаердалигин аниқлаб берадиган ва назорат қиласиган навигация тизими ҳисобланади.

1957 йили собиқ Иттифоқда Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилган эди. 2000 йиллар атрофида АҚШ



Мудофаа вазирлиги Ер шаридаги стратегик объектларни назорат қилиб туриш учун маҳсус марказ ташкил этган. Ушбу тизимнинг асосий вазифаси ҳарбий объектларни, учаётган самолётларни, сузуб юрган кемаларни ва ерда ҳаракатланаётган транспорт воситаларини назорат қилиш эди. Кейинчалик адашиб қолган инсонлар ёки кемалар қаердалигини аниқ билиб олиш ва назорат этиб бориш учун маҳсус навигатор (назорат) курилмалар ишлаб чиқилди, бу курилмалар трекерлар деб номланди. Ушбу тизим асосан қуидагилардан иборат бўлди: 1) фазода учиб юрган сунъий йўлдошлар, 2) Ернинг камида 4 ерида жойлашган маҳсус станциялар; 3) GPS приёмникка эга бўлган объект ёки инсонлар.

Космик кемалар Ер атрофидаги орбиталарда ҳаракатланади. АҚШнинг GPSга мўлжалланган сунъий йўлдошлари 6 та орбитада, Россия ГЛОНАСС тизими

учун 3 та орбитада сунъий йўлдошлар учиб юради. Ушбу орбиталар шартли равишда қуидагича таснифланади:

1. Экватор атрофидаги орбита «Экваториал орбита».
2. Шимолий қутб билан жанубий қутб атрофидаги «Кутбий орбита».
3. Қутбдан бир неча градус эгилиб ҳосил қилган орбита «Эллипссимон эгилган орбита».

АҚШнинг космик кемалари ушбу 3 та орбитага параллел равишда яна 3 та орбита ташкил қилиб, жами 6 та орбитада ҳаракатланади.

Сунъий йўлдошларнинг асосий вазифаси «ретранслятор» ролини бажаришдан иборат, яъни унга узатилаётган сигналларни қабул қилиб, кучайтириб бошқа қабул қилувчи объектларга узатиб туради. Масалан, Россиянинг Москва шаҳридан узатилаётган телевизион кўрсатувларни бошқа давлатларда кўриб туриш ва ҳ.к.

Умуман, сунъий йўлдошлар 2 турга бўлинади:

- 1) пассив (нофаол), унга узатилаётган сигналларни ўзгартирмай ва кучайтирмай қайтариб турадиган;
- 2) актив (фаол), унга юборилган сигналларни демодуляциялаб, кучайтириб ва қайта модуляциялаб қабул пунктларига узатиб турадиган.

Ушбу сунъий йўлдошлар жуда катта масофаларга маълумотларни етказиб беришга хизмат қиласди.

Фаолиятига қараб сунъий йўлдошлар 2 турга бўлинади:

1. Геостационар сунъий йўлдошлар, яъни Ерга нисбатан ўзгармас. Уларнинг ҳаракатланиш тезлиги Ернинг Куёш атрофида айланиш тезлигига tengлаштириб олинганлиги учун Ерга нисбатан ўзгармас ҳисобланади.


2. Динамик, яъни Ернинг Куёш атрофида айланишига нисбатан тезроқ ҳаракатланадиган сунъий йўлдошлар.

Биринчи турдаги сунъий йўлдошлар асосан телевидение учун хизмат қилади. Навигатор тизимидағи космик кемалар динамик ёки ҳаракатланувчи ҳисобланади. Ушбу сунъий йўлдошларга сигналларни юборувчи ва қабул қилувчи антенналар ҳам 2 турга бўлинади:

1. Тўғри фокусли, яъни антеннанинг фокуси тўғри космик кемага қаратилган.

2. Офсетли, яъни сунъий йўлдошга тўғри қаратилмаган, сигналларни қайтарувчи объектлардан қабул қилиб ишлайдиган.

Навигация тизими АҚШда GPS, Россияда ГЛОНАСС, яъни Глобал назорат алоқа тизими деб аталади. Иккисида ҳам назорат тизими бир хил ишлайди, фарқи фақат орбиталар сони, сигналларни узатиш ва қабул қилиш частоталарида.



GPS приёмниклари орқали Ердаги объектларнинг координаталарини аниqlаш даражаси, ҳаво булутлиги,

ёмғир ёки қор ёғишидан, объект қандай ҳаракат қилаёт-
ганидан қатын назар, 5 – 10 метрдан ошмайди.

GPS приёмниклари кимларга керак деган саволга
қуидагича жавоб бериш мүмкін:

- туристларга ва балиқчиларга (ўрмонда ёки денгиз-
да адашиб қолмаслик учун);
- сайёхларга, яъни Ер шари бўйлаб сайр қилувчиларга;
- автотранспорт воситаларига, яъни шаҳар ичида
юрувчи автобус ёки маршрут бўйлаб ҳаракатланувчи
транспорт воситаларини назорат қилиб бориш, шаҳар-
лараро юрадиган юк автомобилларининг манзилига
тўғри етиб боришини текшириб туриш учун ва ҳ.к.

Бундан ташқари, GPS приёмниклари орқали ҳара-
катланаётган обьектларнинг тезлиги, ёқилғи харажати,
манзилга аниқ бораётганлиги, энг қисқа ёки энг опти-
мал маршрутни аниқлаб олганлиги билиб турилади.
Ушбу приёмниклар бир каналли ёки кўп каналли бўли-
ши мүмкин. Кўп каналли GPS приёмникларнинг сама-
радорлик даражаси жуда юқори. Каналлар сони 4, 8, 12
ёки 20 тагача бўлади. Маълумотларни сақлаш учун GPS
8 – 24 мегабайт хотирага эга.

Автомобиллар учун мўлжалланган GPS навигатор-
лар – «Garmin» компанияси томонидан ишлаб чиқари-
лаётган навигаторларнинг хотираси 256 мегабайтгача,
карталарининг хотираси эса 1 дан 4 гегабайтгача,
зарядкаси 4 – 5 соатга етади.

GPS приёмникларнинг ўлчами оддий флешкалар
каби бўлади.




Ушбу трекерларнинг турлари жуда кўп. Улар экранли ёки экрансиз, фақат тутмачалардан иборат бўлиши мумкин.

GPS қандай ишлайди деган савол туғилиши табиий. GPS глобал тизим ҳисобланиб, Ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида 24 соат узлуксиз ишлайди. Тизим асосини 5 та бандга бўлиш мумкин:

1. Сунъий йўлдош трилатерацияси – тизим асоси ҳисобланади.
2. Сунъий йўлдош дальнометрияси – объектдан сунъий йўлдошгacha бўлган масофани аниқлаш.
3. Вақтни аниқ боғлашлик – GPS приёмникларидаги (трекерларидаги) соатни сунъий йўлдош соати билан тенглаштириш, яъни 4-космик аппаратни боғлашлик.
4. Сунъий йўлдошнинг учётган жойини аниқлаш.
5. Хатоларни тўғрилаш – тропосфера ва ионосфера-да йўқотилган вақтни ҳисобга олиш.

Сунъий йўлдош трилатерацияси

Бир ўлчам бизнинг сфера
юзасидаги холатимизни
кўрсатади



Биз бу сфера
юзасида
турибмиз

Сунъий йўлдош гурухларининг ўлчамига биноан Ердаги объектнинг аниқ координатлари ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Фараз қилайлик, бир сунъий йўлдошгача бўлган масофа аниқ, у ҳолда Ерда кўринаётган майдон ўлчамини билиб олиш мумкин. Агар иккинчи космик кемагача бўлган масофа аниқланса, объект иккала сунъий йўлдошнинг нурлари кесишган жойда бўлади.

Сунъий йўлдош дальнометрияси

Сигнал сунъий йўлдошдан қачон чиқиб кетганлигини қаердан биламиз?

Қабул қилгич ва сунъий йўлдош бир хил коддан фойдаланади.


Қабул қилгич ва сунъий йўлдош шундай синхронизация

қилинади, улар бир вактда бир хил код генерация қиласди.

Сўнг сунъий йўлдошдан кириш коди қабул қилиб олинади ва қабул қилгич қачон шундай код генерация қилгани

яникланиши

Коднинг бир хил участкалари орасидаги ушланиш вақти ўлчанади



Текисликда аниқ соатлар билан ўлчаш учун


Ҳар бир сунъий йўлдош GPS приёмникларига 2 та радиосигналлар жўнатади, масалан, АҚШ GPS учун $L_1 = 1575,42$ МГц ва $L_2 = 1227,60$ МГц частотада. Биринчи L_1 сигнал 2 та коддан иборат бўлади, яъни P – код ва C/A код. «Аниқ» деб айтилган P код эса ҳарбий мақсадда шифрланган бўлиши мумкин. «Кўпол» деб қабул қилинган C/A код шифрланмаган бўлади. L_2 сигнал P код билан модуляцияланади. Асосан фойдаланувчи инсонлар C/A коди билан GPS тизимида ишлайдилар.

GPS приёмниги сунъий йўлдошдан келаётган сигналларни текширади ва ўзида ишлаб чиқаётган бир хил код билан солишириади. Иккита бир хил импульслар орасидаги Δt вақт аниқланиб, нур тезлиги бўлмиш 300 000 км/с га кўпайтирилиб масофа топилади.

Демак, юқоридагилар асосида аниқ масофани топиш асосан соатларнинг аниқлигига боғлиқ бўлади. Бир вақтда сунъий йўлдошда ва GPS приёмнигига бир хил сигналлар ишлаб чиқадиган генераторлар мавжуд. Шунинг учун космик кема хисобланган сунъий йўлдошларда атом соатлари ўрнатилган. Уларнинг аниқлик даражаси наносекундлар билан ўлчанади. Атом соатларининг нархи анча қиммат бўлганлиги учун GPS приёмникларига ўрнатилмайди.

Соатлар орасидаги хатоларни йўқ қилиш учун тўртинчи сунъий йўлдошдан олинган ўлчамлар ишлатилади.

Текисликда аниқ соатлар билан уч ўлчам




Агар GPS приёмнигидаги ва космик кемадаги соатлар бир хил аниқликда бўлса, у ҳолда иккита сунъий

йўлдошнинг ўлчамлари орқали аниқлаш мумкин бўлади. (Текисликда аниқ соатли икки ўлчам)

Ердаги стационар марказларда сунъий йўлдошлардан келаётган сигналлар бир-бири билан кесишган жойлар ҳисоблаб чиқилади. Итерация усулида кўпинча 4 та, камида 3 та сунъий йўлдошнинг сигналлари кесишган жой орқали объектлар аниқланади.

NAVSTAR тизими 24 та реал вақтда ишлаётган ўртача 12 соат ичида Ер шарини айланиб ўтадиган ва ердан 20200 км узоқликда ҳаракатланаётган




(Текисликда аниқ соатли уч ўлчам) сунъий йўлдошлардан иборат. Улар асосан 6 та ҳар хил юзада бўлиб, экваторга нисбатан 55 градусда 4 тадан сунъий кемалар хизмат қиласди.

АҚШнинг Мудофаа вазирлиги сунъий йўлдошларни назорат қилиб боради. Ҳар бир космик кемада бир неч-

тадан жуда юқори аниқликда ишлайдиган атом соатлари жойлашган. АҚШ ва Россиянинг Ер шарида 4 тадан стационар станциялари бўлиб, улардан бири марказий ҳисобланади, барча сегментларни бошқариш ушбу марказ томонидан амалга оширилади.

3.2. Ўзбекистонда GPS трекерлари



Ўзбекистон Республикасида яқинда автотранспорт воситаларини мониторинг қилиш учун мўлжалланган интернет хизмат тизими ишга тушди. Ушбу тизим асосан GPS сунъий йўлдошларидан, GPS антендан, GPS сервердан, автотранспорт воситаларидан ва Диспетчерлик марказидан иборат бўлиб, шаҳарда, қишлоқда, сувда ҳаракатланаётган автотранспорт воситаларини ёки интернетга уланган планшет, телефон, GPS трекер орқали инсоннинг қаердалигини 5 метр аниқлик билан топади ва назорат этиб боради. Бундан ташқари, автотранспортдаги ёқилғини 60% гача тежашга ёрдам беради, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинаётганлиги ёки қоида бузилаётганлигини назорат қи-

либ туради. Маршрутдан четга чиқиб кетган автобусларни ёки йўлда ушланиб қолаётганларни ҳам аниқлайди ва марказдаги компьютер серверига ёзиб кўяди. Бу эса ҳайдовчининг маошига таъсир этади. Ҳозирги кунда Тошкент шахридаги 138 та маршрутда ҳаракатланаётган автобуслар ҳаракати назорат қилинмоқда.

Умуман, GPS трекерлари 2 хил бўлади:

1. Шахсий GPS трекерлар. Улар жуда кичик кўринишда бўлиб, инсонларни ёки уй ҳайвонларини назорат қилиб туриш учун ишлатилади. Ҳозирги кунда янги авлод мобиль телефонларида GPS трекерлари ўрнатилмоқда.

2. Автомобиль GPS трекерлари. Улар автотранспорт воситаларига ўрнатилади.

Ҳозирги GPS трекерлари 5 тадан 12 тагача алоқа каналларидан иборат қилиб ишлаб чиқарилмоқда, яъни бир пайтнинг ўзида 5 тадан 12 тагача сунъий йўлдош сигналларини қабул қиласди.

3.3. АҚШнинг навигацион GPS тизими

Космик сегменти асосан 6 та орбитада учиб юрган 26 та (21 таси асосий, 5 таси захирада) сунъий йўлдошдан иборат. Ернинг экваторига нисбатан 55 градус бурчак остида ҳаракатланади. Орбитадан Ергача бўлган масофа 26000 км ни ташкил этади. Ер атрофидаги айланиш вақти 11 соат 58 минут. Ҳар бир сунъий йўлдош бортида 4 та стандарт частотада ишлайдиган генераторлар, қуёш батареяси, орбитада мувозанатни ушлаб турадиган двигателлар, қабул қилувчи ва узатувчи қурилма ҳамда компьютер ўрнатилган.

Узатувчи қурилмалар синусоидал сигналларни 2 та частотада узатади: $L1 = 1575,42 \text{ МГц}$ ва $L2 = 1227,6$

МГц. Модуляцияси фазали. Маълумотларни узатиш тезлиги 50 бит/сек.

3.4. Россиянинг навигацион ГЛОНАСС тизими

Ушбу навигацион тизимда 3 та орбитада 24 та (ҳар бир орбитада 8 тадан) космик аппарат бўлиб, экваторга нисбатан 64,8 градус бурчак остида ҳаракатланади. Ҳаракатланиш даври 11 соат 15 минут 44 секундни ташкил қилади. Ердан 19100 км масофада орбита бўйича ҳаракатланади.

ГЛОНАССнинг бошқарув маркази Москва вилояти Голицина шаҳарчасида жойлашган. Узатиш ва қабул қилиш частоталари: $L1 = 1602,56 - 1615,5$ МГц, $L2 = 1246,44 - 1256,5$ МГц. Маълумотларни узатиш тезлиги 50 бит/сек.

Ҳар бир космик кеманинг оғирлиги ўртача 1 тонна атрофида. Узунлиги 5 метр. Электр қуввати 50 Вт. Хизмат қилиш даври 10 йил атрофида. Куёш батареясида ишлайди.

IV. ТРАНСПОРТ ВА ЙЎЛ СОҲАСИДА АКТНИ ҚЎЛЛАШ

4.1. Автотранспорт корхоналарини бошқаришда ахборотлаштириш жараёnlари

Янги ахборот технологиялари кириб келиши натижасида автотранспорт корхоналари бошқарув жараёни ҳам ўзгара бошлади, яъни асослаш жараёnlари автоматлаштирилмоқда ва бажариш натижалари осонлашмоқда. Мутахассисларнинг профессионал билими ошиб бормоқда. Автоматлаштирилган иш жойлари кўпаймоқда. Нафакат енгил автомобиллар, балки юк ташиш корхоналари ҳам янги замонавий технологияларни қўллаш асосида ўзгармоқда.

Иш жараёнини автоматлаштириш куйидаги босқичлардан иборат:

1. Юкни олиб бориш учун буюртма олиш.
2. Буюртмачи билан шартнома тузиш.
3. Барча олинаётган ахборотларни маълумотлар омборига киритиш.
4. Тўлов варақасини бериш.
5. Йўл ҳаракат варағини тайёрлаш.
6. Юкни қабул қилиб олиш.
7. Юкка тааллуқли йўл хужжатларини қабул қилиб олиш.
8. Юкни буюртмага биноан манзилга етказиб бериш.
9. Юкни топшириш.
10. Юкни қабул қилиб олганлик тўғрисида хужжатларни олиш.
11. Юк етказиб бериш сифати бўйича мижоздан маълумот олиш.
12. Юкни етказиб бериш жараёни ҳисботи ва ҳ.к.

Ушбу автотранспорт корхонасининг барча фаолияти бўйича олинган маълумотларни таҳлил қилиб оптимал бошқарув тизимини яратиш мумкин. Автоматлаштирилган ушбу бошқарув тизими қуидагиларни ўз ичига олади:

1. Автоматлаштирилган иш жойларини яратиш:

- кадрлар (ходимлар) бўлимини;
- корхонадаги барча ишчи-ходимларни компьютерда ҳисобга олиш;
- раҳбар – директорни барча бўлимлар билан компьютер тармоғи орқали боғлаш;
- бош муҳандис иш жойига техник эксплуатация тааллуқли бўлган таъминот бўлимлари, таъмирлаш ва барча участкаларни боғлаш;
- директор ўринbosарларига ҳам тааллуқли бўлимларни компьютер тармоғи орқали улаш;
- техника хавфсизлиги бўйича муҳандиснинг автоматлаштирилган иш жойини яратиш;
- ишлаб чиқариш техник бўлимини;
- ёқилғи ва мой материалларини ҳисобга оловчи техник ходим иш жойини;
- таъмирлаш бўлимини;
- таъмирлаш устахоналарини;
- ишлаб чиқариш участкаларини;
- таъминот бўлимини;
- автоколонналарни;
- хизмат кўрсатиш бўлимини;
- режалаштириш бўлимини;
- диспетчер пунктини;
- бухгалтерия бўлимини;
- архивни;
- норматив бўлим ва бошқа бўлимларнинг автоматлаштирилган иш жойларини яратиш.

2. Барча автотранспорт воситаларининг ҳаракатлари назоратда бўлиши учун уларга GPS трекерларини ёки ГЛОНАСС навигатор қурилмаларини ўрнатиб қўйиш.

3. Корхонадаги барча ҳайдовчиларни электрон карточкалар билан таъминлаш. Ушбу карточкалар орқали автомашиналарнинг гараждан чиқиб кетиши ва кириб келишини автоматик равишда ҳисобга олиш.

4. Юқорида келтирилган барча иш жойларини компьютерлар билан таъминлаб, ягона локал – маҳаллий компьютер тармоғига улаш.

5. Интернет провайдерлари билан шартнома асосида корпоратив тармоқ яратиш ва глобал компьютер тармоғи бўлмиш интернетга улаб қўйиш.

6. Ажратилган телекоммуникация алоқа линияларини (мис кабеллари ёки оптик толали линияларни) ахборот-коммуникацион станцияларга боғлаш.

7. Автотранспорт воситаларининг турларига қараб уларнинг барча характеристикаларини компьютерларда ҳисобга олиш.

8. Енгил автомобиллар, юк автомобиллари, ўзи ағдарувчи, тортувчи автомобиллар учун керак бўлган эҳтиёт қисмларни ҳисобга олиш.

9. Кўшимча маълумотларни (иш вақтлари, йўл вароқлари ва бошқаларни) компьютерда ҳисобга олиш.

Ахборот-коммуникацион технологиялар автомактабларга автоусталарни тайёрлашда ҳам жорий этилса, ўқитиши самарадорлиги анча юқори бўлади.

Бунинг учун, биринчи навбатда, автомактабнинг тувилиш структурасига қараб барча автотранспорт воситаларини компьютерда турига, заводдан чиқсан йилига, ҳолатига қараб ҳисобга олиш, мактаб ўқитувчиларини ҳам ҳисобга олиб ҳар чоракда билимларини тест ёр-

дамида текшириб туриш, онлайн режимида масофали ўқитиб бориш, GPSдан ва ГЛОНАССдан фойдаланишни билиш, ўрганаётган ўкувчиларни ва йўриқнома олган ҳайдовчиларни ҳам компьютерда рўйхатга киритиб, битирғанларидан сўнг йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, гувоҳномаларини олдириб қўйғанларни ҳам текшириб туриш катта самара беради. Автомактаблар ёки автокорхоналар фаолияти тўғрисида маълумотлар омборини яратиб, янги замонавий ахборот технологиялар асосида бошқарув тизимини ишлаб чиқиш катта ютуқларга олиб келади.

Республика миқёсида транспорт тизими маълумотларини тўплаш, таҳлил этиш, назорат қилиш ва тақдим этиш бўйича фаолият олиб бориш ҳамда транспорт тизими маълумотларининг тақдим қилиниши ва айланишини ривожлантириш мақсадида «Ўзбек миллий транспорт ахборот маркази»ни тузиш зарурати туғилмоқда. Унинг бошқарув тизими асосий фаолияти қуидагича бўлиши мумкин:

1. Республика миқёсида транспорт тизими маълумотларини ўзаро боғлаш ва бирлаштириш, фуқароларга хизматлар кўрсатиши.
2. Республика сиёсати, стандарт технологияни таъминлаш тизимини бошқариш.
3. Катта йўл-транспорт ҳодисалари, фалокатлар, террор ва шунга ўхшаш ҳолатларда тегишли чоралар кўришни бошқариш ва ҳ.к.

Янги замоновий ахборот технологиялари ёрдамида қуидаги автоматлаштирилган тизимларни яратиш мумкин:

A. Автобуслар қатновини назорат қилиш тизими мини яратиш

Автобусларнинг турган жойини кузатиш орқали тўпланган маълумотлар ва ҳаракат билан боғлиқ маълумотлардан фойдаланиб уларни бошқариш ва назорат қилиш тизимини яратиш мумкин.

Автобуслар бўйича ахборот тизимини яратиш учун фойдаланувчиларга реал вақт режимида автобуснинг жойи, йўналиши, охирги чиқиш вақти ва автобусдан фойдаланиш бўйича бошқа маълумотларни тақдим этиш керак бўлади.

Қонунбузарликларнинг олдини олиш учун назорат тизими ҳам ўрнатилиши зарур. Патрул машинасига хабар олиш мосламаси кабилар ўрнатилиб, камера назорати, симсиз алоқа, жой назорати каби технологиялар қўлланилиб, патрул машинаси билан тезда боғланиб ҳодисани етказувчи тизим яратиш мумкин.

Ахборот-коммуникацион технологияларни (АКТ) автотранспорт тизимида қўллаш учун Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ва «ЎзАвтойўл» ДАК билан биргаликда қуидаги масалаларни ечиш лозим бўлади.

B. Автоматлаштириш

Автобаза ва автобус паркларининг жойлашган манзиллари, транспорт воситаларининг турлари, сони, раҳбарият, ишчилари, барча ўзгармас мулк, ёқилғи, эҳтиёт кисмлар, керак бўлган маҳсулотларни ва бошқа маълумотларни компьютерга киритиб маълумотлар омбори-

ни яратиш. Автотранспорт корхоналарини реал вақтда ишлаш фаолиятини назорат этиб бошқариш.

C) Автотранспорт воситалари ҳаракатларини назорат этиши тизимини яратиш

Автотранспорт корхоналаридан (автобазалардан) транспорт воситалари чиқишини ва уларнинг киришини автоматик ҳисобга олиш тизимини яратиш. Видеокузатув (навигацион) ва «электрон калит» қурилмаларини ишга тушириш, диспетчер ва маҳсус компьютер дастурларини ишлаб чиқиши.

D) Транспорт логистикасини автоматлаштириши

Автотранспорт логистикасининг автоматлаштирилган тизимини ишга тушириш учун керак бўладиган барча маълумотларни йиғиши ва компьютерга киритиш. Ташиладиган юкнинг турига ва ҳажмига қараб автотранспортларни танлаб олиш дастурини яратиш. Юбориладиган юкларнинг манзилини аниқлаш учун компьютерга ҳудуднинг географик харитасини киритиш, йўлларнинг йўналишини, масофасини ва трафикасини аниқловчи дастурларни ишлаб чиқиши. GPS тизимидан фойдаланиш учун қуийдагиларни аниқлаб олиш: Ер атрофидаги атмосфера қатламлари; орбиталар турлари; Ернинг сунъий йўлдошлари турлари; космик сегментлари; Ердаги назорат этувчи ва бошқарувчи станциялари; GPS приёмникларининг автотранспортларга ўрнатиладиган турлари ва уларнинг характеристикалари, ГЛОНАСС радионавигацион тизимининг ишлаш принципи ва бошқа маълумотларни компьютерга киритиш.

Шаҳарлараро ва халқаро маршрут автобусларида ҳамда «Ўзмаксустранс» автомашиналарида ўрнатилган GPS қурилмаларини бошқариш тизимини яратиш.

E) Автомобиль йўлларидан самарали фойдаланиши тизимини яратиши

Ўзбекистон Республикасидаги шаҳарлар ва Тошкент шаҳридаги автомобиль йўлларининг топологиясини компьютерда ажратиб олиш, барча йўлларнинг ҳолатини белгиловчи параметрларни аниқлаш, эски йўлларни реконструкция қилиш, уларни ўзгартириш лойиҳаларини, транспорт чорраҳаларини, туннелларни компьютерга киритиш. Йўлларнинг ҳолатини назорат этиш тизимини яратиши. Ҳар хил автоматлаштирилган иш жойларини яратиши.

F) Автомобиль йўлларида транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатини назорат қилиб бошқариши тизимини яратиши

Светофорлар турларини, уларнинг характеристикасини, транспорт ва пиёдалар учун мўлжалланган светофорларни, шаҳардаги барча чорраҳаларда ўрнатилган бошқарув қурилмаларини ҳисобга олиш. Автоматлашган бошқарув тизимини яратиши учун керак бўладиган техник қурилмаларнинг турларини, яъни транспорт детекторлари, электрон радарлар, экспедиторлар учун сканерли симсиз бошқариладиган адаптерлар ва бошқаларни, уларнинг сонини, характеристикасини компьютерга киритиш. Транспорт ва пиёдалар учун мўлжалланган барча йўл белгиларини, йўл назоратчи объектлар тасвирларини яратиши. Видеокамералардан реал вактда келаётган маълумотлардан қоидани бузабётган транспорт воситаларининг белгиларини ёки пиёдаларнинг ҳаракатини назорат этиш тизимини яратиши. Шахсий авторанспортларнинг оптимал ҳаракатланиш моделларини тузиш учун ҳар хил мезонлардан, яъни энг қисқа йўл бўйича, энг кам чорраҳа бўйича, оқим-

ларнинг сони ва бошқа мезонлар асосида бошқариш тизимини яратиш. Марказлашган ва марказлашмаган автоматик бошқариш тизимини такомиллаштириш ва оптималь бошқариш алгоритмларини яратиш.

G) Автотранспорт воситаларининг ишилаш принциплари математик моделларини компьютерда яратиш

Ташиладиган юклар, йўл шароитлари, табиий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда автотранспорт воситаларининг шу шароитларга мослашган рационал турларини тўғри танлаш учун ҳар хил турдаги автомобилларнинг ҳаракатланиш жараёни моделларини компьютерда яратиш ёки мавжудларидан фойдаланиш орқали транспорт воситалари унумдорлигини ошириш ва юкларни ташиб таннархини пасайтириш. Барча транспорт воситаларининг турларини, параметрларини, характеристикаларини, йўлларнинг параметрларини маълумотлар омборига жойлаштириш ва уни бошқариш тизимини яратиш.

H) «Электрон ҳукумат» тизимига автотранспорт ва автойўл маълумотларини киритиши

Юқорида келтирилганлар асосида ахборот-коммуникацион технологияларни транспорт тизимида қўллаш ҳақидаги маълумотларни «электрон ҳукумат» порталига киритиш. Маълумотлар омборидаги ва барча қурилмалардан реал вактда қабул қилинадиган маълумотларни хавф-хатарлардан, ҳужумлардан саклаш, уларнинг бехато ишлашини ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишларини компьютерда яратиш ва ҳ.к.

I) Автотранспорт воситаларини шаҳарлараро магистраль йўлларда муқобил бошқариши

Ўзбекистонда, айниқса, катта шаҳарларда автотранспортларнинг тури ва сони ўсиб бориши сабабли авто-

мобиллар юрадиган күчалар қанчалик кенг бўлмасин, уларнинг харакати қийинлашиб бормокда. Ҳар бир автотранспорт эгаси (ҳайдовчиси) ўз манзилига тез ва кам ёқилғи сарфлаб бориш учун энг қисқа йўлни танлашга ҳаракат қиласди. Лекин ушбу йўл тирбандлиги кўп вақт сарфланишига олиб келади.

Бундай тирбандликларни камайтириш тизими ривожланган давлатларда, масалан, АҚШ, Англия, Франция, Япония, Хитой, Малайзияда ва Россиянинг Москва шаҳрида автомобиль йўлларини назорат этиш тизими ишга туширилди. Ҳар қандай автоматлаштирилган бошқарув тизими компьютерлар ёрдамида, компьютерларни бошқариш эса яратилган алгоритмик дастурлар орқали амалга оширилади.

Шунинг учун юқорида келтирилган тизимни яратиш учун куйидаги масалаларни ечиш талаб этилади:

1. Дунёда яратилган тизимларни таҳдил этиб бизнинг давлатимизга тўғри келадиган, сифатли ва энг арzon қурилмалар билан жиҳозлаб, маҳаллий дастурлар асосида амалга ошириш.

2. Ушбу тизим яратиладиган шаҳардаги барча автомобиль йўлларининг масофали ўлчамлари билан топографик харитасини компьютерда яратиш.

3. Ҳар бир автомобиль йўлининг кенглиги, узунлиги ва бошқа ўлчамларини ҳисобга олиш.

4. Йўлларни табақаларга бўлиш, яъни бош, асосий, иккиламчи, светофор билан тартибга солинадиган чорраҳалар, бошқарилмайдиган асосий ёки иккиламчи автомобиль йўлларини киритиш.

5. Марказлашган ёки марказлашмаган (туманлар бўйича) бошқарув тизимини яратиш.

6. Оптимал бошқариш тизими мезонини аниқлаш (хозирги кунда фанда 10 дан ортиқ бошқарув усуллари мавжуд).

7. Бошқарувнинг иммитацион моделини яратиш ва замонавий алгоритмик тилда дастурлаш.

8. Бошқарув тизимини яратиш учун керак бўладиган техникавий воситаларни аниқлаш.

9. Ҳисоботлар олиб бориш ва уларнинг аниқлигини текшириш.

10. Синов ва тажриба ўтказиб таклиф этилаётган илмий-тадқиқот ишларининг афзалигини исботлаб бериш.

11. Илмий натижалар асосида таклиф этилган лойиҳани амалда татбиқ қилиш йўриқномаларини ишлаб чиқиши.

12. Асослаб исботланган лойиҳани эксперт комиссиясига топшириш.

Муқобил йўлни танлаш қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин:

- энг қисқа маршрутни (йўлни) аниқлаш асосида, яъни $\min L$;
- энг катта тезликда юрадиган йўлни аниқлаш асосида $\max B$;
- энг кам вақт сарфлаб бориш асосида $\min t$;
- энг кам транзит чорраҳалардан ўтиш асосида $\min K$;
- энг кам ёқилғи сарфлаш асосида $\min Q$;
- энг сифатли қопламали йўлдан бориш асосида;
- энг текис йўлдан бориш асосида ва х.к.

J) Шаҳар шароитида ва шаҳарлараро магистраль йўлларда автотранспорт воситаларининг ҳаракатини муқобил бошқариши

Йирик шаҳарларда автотранспортларнинг тури ва сони ўсиб бориши сабабли автомобиллар юрадиган кўчалар

қанчалик кенг бўлмасин, ҳаракатланиш қийинлашаверади. Йўллардаги тирбандлик сабабли кўп вақт сарфлашга тўғри келади. Масалан, Тошкент шаҳрининг Навоий, А.Темур, Нукус, Ҳ.Олимжон ва бошқа марказий кўчаларида транспорт воситаларининг серқатновлиги сабабли тирбандликлар кўп бўлмоқда. Бир неча йиллар илгари (1974 – 1979 йилларда) Тошкентнинг Т.Шевченко, Ш.Руставели кўчаларида «Яшил йўл» деб номланган тизим ишга туширилган эди. Бу тизим чорраҳалар орасидаги масофани инобатга олган ҳолда автомобилларнинг тезлигини бошқариш ҳисобига автомобилларнинг чорраҳаларда тўхтамасдан ҳаракатланишини таъминлаб берар эди.

Шаҳар шароитида автотранспорт воситаларининг ҳаракатини мукобил бошқариш масаласини ечиш қуидаги йўллар орқали амалга оширилиши мумкин:

1. Янги чиқаётган автотранспорт воситаларини кичик экранли электрон процессорлар билан жиҳозлаб, уларга шаҳар автомобиль йўлларининг харитасини жойлаштириб, реал вақтда шаҳардаги маҳсус нуқталардан маълумотлар олиб хоҳлаган манзилга энг қисқа вақт ичida боришини кўрсатиб берадиган мукобил алгоритмик дастурлар яратиш.

2. Автотранспорт йўлларини автоматик равища бошқарадиган, яъни видеокамералар ва тезликни кўрсатиб турадиган электрон қурилмалар яратиш.

Хар иккала усулни иқтисодий томондан ҳисоблаб чиқиб, аниқ илмий асосланган тизим лойиҳасини таклиф этиш зарур.

Юқорида келтирилган масалалар ечилган тақдирда катта шаҳарларда автомобилларнинг оптималь равища ҳаракатланишини таъминлашга катта ҳисса қўшилган бўлади.

4.2. Автотранспорт корхоналари (АТК) бошқаруvida ахборот технологиялари ва ахборот тизимларининг техникавий ва дастурний таъминоти

Автотранспорт корхоналарида барча ташкилий, техникавий, иқтисодий ва ижтимоий таъминотларга тааллукли бўлимлардаги компьютерларни бир-бири билан боғлаб ягона маҳаллий ахборот тизимини яратиш учун техникавий ва дастурний воситалар зарур бўлади. Ушбу тармоқни яратишга юқорида кўрсатиб ўтилган концентраторлар (HUB), кўприклар (Bridge) ва UTP, STP ёки шиша толали оптик турдаги кабеллар керак. Аммо автотранспорт корхоналарининг ягона корпоратив тармоғига уланиш учун албатта телекоммуникация тизимларидан фойдаланишга тўғри келади. Бунинг учун шлюзлар (GateWay), коммутаторлар (Switch), маршрутизатор (Router) ва ҳар хил турдаги мис ё оптик кабеллар керак, симсиз радиоалоқа тизимларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Автотранспорт корхоналаридаги локал компьютер тармоқлари асосан радиал структурага асосланган бўлиб, Ethernet тармоғи деб аталади.

Автоматлаштирилган иш жойларини автотранспорт корхоналарида яратиш учун нафақат бир хил операцион тизимда ишлайдиган компьютерлар, балки тармоқ дастурний таъминотини ҳам яратишга тўғри келади.

Барча АТКлар чизиқли структурага эга бўлади, яъни ҳар бир ишчи ходим ўзининг участка раҳбарига бўйсунади. Шунга қараб ҳужжатлар алмашинуви ҳам пастдан юқорига ёки раҳбардан пастдаги конкрет ходимга боради. Шу жараёндаги барча ишлар режалаштириш бўлими томонидан ишлаб чиқилган бўлса, барча хисоб-китоб ишлари бухгалтерияда амалга оширилади.

Масалан, оғир юкларни бир шаҳардан бошқа шаҳарга етказиб бериш учун хизмат қиласидиган АТКларда яратиладиган ахборот тизимлари учун ҳаракатланувчи хужжатлар, яъни йўл варагидан тортиб қайтиб келингандан сўнг ҳисоботни бергунга қадар қанча, қандай ишлар бўжарилганяиги асосида корхонанинг харажатлари ва келиб тушган даромадлари аникланади. Барча ҳисоб-китоб ишлари конкрет яратилган алгоритмлар асосида компьютерда бажарилади. Ушбу алгоритмлар 3 хил турда ёзилган бўлиши мумкин:

1. Блок-схема кўринишида.
2. Операторлар кўринишида.
3. Ҳар бир бажариладиган операция ёзув шаклида.

Масалан, автокорхонадаги автомобилларнинг ёқилғи харажат ҳисоботини алгоритм асосида тузилган, маълум шароитларда, конкрет маршрутларда транспорт воситалари ҳаракатланиш жараёнининг иммитацион математик моделидан фойдаланган ҳолда бажариш мумкин:

1. Куйидаги маълумотлар компьютерга киритилади: автотранспорт воситасининг параметрлари: автомобиль тури, русуми, давлат рақами, спидометр кўрсаткичи, оғирлиги, юк кўтариш қобилияти, юк кўтариш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти, двигательнинг ташқи тезлик характеристикаси, қувват, буровчи момент ва ёқилғининг солиштирма сарфи, двигатель тирсакли валининг минимал ва максимал айланишлари сони, узатмалар кутисининг ҳар поғонадаги узатишлари сони, унинг фойдали иш коэффициенти, асосий узатманинг узатишлари сони, унинг фойдали иш коэффициент, трансмиссиянинг фойдали иш коэффициенти, филдирак радиуси, филдиракнинг эластиклик коэффициенти, ёқилғининг солиштирма оғирлиги ва йўл ша-

роитининг параметрлари: йўлнинг узунлиги, қиялиги, қопламаси (микропрофил ва макропрофиллари), йўлнинг қаршилик коэффиценти, об-ҳаво қўрсаткичлари: ҳарорат, атмосфера босими, намлик, шамолнинг тезлиги ва х.к.

2. Моделни ишга тушириб маршрутнинг ҳар қандай кисмида автомобилнинг босиб ўтган йўлини, тезлигини, ўртача тезликни, ёқилғи сарфини, ёқилфининг ўртача сарфини, транспорт воситаси бажарган ишни, унинг иш унумдорлигини ҳисоблаб топиш ва принтер орқали қоғозга чиқариб олиш мумкин.

3. Транспорт воситасининг иш бажариш натижасида амалда сарфлаган ёқилғи миқдори ҳисоблаш йўли билан топилади.

4. Сарфланган ёқилғи миқдорини унинг таннархига кўпайтириб ёқилғи учун сарфланган маблағ миқдори топилади.

5. Турли русумдаги автотранспорт воситаларини моделда текшириб кўриш натижалари бўйича энг рационал турдаги транспорт воситасини танлаш орқали автотранспорт воситасининг иш унумдорлигини ва иқтисодий фойдалилигини ошириш мумкин.

Юқорида келтирилган алгоритмни компьютерда амалга ошириш учун JAVA ёки C++ дастурий воситалардан фойдаланиш мумкин.

Худди шундай асосда маршрут бўйича қатнаётган автобусларни, енгил такси автомашиналарини ёқилғи харажатларини ҳисоблаб таҳлил қилиб бериш мумкин.

Автотранспорт корхоналарида ишлатилаётган дастурий воситалар олдинги ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган дастурий таъминотдан анча фарқ қиласи. Бугунги кундаги автотранспорт воситаларининг барча

бошқарув блокларида компьютер технологияси ишлатилади, яъни компьютерсиз бошқариладиган тизимларни ўзи қолмади.

Технология сўзи грекча *techne* – санъат, ақл, уста ва жараён деган маънони англатади.

Ахборот технологияси (АТ) жараён ҳисобланиб, маълумотларни йифиб, қайта ишлаб, узатиб объектнинг ёки жараённинг янги сифатли маълумотларини олиш деганидир. Ушбу жараённи фақат компьютерлар орқали амалга ошириш мумкин. Янги маълумотлар асосида инсон янги сифатли маҳсулот олиши ёки аниқ кўзланмаган натижага эришиши мумкин.

Янги ахборот технологияси учта асосий принципга асосланади:

- компьютер билан интерактив (диалог) режимида ишлаш;
- бошқа дастурий маҳсулотлар билан қўшилиб биргаликда ишлаш;
- кўйилган масаланинг ўзгартирилиши осон ва енгил жараён бўлиши керак.

Автотранспорт корхоналарида ахборотлашган тизим кўйидагича бўлиши мумкин:

- АТКларда бошқариш жараёнлари циклли бўлади, яъни ушбу циклнинг бошида маълумотлар бошқарилётган объектлардан (цех, участка ва х.к.) олинади, кейин уларни таҳлил этиш натижасида қарор қабул қилинади.

Ишлаб чиқариш корхоналаридаги барча техник ва технологик воситаларнинг, омбордаги барча эҳтиёт қисмларни, материалларнинг (масалан, автотранспорта тааллуқли ёқилғи-мой ва бошқаларнинг) компьютердаги ҳисоботидан ташқари барча иқтисодий, ижтимоий, ташкилий жараёнлардаги параметрларини ҳам ҳисобга

олиш зарур. Бундан ташқари, хужжат ва маълумотлар алмашинув структурасини аниқ киритиш керак. Ушбу маълумотларни компьютер хотирасига жойлаштириш ва реал вақтда ишлаш мумкин бўлган тизимни яратиш лозим.

Компьютернинг маълумотлар омборида (МО) автотранспорт корхонасининг барча маълумотлари, хужжатлари сақланади.

АТКнинг ахборотлаштирилган тизими кўпинча маълумотларни марказлашмаган (децентрализованный) қайта ишлаш усулига асосланган.

АТКларнинг умумий структураси автоматлаштирилган иш жойларининг ягона компьютер тармоғига боғлашиши асосида тузилган бўлади.

Юқорида айтилганидек, биринчи навбатда, «Техник бўлим» ва «Ходимлар бўлими»нинг автоматлаштирилган иш жойларини фаоллаштириб, шундан сўнг бошқа бўлимларни тармоққа боғлаш керак.

Иккинчи ўринда, диспетчер хизмати, йўл хужжатлари, ёқилғи харажатлари, ҳайдовчининг иш вақти, автомашинанинг юрган йўл ҳисоби қайта ишлаб чиқиб таҳлил қилинади.

Учинчи ўринда, бухгалтерия бўлимини ишга тушириб, маошлар тақсимланади ва режалаштириш бўлими ишга туширилади.

Тўртинчи босқичда автотранспорт воситаларининг фиддирак шиналари ейилганлигини ҳисобга олиш, таъмирлаш зоналарини, техник назорат ўтказиш иш жойларини автоматлаштириб ягона локал (маҳаллий) компьютер тармоғига улаш керак бўлади.

Кейинги босқичларда автоматлаштирилган иш жойларида оддий ҳисоб-китоб қилиш дастурларидан

ташқари башорат (прогнозирование) этиш усуллари кўлланилса, АТКнинг бошқарув тизими янада яхшиланади. Энг асосий мезон ҳар қандай ишлаб чиқариш корхоналарининг харажатларини камайтириб, максимал даромад олиш ҳисобланади.


Юқорида келтирилган автоматлаштирилган ахборот тизимидағи қўл меҳнатларини, яъни маълумотлар омборига компьютернинг клавиатураси орқали киритилаетган ҳужжат маълумотларини ҳам объектлар идентификация қилиш йўли билан автоматлаштириш мумкин.

4.3. Автотранспорт корхоналарида режалаштириш тизими ва ресурсларни бошқариш

Ҳар бир автотранспорт корхонаси ўзининг фаолиятида компьютер технологиясидан самарали фойдаланиш учун барча структурасининг бўлим, участка ва цехларини ягона маҳаллий компьютер тармоғига боғлаб олишлари шарт. Яратилган ахборот тизими ёрдамида корхонада бажарилаётган ишлар, мижозлар билан тузилган шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш, корхонага тааллукли ресурсларини режалаштириш ва барча соҳавий, функционал, иқтисодий масалаларни ҳал қилиш самарали бўлади.

ERP концепцияси асосан энг содда MRP (Material Requirement Planning – материалларга талабни режалаштириш ёки Manufacturing Resource Planning – хўжалик ресурсларини режалаштириш) концепциясидан келиб чиқсан.

Ушбу концепция асосида автотранспорт корхонасидаги барча бўлимларнинг бир-бири билан маълумотлар алмашинувини, эҳтиёт қисмларни, логистикани, таъминот ва бухгалтерия ҳисботларини бошқариш мумкин.



Маълумотларга бўлган мурожаат дифференциал тизим асосида ва ахборотларни ташки хавф-хатарлардан ҳимоялаш кўзда тутилганлиги учун ушбу концепция бизнес бошқарувида асосий инструмент сифатида ишлатилади.

Концепция қуидагилардан иборат:

- барча керакли ҳисоботлар;
- барча молиявий харажатлар функцияси;
- сотувни автоматлаштириш;
- хўжалик функциялари;
- сервис таъминлаш функциялари;
- сифатни бошқариш функцияси;

- ходимларни бошқариш функцияси;
- тарқатиш функцияси;
- логистика функцияси;
- мұхандислар функцияси.

ERP концепциясینинг зарур томони ишлаб чиқариши, мағсулотларни ва хизматларни глобал равища бошқариши ҳисобланади. Шундай имкониятта эга бўлганлиги сабабли ушбу концепция катта халқаро корпорацияларда қўлланилади. Концепциянинг дастурий таъминоти ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштириш, буюртмаларни йиғиш ва уларнинг қандай натижаларга олиб келишини баҳолаб беради. Шунинг учун ушбу тизим, биринчи навбатда, ресурсларни режалаштиришга мўлжалланган. У нафакат олдинги натижаларни таҳлил этади, балки келажакдаги натижаларни башорат қилиб кўрсатади.

Албатта, режалаштириш функцияларини амалга ошириш ва оптималлаштириш учун тескари алоқа ҳам бўлиши керак. Бошқарув мақсади асосида олдин режа тузилади, кейин ишлар бажарилиши натижасида олинган кўрсаткичлар таҳлил қилинади. Натижалар қўйилган мақсад билан солиширилиб, режага ўзгартириш киритилади.

Юқорида келтирилган ERP концепциясини барча автотранспорт корхоналарида қўллаш мумкин.

4.4. Ахборот-коммуникацион технологияларни автомобиль транспортларида хавфли юкларни ташишда қўллаш



Автомобиль транспортида хавфли юкларни ташиш вақтида содир бўладиган ҳодисалар мутахассислардан бу муаммога жиддий ёндашувни талаб қиласи. Яъни хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш вақтида содир бўладиган йўл-транспорт ҳодисалари катта ҳалокатга олиб келади ва одамлар ҳаётига, соғлиғига, атроф-муҳитга ва мамлакат иқтисодига катта зарар етказиш характерига эга. Шунинг учун ҳам хавфли юкларни ташувчи транспорт воситаларининг нафақат конструкцияларига жуда қаттиқ талаблар қўйилиши керак, балки хавфли юк ташувчи транспорт воситаси билан содир бўлган фалокат, баҳтсизлик ёки йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олувчи тизим, ҳодиса содир бўлганда автоматик равишда аниқлайдиган

аҳборот-коммуникацион технологиялар тизими жорий этилиши, бу тизимларга қаттық талаблар қўйилиши шарт. Бундай хавфли юк ташишга қаттық талабларни ишлаб чиқишга қуидаги омиллар мажбур қиласди:

- хавфли юк ташувчи транспорт воситаси билан содир бўлган фалокат ташилаётган хавфли юкнинг кимёвий хусусиятлари билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши;
- фалокат оқибати нафақат хавфли юк ташиётган ва фалокат қатнашчиларига, балки яқин атрофдаги одамларга, иншоотларга ва экологияга катта талафот етказиши;
- хавфли юкнинг фалокат оқибатида тупроққа тушибиши, сўнг ичимлик суви манбаларига сингиши, бунинг натижасида узоқ вақт экотизимга таъсир кўрсатиши.



Бугунги кунда хавфли юк ташувчи транспорт воситаси билан содир бўлган фалокат ёки йўл-транспорт ходисасини автоматик равишда аниқлайдиган тизимни такомиллаштириши бўйича АҚШда, Европа Иттифоқида ва Россияда катта ютуқларга эришилган.

АҚШнинг хавфсизлик тизими Next Generation 9-1-1 (NG9-1-1) тизими таркибиға кириб, ҳалокат хизматларини ҳар қандай коммуникация воситаси ёрдамида чақириш имконияти яратилган (симли телефон, уяли телефон ва интернет орқали). Бу тизимни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш харажатлари АҚШнинг Автомобиль транспорти вазирлиги томонидан молиялаштирилади.

Европа Иттифоқи томонидан эса хавфли юкни ташиш жараёнини eCall тизими ёрдамида назорат қилиш ва фавқулодда ҳолатларда тез ёрдам кўрсатиш масалалари қамраб олинган. eCall тизимида хавфли юк ташиётган транспорт воситасининг ҳалокат хизмати билан Galileo навигация тизими орқали, яъни Европанинг сунъий йўлдоши ёрдамида боғланиши назарда тутилган.

Россияда эса eCall тизими сингари ишлайдиган «ЭРА ГЛОНАСС» тизими жорий қилинган. Масалан, Россиянинг «ЭРА ГЛОНАСС» тизимига кирувчи хавфли юкларни ташувчи транспорт воситалари йўналишдаги ҳалокат билан боғлиқ ҳолатни ахборотларни таҳлил қилиш марказига узатиб турувчи маҳсус мослама билан жиҳозланади. Хавфли юкни ташиш вақтида ташувчи транспорт воситаси билан йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлса ёки транспорт воситасининг ҳаракати вақтида хавфли юкка қандайдир шикаст етказилса (масалан, нотўғри юкланган ёки хавфли юк тарасининг синиши, қопқоғининг очилиб кетиши ва ҳ.к.), ҳайдовчи ёки экспедитор томонидан маҳсус тутма босилиб хавфсизлик тизими ишга туширилади.

Берилган маълумотга кўра ахборотларни таҳлил қилиш маркази томонидан воқеа жойига маҳсус оператив гурӯҳ юборилади ва хавфли юкнинг яқин атрофдаги

одамларга, экологияга таъсирининг олдини олиш ёки таъсирини камайтириш чоралари кўрилади.



Россиянинг «ЭРА ГЛАНСС» тизимига кирувчи ҳафвали юкларни ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракатини назорат этувчи тизимнинг принципиал схемаси

4.5. Ахборот технологияларини транспорт логистикасида қўллаш

Ҳозирги кунда транспортлар логистикаси ахборот технологиясиз ишлай олмайди. Барча автотранспорт воситалари ёрдамида бир шаҳардан бошқа шаҳарга юкларни олиб бориш жараёнида қанчадан-қанча маълумотлардан фойдаланилади. Ушбу ахборот технологиясиз бажарилган ишларнинг сифатини аниқлаш мумкин эмас.

Ахборот жараёни, айниқса, юклар келаётган йўлларнинг тугун участкаларида, яъни чорраҳаларда, темир йўл станцияларида, аэропокзалларда жуда зарур.

Логистика сўзи грекча бўлиб, «ҳисобли санъат» деган маънони англатади. Ушбу сўзни Византия импера-

тори Лев IV (865 – 912) ҳарбий юришларда ўз аскарла-
рига озиқ-овқат етказиб бериш ва уни тақсимлаш учун
ишлатган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида АҚШнинг ҳар-
бий контингенти Европадаги жангларда иштирок
этаётган пайтда Америка қитъасидан озиқ-овқат,
курол-аслаҳаларни керакли жойларга ва ўз вақти-
да етказиб беришда логистикадан фойдаланилган.
Урушдан сўнг логистика тинч ҳаётда кенг қўлланила
бошланди. Ҳозирги кунда логистикадан асосан биз-
несда кенг фойдаланилмоқда.

Демак, логистик тизим логистик занжирда ўтирган
(корхона, ташкилот, фирма, транспортлар, савдо таш-
килотлари, дўконлар ва х.к.) иштирокчилар мажмуаси
ҳисобланади.

Дунё бўйича қабул қилинган логистика тизимларига
куйидагилар киради:

- MRP – Materials requirements planning;
- DRP – Distribution requirements planning;
- MRPII – Manufacturing resource planning;
- ERP – Enterprise resource planning;
- LEAN PRODUCTION;
- CSRP – Customer Synchronized Resource Planning;
- ROP, QR, CR, AR;
- EOQ модель;
- Икки қатлам тизими;
- Икки бункерли тизим;
- Ўзгармас давр ичида буюртма бериш модели;
- ABC модели;
- Стационар бўлмаган, яъни ўзгарувчан ва стохастик
эҳтиёт қисмларни бошқариш модели ва бошқалар.

Логистика қуийдаги турларга бўлинади:

- транспорт логистикаси;
- омбор логистикаси;
- сотиб олиш логистикаси;
- ишлаб чиқариш логистикаси;
- ахборотлаштириш логистикаси;
- божхона логистикаси;
- экология логистикаси;
- тежамкорлик логистикаси;
- шаҳар логистикаси ва ҳ.к.

Куйида ушбу логистикаларнинг асосий масалалари-ни ечиш йўллари кўрсатиб ўтилмоқда:

1. Транспорт воситасининг турини танлаш.
2. Йўл маршрутларини аниқлаш.
3. Юкларни транспортга оптимал жойлаштиришни ташкил этиш.
4. Молларни йиғиб контейнерга оптимал жойлаш.
5. Эҳтиёт қисмларни бошқариш.
6. Омбор майдонларида молларни сақлаш.
7. Маркировкалаш.
8. Божхона хизматларини ечиш ва ҳ.к.

Маълумотларни глобал компьютер ва телекоммуникация тармоқларида бир объектдан (узатувчидан) бошқа бир объектга (қабул қилувчига) энг оптимал маршрут (йўл) билан етказиб бериш жараёnlари мажмуасига ушбу ахборот логистикаси қўлланилади.

Кейинги пайтларда автотранспорт корхоналарида-ги юк ташиш транспорт воситалари ёрдамида ишлаб чиқариш корхоналарининг, фирмаларнинг юкларини бир шаҳардан бошқа шаҳарга етказиб бериш жараёнида ёки шаҳарларда маршрут бўйича қатнаётган транспорт воситаларини назорат қилиб туриш жараёнида навигатор тизимлари ишлатилмоқда. Ҳозирги кунда

АҚШнинг GPS тизими ва Россиянинг ГЛОНАСС тизимларидан кенг фойдаланилмоқда.

4.6. Автомобиль транспортида йўловчиларни ташиш бўйича электрон тўлов тизимини ташкил этиш

Шаҳар йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, йўловчилар ташиш хавфсизлиги ва сифатини ошириш, қулай, шинам автобуслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, транспорт ташкилотларининг молиявий-иктисодий ҳолатини мустаҳкамлаш, йўловчилар ташишни самарали бошқаришга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва автотранспорт хизматлари билан таъминлаш соҳасини янада ривожлантириш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда мамлакат шаҳар-қишлоқларида аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишда автотранспорт хизматлари кўрсатишнинг ролини кучайтириш, йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш ва атмосферага заарли ташламаларни қисқартириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан бир қатор вазифалар юкланди ва қўйидагилар республикада автомобиль транспортида йўловчи ташишни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

- замонавий, қулай автобуслар ва микроавтобуслар билан янгилаш, йўналишларни оқилона ташкил этиш ва кенгайтириш, йўл қопламаларини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда яхшилаш ҳисобига аҳолининг талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ қондиришни таъминлаш;
- йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирла-

рини кучайтириш, йўналишлар бўйича ҳаракатланиш жадвалларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, қўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш, йўловчилар ташиш соҳасида истеъмолчилар хукукларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш, йўлкира учун нақд пулсиз тўлов тизимини жорий этиш;


- йўловчилар ташишни бошқариш тизимиға замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқлардаги автобусларда йўловчиларни ташиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар ижросини таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини автомобиль транспорт тизимиға жорий қилиш бўйича:

- йўловчилар ташишни амалга ошириш юзасидан доимий равишда марказлаштирилган мониторинг олиб борилишини таъминлаш;
- онлайн (GPS) режимида масофадан кузатиш тизимини жорий этиш;
- расмий веб-сайт ва «ишенч телефонлари» орқали аҳоли билан мулоқот механизмларини босқич-ма-босқич жорий этиш;
- 2018 йил 1 июлгача бўлган муддатда Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида шаҳар йўловчиларни ташиш транспортида йўлкира учун нақд пулсиз ҳақ тўлаш тизимини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалга оширишни ташкил қилиш.

Юқоридаги вазифаларни бажариш учун маҳсус автоматлаштирилган тизим яратиш ва маҳсус терминаллар, электрон карталарни ўқиб ҳисобга оладиган коллекторлар билан таъминлаш керак бўлади.

Бугунги кунда шаҳарларимизда хизмат кўрсатаётган маршрутли автобусларимизнинг барчасида чипталар сотуви кондукторлар ёрдамида амалга оширилмоқда.



Тошкент шаҳрида GPS трекерлари 127 та маршрут бўйича қатнаётган 1378 та автобусга ўрнатилган. Ушбу автобусларни бошқариб туриш учун маҳсус янги марказий диспетчерлик хизмати (МДХ) ишга туширилган. МДХга қарашли катта хонага 30 та компьютер ва 16 та монитор ўрнатилган. Тошкентдаги 14 та автостанцияда онлайн режимида ишлайдиган видеокузатув тизимлари ишга туширилган. «Тоштрансдиспетчерхизмат» УКда «Электрон карталарни ва йўловчилар маршрут паспортларини яратиш» ва «GPS тизими ёрдамида олинган ҳисоботлар асосида шаҳар йўловчи транспортларини таҳлил қилиш» ишчи гурухлари ташкил этилганлиги ҳаммага маълум.

МДХ хоналарида ўрнатилган 30 та компьютерда ходимлар Тошкент шаҳридаги барча маршрутлар бўйича

ҳаракатланаётган автобусларни назорат қилиб боришмоқда.

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан таклиф этилаётган шаҳар транспортларида хизмат тўлов ҳақини автоматлаштириш тизимини яратиш йўйича бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ушбу тизим нақд пулсиз электрон карталар ёрдамида транспорт хизматларидан фойдаланиш, тушумларни таҳлил этиш, умуман, шаҳар транспорти ишларини оптималлаштиришга мўлжалланган.

Автотранспортда йўловчи ташувчи корхоналарда йўловчилар оқими, уларнинг ўртacha сонини ўрганиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш учун электрон тизимга ўтиш автотранспортда мавжуд бўлган бир қатор камчиликларни бартараф этишга ва қуидаги мақсадларга эришишга олиб келади:

- транспорт тизимида нақд пулсиз карточкалар асосида ҳисоб қилиш;
- тўлов ҳисоб жараёнида инсон омилини камайтириш;
- чиптасиз юрувчи йўловчилар сонини камайтириш;
- чипта сотувчиларнинг ишини енгиллаштириш;
- автопаркларнинг фаолиятини назорат қилиб бориш;
- барча тўловларни автоматик равишда амалга ошириш;
- чипталарни сотиб олиш вақтини камайтириш;
- йўловчилар оқимини аниқ ҳисобга олиш ва барча транспорт тизими самарадорлигини ошириш.

Юқорида келтирилган омиллар асосида маршрутли транспортлардаги реал оқимларга қараб автобус йўналишларини ва оралиқ вақтларини ўзгартириш бўйича ўзгарувчан тизим жорий этиш мумкин бўлади.

Автоматлаштирилган тўлов тизими давлат учун ҳам катта самара келтиради, яъни:

- давлат бюджетига солик тушумини назорат қилиш;
- имтиёзли фуқароларга хизмат кўрсатишни ҳисобга олиш;
- йўловчилар оқими динамикаси асосида транспорт воситаларини оптимал тақсимлаш ва ҳ.к.



Шу билан бирга, йўловчиларга ҳам кўп қулайликлар яратилади, яъни тўлов тизимининг соддалиги, хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши, тўлов жараёнининг тезлиги ва хизмат кўрсатиш сервиси яхшиланиши.

Юқорида келтирилган электрон тизимни ишга тушириш учун қуйидаги қўшимча қурилмалар керак бўлади:

- транспорт воситаларини назорат этиб туриш учун GPS трекерлари;
- кираётган ва чиқаётган йўловчилар сонини ҳисоблаб турадиган қурилмалар;
- портатив чек берувчи терминаллар;
- электрон карталар;
- бекатларга ўрнатиш учун электрон таблолар;
- видеокамералар;
- радарлар;
- детекторлар;
- коллекторлар;
- портатив компьютерлар;
- мобиль телефон станциялар билан боғланиш учун симсиз радиоалоқа қурилмалари ва ҳ.к.

Бекатларда ўрнатилаётган электрон таблолар ёрдамида йўловчилар қуйидагилар бўйича маълумот олиб бориши мумкин бўлади:

- маршрутли автобусларнинг бекатларга аниқ келиш вақтлари тўғрисида;



- ушбу маршрутларда қатнаётган автобусларнинг рақамлари, турлари ва йўналишлари тўғрисида;
- келаётган автобуснинг йўловчилар билан тўла ёки тўла эмаслиги тўғрисида;
- маршрутдаги автобусларнинг қатнов жадвали ўзгариши тўғрисида;
- йўл маршрутларининг, тўловларининг ўзгариши тўғрисида ва ҳ.к.

Барча қилинаётган ишлар ва яратилаётган тизимлар халқ фаровонлигини кўзда тутади.

4.7. Автотранспорт йўлларини лойиҳалаш тизими

Компьютер, умуман, электрон ҳисоблаш машиналари яратилгунга қадар автомобиль йўлларини лойиҳалаш асосан қўлда бажарилар эди. Биринчи электрон ҳисоблаш машинаси М – 20 Тошкент шаҳрига 1966 йили олиб келиниб, Фанлар академиясининг Кибернетика институтига ўрнатилган. Шундан сўнг 70-йиллардан Ўзбекистондаги барча вазирликлар ўзларининг қарамоғида «Ҳисоблаш марказлари»ни ташкил қила бошлаганлар. Шулар қаторида Автотранспорт вазир-

лигига ҳам 2 та марказ, яъни «Ҳисоблаш маркази» ва «Республика информацион ҳисоблаш маркази» ташкил қилинган эди. Ушбу марказларнинг асосий вазифаси вазирликка қарашли барча автотранспорт корхоналарида, яъни шаҳар автотрестларидан то барча автокомбинатларга тааллукли бўлинмаларнинг ишини автоматлаштириш эди. Шунинг учун ҳар хил соҳавий, функционал масалаларни ечиш, биринчи навбатда, бухгалтерия ҳисботи, режалаштириш бўлими, кадрлар (ходимлар) бўлими ишларини компьютерда ҳисобга олиш учун ҳар хил алгоритмик тилларда дастурлар яратила бошланди.

Афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда барча автоматлаштирилган бошқарув тизимлари асосан шахсий компьютерларга мўлжалланганлиги боис олдинги катта электрон машиналар учун ишлаб чиқилган жуда кўп масалаларни ечишга мўлжалланган дастурий воситалар ишлатилимай қолиб кетди. Барча олдинги алгоритмик тилларда ёзилган «Алгол», «Фортран», «PL», ҳозирги кунда ишлатилаётган «Java», «C++» ва бошқаларнинг синтаксиси бир хил, факат семантикаси ҳар хиллиги сабабли уларни умумий ретранслятор ўрнатиб ишлатса бўлар эди.

Ўзбекистонда автотранспорт воситаларининг сони тез кўпайиб бораётганлиги боис автомобиль йўллари ни кенгайтириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бироқ қуриб ишга туширилган йўлларни кенгайтириш жуда мушкул вазифа. Сабаби ҳаммага маълум, бу йўл атрофидаги уйларни бузиш, хонадон эгаларига бошқа ердан турар-жой топиб бериш, қурилиш учун материаллар, ускуналар, иш кучи, харажатлар ва ҳ.к.

Автотранспорт йўлларини қуришдан олдин ушбу йўлларни лойиҳалаш зарур. Дунёда бундай лойиҳалаш ишлари автоматик дастурий воситалар асосида

компьютерларда бажарилади. Ҳозирги кунда жуда күп стандарт дастурий воситалар ишлатылмоқда. Масалан, CREDO, Robur, GIP, PLATEIA, PYTHAGORAS, MX ROAD, Indor CAD/Road ва бошқалар.

Лойиҳалаш даврида күйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

- алгоритмик;
- эвристик.

Эвристик усул асосан умумий қоидалар ва таклифларга асосланган. Яъни интуитив фикрлаш, ассоциатив қобилият ва фикрлашни бошқариш усуллари катта роль ўйнайди.

Алгоритмик усул эса масалани қандай ечиш керак-лигини, унинг кетма-кетлигини ва қай тариқа мақсадга эришиш мумкинлигини күрсатиб беришга асосланган. Ушбу алгоритмлар мантиқий ёки математик бўлиши мумкин. Барча ишлар ё кўлда, ё компьютерда ечилади. Албатта, ҳозирги кунда фақат компьютерда ечилади. Шунинг учун CAD – Computer Aided Design, яъни автоматик лойиҳалаш тизими (русчаси САПР) жуда оғир техникавий объектларни, жумладан, автомобиль йўлларини лойиҳалашга мўлжалланган.

Лойиҳалаш қўйидаги бўлимлардан (қатламлардан) иборат бўлади:

- лойиҳаланадиган зоналарни рақамли моделлар билан ташкил қилиш;
- автомобиль йўлларини белгилаб чиқиш;
- йўллар узунлигини ҳисобга олиб лойиҳалаш;
- йўллар кенглигини ва кийимини ҳисобга олиб лойиҳалаш;
- сунъий қурилмаларни ва муҳандислик-сервис таъминотини лойиҳалаш;

– қабул қилинган лойиҳани баҳолаш ва ҳ.к.

Лойиҳалаш ишларини бажариш учун жуда кўп ҳужжатлар ишлаб чиқилиши лозим. Улардан асосийлари «Лойиҳаланадиган йўлни ўтиб текшириб чиқиш натижаси», «Техникавий топшириқ», «Техник лойиҳа», «Иш чизмалари», «Ишчи лойиҳа», «Сметалар» ва ҳ.к. Ушбу ҳужжатларни яратиш учун жуда кўп маълумотлар олиш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва Тошкент шаҳридаги автомобиль йўлларининг топологиясини компьютерда ажратиб олиш, барча йўлларнинг ҳолатлари параметрларини аниқлаш, эски йўлларни реконструкция қилиш, уларни ўзгартириш лойиҳаларини, транспорт чорраҳаларини, туннелларни компьютерга киритиш. Йўлларнинг ҳолатини назорат этиш тизимини яратиш.

Ҳар хил автоматлаштирилган иш жойларини яратиш учун қуидаги дастурлардан фойдаланиш мумкин:

AutoCAD – Autodesk компанияси томонидан яратилган икки ва уч ўлчамли автоматлашган лойиҳалаш ва чизмачилик тизими бўлиб, унинг биринчи версияси 1982 йили чиқарилган. AutoCAD ва унинг ихтисослаштирилган иловаси қурилиш, архитектура, машинасозлик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида қўлланилади. Дастур 18 тилда яратилмоқда.

CREDO ДОРОГИ – бу автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун яратилган автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимиdir.

Тизим барча категориядаги автомобиль йўлларини, шаҳар кўчалари умумий фойдаланиш йўлларини лойиҳалашга мўлжалланган. Унинг профессионал дастурлар билан таъминланганлиги ҳар қандай турдаги лойиҳаларни – янги магистралларнинг эскиз лойиҳасидан тор-

тиб мавжуд йўлларни таъмирлашгача бўлган ишларни амалга ошириш имконини беради.

IndorCAD/Road – автомобиль йўлларини автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими.

IndorCAD/Road шаҳар кўчалари, автомобиль йўлларини реконструкция қилиш, таъмирлаш, янги йўлларни куриш лойиҳаларини амалга ошириш учун яратилган.

IndorCAD/Road тизими замонавий САПРнинг (автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимининг) бойитилган асбобларига эга бўлиб, инженерга объектни лойиҳалаш бўйича тўлиқ циклни (инженер-геодезик ва инженер-геологик изланишлар маълумотларини киритишдан тортиб то стандартларга мувофиқ келувчи лойиҳа ҳужжатларини яратишгача) қамраб олиш имконини беради.

IndorCAD/Road тизимида рельефнинг сонли модели триангуляция (фазовий учбурчаклар тўплами) кўринишидаги дастлабки маълумотлар (рельефнинг уч ўлчамли нуқталари ва структура чизиклари ва х.к.) орқали курилади.

IndorCAD/Road интернет хариталарни экранда яратади. Оддий хариталардан ташқари кадастр хариталарни жойлаштириш имкониятига эга, бу эса лойиҳаларни бажаришда йўл четидаги ер майдонларини аниқ баҳолашда кўл келади. Замонавий интернет хизмати Ер йўлдошлиридан 1 – 2,5 м аниқликдаги суратларни олиш имконини беради, лекин 0,3 – 0,8 м аниқликдаги суратларни олиш пуллик хизмат саналади.


IndorCAD/Road тизими ҳисоблаш геометриясининг энг замонавий алгоритмларини қўллаб яратилган бўлиб, рельефнинг юз минглаб нуқталаридан иборат модели билан юқори тезликда ишлаш имконини беради. IndorCAD/Road замонавий компьютерларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни таъминлайди.

Шаҳар шароитида йўлларни лойиҳалаш шаҳардан ташқари шароитда йўлларни лойиҳалашга нисбатан анча мураккаб бўлиб, унда зич қурилишларни, мураккаб коммуникация тармоқларини амалдаги меъёр ва қоидалар талабларига риоя қилган ҳолда ҳисобга олиш керак. IndorCAD/Road тизимида бу масалаларни ечиш учун қўшимча имкониятлар назарда тутилган. Бундан ташқари, мазкур тизимда йўлларда етарли қиялик бўлмаганида сув кетиш йўлларини таъминлаш автоматлаштирилган.

Автомобиль йўлларини лойиҳалаш сифати автоматик лойиҳалашга мўлжалланган юқорида келтирилган дастурий воситалар учун маълумотларни тўғри танлашга боғлиқ бўлади.

4.8. Ўзбекистон темир йўлларида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳозирги кунда жадал ривожланаётган компаниялардан бири ҳисбланади. Йил сайин компания томонидан йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражаси кескин ўсиб бормоқда.



Темир йўл станцияларидан ортилган юклар ҳажми ҳам миллионлаб тоннани ташкил этмоқда. Экспорт хизматлари ошмоқда.

Юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» поездida бугунги кунгача 400 мингдан зиёд йўловчи ташилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу темир йўл транспорти орқали пиёда ва юк ташиш ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётганидан далолатdir.

Шу билан бирга, темирйўлчилар олдида турган қатор муҳим вазифаларнинг ҳал этилиши темир йўл транспорти хизматларига бўлган эҳтиёжни қондириш баробарида унинг сифатини ҳам ошириш имконини беради. Хусусан, темир йўл линияларининг электрлаштирилиши натижасида уларнинг ўтказувчанлик қобилияти ва иш самарадорлиги ортади, эксплуатация сарф-харожатлари камаяди.

Бугунги кунда ахборот технологиялари темир йўл бошқарувида нафақат ёрдамчи восита, балки темир йўл транспорти инфраструктурасининг асосий элементи ҳисобланади. Айниқса, АҚТ бошқарув жараёнида бош механизмга айланиб қолди. Ҳозирги кунда ахборот технологиялари темир йўл транспортида бизнесни ташкил қилувчи асосий фактор саналиб, юк ташиш бозорида жуда катта самарадорликка эга бўлмоқда.

АҚТни темир йўллар тизимида самарали қўллаш учун, авваламбор, тизимни лойиҳаловчилар ва уларни амалиётда қўлловчи мутахассисларни тайёрлаш ҳамда замонавий ахборот технологиялари бўйича қайта тайёрлаш лозим бўлади.

Бирламчи ишлаб чиқилган ва амалга оширилган автоматлаштирилган бошқарув тизимида маълумотлар омбори яратилиши, ҳаракатланиш йўлларининг моде-

лини яратиш, локомотив ва вагон деполаридаги кадрлар, жиҳоз ва материалларни компьютерда хисобга олиш, темир йўл станциялари ва диспетчерлик пунктлари орасида маълумотлар алмашинуви масалалари ҳал этилиши керак.

Темир йўллар тизимиға тааллукли ахборотларни компьютерга киритиш учун аввал вокзаллар, станциялар, ҳаракат йўллари, бўлинмалар, поезд, локомотивлар, юклар, юк жўнатувчи ва қабул қилувчи объектларни кодлаштириш керак бўлади.

Вокзал, станциялар коди олти рақамли бўлиб, биринчи бешта рақами ушбу коднинг асосий қисми, олтинчиси эса назорат белгиси хисобланади. Коднинг биринчи ва иккинчи рақами туман тармоғидаги станцияга тааллукли кетма-кетлик рақами саналади. Коднинг охирги уч рақами туман тармоғининг ички станцияси кетма-кетлик рақами бўлади.

Очиқ юк ташиш операциялари учун мўлжалланган станцияларнинг бешинчи рақами ҳар доим ноль бўлади. Йўловчи вагонларнинг нумерацияси саккиз рақамли бўлиб, биринчи рақами ҳар доим ноль бўлади. Юк ташиш вагонлари ҳам саккиз рақамли, вагонларнинг турига қараб, яъни ёпиқ вагонлар учун 2, платформалар учун 4, корхоналар ёки вазирликларга тааллукли бўлса 5, яrim вагонлар учун 6, цистерналар учун 7 ва изотермик вагонлар учун 8 бўлади.

Тўққиз рақамидан бошлаб ун, дон, минерал ўғитлар, юк вагонлари, автомобилларни ташиш учун платформалар ва бошқалар киради.

Компьютер орқали автоматлаштирилган тизимларда маълумотлар қуидагича бўлинади:

- бошқарув объектларидан келаётган маълумотлар,

яъни поездлар состави, локомотивлар ва уларнинг келиши, жўнатилиши, локомотивларнинг алмашиниши, юк операцияларининг маълумотлари компьютернинг маълумотлар омборига киритилади;

– маълумотлар омборидаги параметрларни ўзгартириш ахбортлари;

– сўров маълумотлари, яъни тизим тўғрисида ахбортлар, ҳисоботлар учун ва бошқалар.

Компьютерга келаётган ҳар қандай ахборт ўзининг структурасига, яъни макетига эга ва бу макетнинг ҳам ўз рақами бўлади. Ҳар қандай сўз эса ўзгармас сонли белгидан ҳамда киймати аниқ диапазондан иборат бўлади.

Масалан:

200 – станциядан поезднинг жўнатилиши;

201 – поезднинг станцияга кириб келиши;

202 – поезднинг станциядан ўтиши;

203 – составни тарқатиш (бўлиш);

241 – вагонга юкни жойлаштириш;

242 – вагондан юкни тушириш ва бошқалар.

Худди шундай сўров маълумотлари ҳам бўлади.

Хуллас, темир йўллар соҳасининг динамик ривожланишида ахборт-коммуникацион технологиялар жуда катта роль ўйнайди. АҚТ асосида харажатларни оптималлаштириш, даромадни қўпайтириш, корхоналарнинг ракобатбардошлигини ошириш, самарадорлигини ошириш мумкин бўлади.

Янги ахборт-коммуникацион технологиялар ёрдамида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти республика бўйлаб ва МДҲ мамлакатларига электрон чипталар сотиш тизимини ишга туширди. Электрон чиптани харид қилиш учун сайтда рўйхатдан


ўтиш керак бўлади. Рейс, вагон тури ва жойни танлаб, поездга чиқувчи шахснинг паспорт ва бошқа маълумотларини киритгандан сўнг пул ўтказилади. Мазкур ишлар бажарилгач, чиптани қоғозга чиқариб олишга рухсат берилади.

Агар чиптани чоп этишнинг иложи бўлмаса, электрон чипта рақамини (14 та рақам) айтиб кассадан олиш ҳам мумкин. Электрон чипталарни харид қилиш қоидалари ва бу ҳақдаги тўлиқ маълумотларни «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти расмий сайтидан (www.uzrailway.uz) олса бўлади. Электрон чипта харид қилишдан аввал сайтда рўйхатдан ўтиш ёки аутентификациялаш керак.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг барча вилоятларида «электрон чипта», яъни «e-ticket» тизими ишга туширилган.

«Электрон чипта» тизими электрон хужожат хисобланниб, харидорлар кассаларда навбатда турмасдан, мобиль ёки уй телефонлари орқали сотиб олишлари мумкин.

«Электрон билет» контактсиз карта ёки смарт (ақлли) карта сифатида бўлиши ва шаҳар транспортида йўл чипталари ўрнида ишлатилиши ҳам мумкин.



Смарт карта

Темир йўл электрон чипталарини бронлаш ёки сотиб олиш учун компьютер тармоқлари, симли ёки симсиз мобиъе телефонлар орқали бажариш мумкин. Чиптага пул ўтказилганидан сўнг қоғозга принтер орқали чиқариб олиш мумкин. Бу маршрут квитанцияси деб аталади.

Йўловчиларни рейсиغا қараб жўнатишни бошқариш асосан вокзалларда ёки станцияларда жойлашган компьютер тизимлари орқали амалга оширилади. Шунинг учун қоғозли маршрут чиптасининг кераги ҳам йўқ, чунки барча маълумотлар компьютерга киритилган бўлади, шу сабабли йўловчининг шахсий паспорти етарли.

Темир йўл транспортларининг бир манзилдан иккинчи манзилга бораётган ҳаракатларини назорат этиб бориш учун қуидаги тизимлардан фойдаланилади:

1. Темир йўл маршрутларининг бурилиш нуқталарида видеокузатув камераларини ўрнатиш орқали.
2. GPS тизими орқали.
3. ГЛОНАСС тизими орқали.
4. Назорат тизимини бошқариш марказлари орқали ва ҳ.к.


Ўзбекистон Республикасининг темир йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун магистрал линияларини, кўп километрли перегонларни, туннелларни, кесишниш линияларини, кўприкларни, иқлим зоналарини ҳар хиллигини ва специфик аҳамиятини ҳисобга олиш зарур.


Республикамиздаги барча темир йўлларни панжаралар билан ўрашдан ташқари албатта видеокузатув қурилмалари ўрнатиш керак. Айниқса, бундай кузутув камераларини темир йўлларнинг бурилиш нуқталарида,

шлагбаумли автомобиль йўллари билан кесишиш жойларида (переездларда), ҳар хил темир йўл станцияларида ўрнатиш зарур. Ушбу камералар ва датчиклар барча станциялар, вокзаллар билан боғланган бўлиши шарт. Боғланиш жараёни икки хил усул билан, яъни симли (оптик алоқа канали) ёки симсиз – WiFi, WiMax техник воситалари билан амалга оширилиши мумкин.

Бундан ташқари, барча локомотивлар бригадаси билан станциялардаги операторлар кечаю кундуз алоқада бўлишилари шарт. Хавф-хатар туғилган пайтда келаётган поездга зудлик билан хабар берилса, ҳалокатларнинг олди олинади.

Автомобиль йўлларида эса видеокамералар ўрнига видеорадарлар ишлатилади. Улар нафақат видеокузатув вазифасини бажаради, балки транспорт воситасининг тезлигини ҳам аниқлаб беради. Шундай видеокамералар темир йўлларда ҳам ўрнатилса, самараси юқори бўлади. Яъни эшелоннинг тезлигини, айниқса, бурилиш участкаларида ўлчаш катта аҳамиятга эга. Қолаверса, темир йўллар атрофидаги бузилишлар назорат қилиб турилади.





Хозирги кунда видеорадарларнинг турлари 100 дан ошиб кетган. Уларнинг ўртача техник характеристики қуидагиша:

- объектнинг тезлигини узокдан аниқлаш масофаси 1000 метргача;
- ўлчашнинг энг яқин масофаси 50 метр;
- объектнинг тезлик диапазони ўлчами 5 км/соатдан 250 км/соатгача;
- тезликни ўлчаш аниқлиги 2 км/соат;
- ўлчам масофасининг аниқлиги 5 метргача;
- ҳаракатнинг видеоёзуви секундига 8 та кадрдан ортик;
- маълумотларни видеорадарлардан станцияларгача узатиш масофаси: а) оптик толали алоқа каналлари бўйича 30 километргача; б) радиоалоқа линиялари бўйича 5 километргача.

Видеорадарлар ҳам стационар ва мобиЛЬ режимда ишлаши мумкин. Уларнинг асосий функционал имкониятлари қуидагиша:

1. Ҳаракатланаётган объектни назорат қилинаётган зонада автоматик равишда расмга олиш, ҳаракат тезлигини аниқлаш, кадрга олинганда қунини ва вақтини белгилаб қўйиши.

2. Марказий станцияга (вокзалга) рақамли алоқа канали орқали оператив равишда юқорида келтирилган маълумотларни етказиб туриш.

3. Барча назорат қилинаётган жойлардаги объектларнинг параметрларини компьютернинг маълумотлар омборига ёзиб бориш ва ҳ.к.

Видеорадарларнинг ўртача иш частотаси 24,15 ГГц. Объектларнинг тезлигини аниқлаш диапазони $20 \div 250$ км/соат.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига тааллукли барча бўлинмалар, яъни темир йўл вокзallаридан тортиб барча вилоятлардаги станциялар, ишлаб чиқариш ёки таъмирлаш корхоналаригача ўзларининг веб-сайтларини яратишлари зарур. Ушбу сайтыларда раҳбар, ишчи ходимлар, барча техник воситаларнинг ҳолати ёзиб борилиши керак.

Бундан ташқари, акциядорлик жамиятига қарашли барча ҳаракатланувчи объектларга АҚШнинг GPS ёки Россиянинг ГЛОНАСС трекерларини ўрнатиш ва уларни реал вақтда марказий станцияларда ёки вокзалларда назорат қилиб бориш лозим.

Умуман, АҚТни кўллаб «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг ҳаражатларини камайтириш, даромадини ошириш мумкин.

Юқорида қайд этилган ишларни бажаришда замоновий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланилади. Кейинги босқичда бажариладиган ишларга қуидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикасининг ички темир йўл ҳаракатларини марказлашган ҳолда кузатиб туриш, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, йўловчи поездларнинг манзилга ўз вақтида бораётганлигини, юклан-

ган эшелонлар ҳаракатини реал вактда назорат қилиб бориш тизимини ишга тушириш учун ҳар хил чоррахаларда, бурилиш участкаларида, кўприкларда видеоку-затув қурилмаларини ўрнатиш.

2. Темир йўл вокзаларида, тўхташ станцияларида WiFi тизимини ишга тушириш, видеокамералар ўрнатиб йўлжчиларнинг барча ҳаракатларини кузатиб бориш, керак бўлиб қолган тақдирда оператив ёрдам бериш чораларини кўриш.

3. АҚШнинг GPS тизими, Россиянинг ГЛОНАСС тизимидан фойдаланиб барча темир йўл транспорт воситаларини Ернинг сунъий йўлдошлари орқали назорат қилиш тизимини ва бошқариб туриш марказларини яратиш.

4. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга қарашли барча ишлаб чиқариш корхоналарида бажарилаётган ишларни назорат қилиш ва тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш жараёнида ҳам ахборот-коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланиш.

5. Темир йўлларни оптimal лойиҳалаш жараёнида вокзаллар ва станцияларда автоматлаштирилган иш жойларини яратиш.

4.9. Ахборот-коммуникацион технологияларни авиацияда қўллаш

Хозирги кунда барча транспорт соҳалари каби авиацияда ҳам ахборот-коммуникацион технологиялар кенг қўлланилмоқда. Жумладан, электрон чипталар сотиши тизимини «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси биринчилар қаторида ишга туширди. Бундан ташқари, аэровокзалларда пиёдаларни текшириш, ҳаракатларини назорат қилиш, об-ҳаво маълумотларини

реал вақтда олиб туриш, WiFi тизимидан кенг фойдаланиш, пиёдаларнинг юкларини назорат қилиш тизимлари ишлаб турибди.

Тошкент халқаро аэропорти орқали 2014 йили 3 миллион кишига хизмат кўрсатилди. Ушбу аэровокзалнинг имконияти бир соатда 1300 кишини ўтказишга етади. Тошкент аэропорти дунёнинг барча катта шаҳарлари билан ҳаво йўллари орқали боғланган. Ҳозирги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Ўрта Осиёда энг катта авиация компанияси ҳисобланиб, йўловчи ва юкларни ташибиши бўйича биринчи ўринда туради.



Аэровокзал биноларида 56 та мониторлар ўрнатилган бўлиб, пассажирларга ҳар хил маълумотлар бераб турилади. Йўловчиларни рўйхатга олиш учун автоматлаштирилган тизим (DCS) ишга туширилган. Аэропортда электрон чипта олиш ёки алмаштириш тизими ҳам ишлаб турибди.

Йўловчиларни Ўзбекистондаги барча йирик шаҳарларга етказиш Тошкент-3 маҳаллий ҳаво йўллари терминали орқали амалга оширилади. Ушбу терминал бир соатда 400 тагача йўловчига хизмат кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистондаги аэропортлар қайта таъмирланиб, янги ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Хорижий давлатларга учувчи йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун янги замонавий қурилмалар, 4 та телескопик траплар билан жиҳозланган Тошкент-2 терминали ишга туширилган.

Самолётларнинг хавфсизлигини таъминлаш энг дол зарб масала бўлганлиги учун текширув пунктларини замонавий техник воситалар билан таъминлаб туриш керак.

Хозирги бозор иқтисодиёти даврида авиакомпаниялар ўртасида ҳам рақобат кучли, яъни йўловчиларнинг ўзлари қайси компания, қайси рейсларда хизмат кўрсатиш даражаси юқори, қайсиларининг хизматлари қониқарли эмаслигини аниқлай бошлайдилар. Қайси авиакомпания ахборот тизимини яхши йўлга қўйган бўлса, ERP тизими ишласа, яъни маълумотлар омборида авиакомпаниянинг барча тузилмалари фаолияти тўғрисида ахборотлар кенг ёритилса ва реал вақтда исталган маълумотни олиш мумкин бўлса, йўловчиларнинг юклари йўқолмаса, бузилмаса, ўша компаниянинг фойдаси юқори бўлади.

«Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпанияси бугунги кунда фуқаро авиацияси соҳасига тааллуқли ахборот-коммуникацион технологияларни татбиқ этиш бўйича бир қатор лойиҳаларни муваффакиятли амалга оширди, жумладан:

- «Ходимларни бошқариш, меҳнат ресурсларини ҳисобга олиш ва бошқариш бўйича ахборот тизимини татбиқ этиш» лойиҳаси асосида миллий авиакомпанияга қарашли 20 та ташкилий корхоналарнинг барчасида ходимлар бошқаруви бўйича ягона автоматлашган тизим ишга туширилди;
- «Авиакассалардаги депозитларни тезкор назорат қилиш бўйича дастурий таъминотни татбиқ этиш» лойиҳаси асосида миллий авиакомпаниядаги авиаҷиптапарни тарқатиш бўйича барча агентлик тармоқларининг ўзаро алоқаларини кучайтириш ва уларнинг ишларини назорат қилиш тизими яратилди;
- «Ёнилғи-мойлаш материалларининг мавжудлиги ва ҳаракатининг ҳисобот маълумотларини тайёрлаш ва ҳисобга олиш бўйича ахборот тизимини яратиш ва татбиқ этиш» лойиҳаси асосида Ўзбекистон Республикасидаги барча аэропортлардаги ёнилғи-мойлаш материаллари ҳаракатини аналитик таҳлил қилиш ва мониторингини автоматлаштириш ишлари амалга оширилди;
- «Учиш фаолиятини электрон режалаштириш дастурини татбиқ этиш» лойиҳаси асосида миллий авиакомпаниянинг учувчилар таркибини шакллантириш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича барча корхоналарнинг ўзаро ҳаракатларини ва тезкорлигини ошириш имконияти яратилди;
- «Онлайн режимида багажни қидириш статуси бўйича маълумот беришни таъминлаш дастурини татбиқ этиш» лойиҳаси бўйича миллий авиакомпаниянинг интерактив веб-сайтида юкларини йўқотган йўловчиларга (Ўзбекистон Республикаси худудидан рейсларни амалга оширувчи бошқа авиакомпаниялар мижозлари учун ҳам) кўшимча қулайлик яратилиб берилди;

— «Авиачипталарни онлайн сотиш ва онлайн бронлаш тизимини татбиқ этиш» лойиҳаси асосида миллий авиакомпаниянинг интерактив веб-сайтида интерактив хизмат жорий этилиб, авиачипталарни сотиш ва бронлаш жараёни енгиллаштирилди.

Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида 2016 – 2018 йиллар учун авиация соҳасига ахборот-коммуникацион технологияларни татбиқ этиш бўйича дастур ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Дастурга мавжуд ахборот тизимларини модернизация қилиш ва янгиларини яратиш бўйича лойиҳалар киритилган, жумладан:

— авиачипталарни онлайн сотиш ва онлайн бронлаш тизимини ривожлантириш, халқаро тўлов тизимидан фойдаланиш жараёнида мобиъ алоқа тизимларини қўллаш ва халқаро рейсларга чипталарни сотиш тизимини татбиқ этиш;

— Boeing-787 ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш жараёнида муҳандислик кузатувини ва «e-EnablingSystem» компонентлари ишлаб туришини таъминлаш бўйича тизимни татбиқ этиш каби масалалар режалаштирилган.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида янги замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиб қуидаги масалаларни ечиш керак:


1. Аэропортларда WiFi тизимини ишга тушириш, видеокамералар ўрнатиб йўловчиларнинг барча ҳаракатларини кузатиб бориш, керак бўлиб қолган тақдирда оператив ёрдам бериш чораларини яратиш.

2. АҚШнинг GPS тизими, Россиянинг ГЛОНАСС тизимидан фойдаланиб барча авиарайнерларни Ернинг сунъий йўлдошлари орқали назорат қилиб туриш тизимини ва бошқарув марказларини яратиш.

V. «ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ» ТИЗИМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

«Электрон ҳукумат» тизими таҳлили

«Электрон ҳукумат» нима?

- 
- Миллий рақобатдошлик
 - Бошқариш самарадорлигини ошириш
 - Интерактив ҳизматларни ривожлантириш
 - АҚТдан фойдаланиш

«Электрон ҳукумат» тизими нима деган саволга қуидагича жавоблар олинган:

Жанубий Кореяда: Давлат ва ҳукумат органларини бошқариш вазифаларининг самарали бажарилиши.

АҚШда: Халқ – ҳукумат тизимини яратиш, ахборот ва ҳизматлардан фойдаланишин таъминлаш, шунингдек, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва давлат ҳизматларидан унумли фойдаланиш учун ахборот технологияларини кўллаш.


Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Ҳукумат ва халқ ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш мақсадида халқ ва давлатга ахборотни ҳамда ҳизматларни тақдим этиш учун интернетдан фойдаланиш.

Бутун дунё бўйлаб «электрон ҳукумат» орқали маъмурий ҳизматларни амалга ошириш инновацион тараққиёт натижасидир.


«Электрон ҳуқумат» тадбиркорлар, аҳоли хизматчилари, маҳаллий, миллий ҳамда миллатлараро институтлар, шунингдек, фуқаролик жамияти ташкилотларидан иборат бошқа ҳамкорлар орқали шаклланади.

«Электрон ҳуқумат» ҳар хил омилларга кўра турли йўуллар орқали тузилиши мумкин.

■ Электрон Ҳуқуматни ривожланиш босқичлари



Узбекистон Республикасида «Электрон ҳуқумат» тизиминиш бошқарув схемаси



Электрон ҳукумат концепцияси

- 1) Ихтиёрий вақтда ва жойда бошқарув ишларини кўрсатиш учун ахборот технологияларидан фойдаланиши кулайлиги
- 2) Давлат хизматларини бажарилишини тезлаштиришни имконлиги
- 3) Фуқароларнинг барча шикоятларини жамоатта кўрсатиши
- 4) Самарадолик



«Электрон ҳукумат»нинг ривожланишидаги асосий омиллар қуйидагича:

Бу рационал натижаларга эришиш ва хulosалар қилиш фаолиятини пухта режалаштириш сиёсатидир.

Сиёсий омил ҳукуматнинг ривожланиши ҳамда сиёсий, ижтимоий-иктисодий масалаларни, бюджетлаштириш фаолиятини миллатлараро келишувлар, декларациялар, шартномалар ёки операциялар билан тартибга солишга мўлжалланган.

Бу омил бозордаги алтернатив ҳаракатлар ва товарлар нархи, маҳаллий АҚТ саноатини ҳимоялайди.

Баъзи мамлакатларда АҚТ стратегиялари аҳолининг ахборотдаги иштирокини янада ривожлантириш орқали шаклланган. Масалан, Сингапурнинг 2007 – 2010 йилларга мўлжалланган АҚТ стратегиясида электрон ҳукуматга қуйидаги 5 та тамойилни ислоҳ этиш киритилди:

- давлатнинг телекоммуникация таъминоти, почта инфратузилмаси (телефон ва телеграфик алоқалар);
- АКТнинг барча учун очиқлиги;
- билим олиш давомийлиги ва таълим учун АКТ;
- соғлиқни сақлаш учун АКТ;
- саноат ва инновация учун АКТ.

Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги бажарилиши лозим бўлган вазифалар:

- норматив-меъёрий хужжатлар ва қонунчиликни тақомиллаштириш;
- телекоммуникация инфраструктурани ривожлантириш;
- АКТ ва интернет тармоғида миллий сегментни ривожлантириш;
- АКТни ривожлантиришга қаратилган инвестицияларни кўпайтириш;
- АКТ соҳасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- қишлоқ ва чекка ҳудудларда АКТни ривожлантириш истиқболлари ва бошқалар.

Фуқароларнинг ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш бўйича конституциявий хукуқларини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-модда.

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги хукуқига эга.

Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш хукуқига эга...

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 30-модда.

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органдари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари

фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларида дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 35-модда.

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакиллари ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожсаат қилиши ҳуқуқига эга.

Давлат ҳокимияти ва ташкилотларда ахборот технологияларидан фойдаланишдан мақсад ташкилотларни биргаликда ишлаш тезлиги ва самарасини ошириш, барча фуқароларга хизмат кўрсатишни тақдим этишдан иборат.

1999 йилдан «электрон ҳукумат» асосан таркибида бир нечта онлайн хизмат кўрсатиш ва масофавий хизматларни тақдим этувчи (тўлов ва шунга ўхшаш хизматлар) дастурий ва техник комплекс сифатида ўз фалиятини бошлаган.

Кейинчалик ҳукумат бир нечта медиа стрим орқали, яъни овоз, видео ва веб-хизматлар оқими, мобиль алоқа қурулмалари ва бошқа технологиялар орқали ўз хабарлари, хизматларини тақдим эта бошлади.

Бундан ташқари, «электрон ҳукумат» АҚТдан кенг фойдаланган ҳолда давлат секторлари устидан самарали ва такомиллашган назоратни ўрната олди.

«Электрон ҳукумат» мавжуд замонавий технологиядан кенг ва оптималь фойдаланган ҳолда давлат бошқаруви ва ахборотлаштириш жабхаларида енгилликлар яратди.

«Электрон ҳукумат» интернет ва локал иловаларни давлат бошқарув структурасига изчил сафарбар этиб бошқарув жараёнини енгиллаштирди.

«Электрон ҳукумат» электроника ва электронлаштириш жараёни изчил амалиётта татбиқ қилған ҳолда телефон, факс, CCTV кузатиши воситалари ёрдами ва RFID теглари телевизион узатиши каналларини сафарбар қилған ҳолда бошқарув тизимини онсонлаштириди.

«Электрон ҳукумат»ни шакллантириш учун куйидагиларни аниклашимиз зарур.

Ахборот ресурси ахборот тизимларидағи (күтубхоналар, архивлар, фондлар, маълумотлар банки ва бошқа ахборот тизимлари) хужжатлар ва хужжатлар йиғинди-сидан иборат бўлади.

Ҳар бир давлат учун ахборот ресурси энергия захиралари, қазилма бойликлар ва бошқа манбалар каби стратегик ресурс ҳисобланади.

Ахборот ресурслари ахборот маҳсулотларини яратиш учун бошланғич база саналади.

Ахборот маҳсулотлари инсонларнинг интеллектуал фаолияти натижаси ҳисобланади ва хизматлар ёрдамида тарқатилади.

АКТни ривожлантириш индекси (ICT Development Index – IDI, ITU томонидан статистикалар асосида аникланади) 11 та кўрсаткични турли давлатлардаги ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги ютуқларни назорат қилувчи ва таққословчи, битта ўлчамга (0 дан 10 гача шкала бўйича) бирлаштирувчи таркибий индекс ҳисобланади.

IDI нинг асосий мақсади куйидагиларни ўлчашdir:

◦ мамлакатда ва бошқа мамлакатлар билан таққослайданда АКТнинг ривожланиш даражаси ва вақт бўйича эволюцияси;

• ривожланган мамлакатлар каби ривожланаётган мамлакатларда ҳам АКТнинг ривожланиш жараёни;

- рақамли портлаш, яъни АКТ ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатлараро ажралишларни ҳисобга олиш.

Ҳозирги вақтда ҳукумат ва фуқаро орасидаги ўзаро таъсир ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда фаол амалга ошиб бормокда.

Замонавий ҳукукий-демократик давлат «фуқаро – ҳукумат», «фуқаролик жамияти – ҳукумат» ўзаро ахборот муносабатлари, ахборот манфаатларининг балансини, авваламбор, ахборотга оид қонунлар билан мустаҳкамлашга интилади.

Ҳукумат ва жамият, алоҳида фуқаронинг ўзаро таъсирини оптималлаштириш учун «электрон давлат» («электрон ҳукумат») моделидан кенг фойдаланилади.

«Электрон ҳукумат» икки қисмдан ташкил топган:

1. Ҳукумат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари.
2. Ҳукуматнинг турли даражалари (марказий, регионал, маҳаллий) ва турли тармоқлари (ижро, қонунчилик, суд) ички ҳамкорлиги.

«Электрон ҳукумат» тавсифи (World Bank,
<http://go.worldbank.org/MIJHE0Z280>)

«Электрон ҳукумат» атамаси фуқаролар, бизнес ва турли ҳукумат тармоқлари муносабатларини трансформация қилишга қодир ахборот технологияларидан давлат органдари томонидан фойдаланилишига нисбатан ишлатилади.

Бу технологиялар турли мақсадларда фойдаланилиши мумкин: фуқаролар учун давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ишларни амалга ошириш, бизнес ва саноат билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, ахборотга кира олиш воситасида фуқаролар имкониятларини кенгайтириш ва давлат бошқаруви самарадорлигини янада ошириш.

Электрон ҳукумат схемаси



Натижада шундай афзалликка эришиш мумкинки, бунда коррупциянинг қисқариши, шаффофликнинг ошиши, фойдаланувчилар учун янада қулайлик, даромаднинг ошиши ва ёки харажатнинг камайиши кузатилилади.

Электрон ҳукумат аҳолига интернет технологиялар воситасида (яъни АҚТ орқали) ўз нуқтаи назарларини баён қилиш имкониятини берган ҳолда мамлакат ҳаётига таъсир кўрсатишлари учун шароит яратади.

Шу билан бирга, интернетдан фойдаланувчилар учун максимал мослаштирилган янги хизматларни тақдим этиш йўли билан давлат бошқарув органларига таъсир даражаси оширилади.

Ахборот ва телекоммуникация инфратузилмасини ўз вактида шакллантириш қуидагиларни таъминлайди:

— ташкилот ва фуқаролар учун давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликнинг электрон усулларига ўтиш-

ни яхшилаш, аҳолининг давлат бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлиги учун сарфланадиган вақтни қисқартириш;

– давлат бошқаруви органларининг хизматларини тақдим этиш ва электрон қўринишдаги давлат вазифаларини бажариш харажатларини камайтириш;

– умумдавлат аҳамиятига эга бир турли вазифаларни бажариш учун давлат бюджети харажатларини уларни марказлашган ҳолда бажариш ҳисобига камайтириш;

– давлат органлари орасида оператив ҳимояланган ахборот алмашинуви учун ягона технологик платформани яратиш.

Электрон ҳукумат технологик ва коммуникация компонентларининг базавий классификацияси қўйидагиларни ўз ичига олади:

– идоравий ва идоралараро амалий (функционал) ахборот тизимлари;

– муҳандислик инфратузилмаси (телекоммуникация ва аппарат қуввати);

– электрон ҳукуматнинг ахборот-технологик инфратузилмаси.

Фуқаролик жамияти ва алоҳида индивидларнинг манфаатлари ўз ичига давлат органлари ахборотларининг очиқлигини ҳам олади. Ахборотнинг очиқлигидан давлатнинг ўзи ҳам манфаатдор.

Ахборотнинг очиқлиги – бу давлат характеристикаси. Қачонки ахборот очиқлиги юқори бўлса, шунда у ҳукукий-демократик давлат мақомига эга бўлади.

Ҳукумат ҳужжатлари ва ахборотларига киришни таъминлаш замонавий давлат аппаратига мавжуд талабларнинг биридир.

Давлат бошқарувининг сифати ҳукуматнинг аҳолини

«Эшитиш» ва «тинглаш»га тайёрлигига тұғридан-тұғри боғлиқ, бу давлат фаолияти устидан жамият назорати ва ахолига кулай усулда улар билан муносабатда бўлишга имкон беради.

Электрон хукуматни жорий этиш жараёни уч босқичга ажратилади:

1-босқич (оммавийлик).

Ушбу босқичда ахборот-коммуникация технологиялари воситалари кенгайтирилади ва тезлиги оширилади, хукумат органлари статистик ахборотларига фуқаролар, ташкилотлар, корхоналар томонидан кириш осонлаштирилади. Бу босқични амалга ошириш учун хукумат органлари ўзларининг веб-сайтларини яратадилар, бу ерда қонуний ва бошқа меъёрий хукуқий актлар, керакли хужжатлар шакллари, статистик ва иқтисодий маълумотлар жойлаштирилади. Ушбу босқичнинг асосий элементи ахборотларни оператив янгилаш ва «ягона ойна» орқали киришни тақдим этувчи, давлатнинг барча ахборот ресурсларини интеграцияловчи хукумат порталининг мавжудлиги ҳисобланади.

2-босқич (онлайн транзакция).

Давлат тузилмалари динамик ахборотни таклиф этади. Хукуматнинг электрон нашриёти, маълумотлар базаси, қонуний хужжатлаштирилган сайтлар юзага келади. Иккинчи босқичда давлат хизматлари (кўчмас мулк ва ер майдонларини қайд қилиш, солик декларацияларини тўлдириш, рухсат учун ариза топшириш) онлайн режимда тақдим этилади. Ушбу босқичга ўтиш бюрократик жараёнларни оптималлаштириш ва коррупция масштабини қисқартиришга имкон беради.

Ушбу босқичга ўтиш хукумат органларига хизматларни электрон шаклда (e-services) ахолига ва юридик

шахсларга «ягона ойна» орқали 24/7 шаклида тақдим этишга имкон беради.

3-босқич (иштирок).

Учинчи босқичда аҳоли ва фирмаларнинг сиёсатчилар ва амалдорлар билан интерактив ҳамкорлигини давлат сиёсатини ишлаб чиқишининг барча циклари давомида хукуматнинг барча сатхларида таъминлаш йўли билан жамиятнинг давлат бошқарувида қатнашиши таъминланади. У норматив ва қонуний актлар лойиҳалари муҳокама этиладиган ва турли таклифлар аккумуляция қилинадиган веб-форумлар ёрдамида амалга оширилади.

Ушбу босқичнинг тўлиқ ишга тушиши учун жамият ҳаёти иштирокчилари томонидан кўп нарсалар амалга оширилиши зарур.

Аввалги модел: ахборотлаштириш

Катта харажатлар – чекланган натижалар.

Биринчи авлод электрон ҳукумат (eGov 1G) = ахборотлаштириш

Давлат органларини компьютерлаштириш (саноат даври).

Замонавий модел: электрон ўзгартириш

Катта харажатлар – юқори натижалар.

Иккинчи авлод электрон ҳукумат (eGov 2G) = электрон ўзгартириш

Хукуматни АҚТдан фойдаланиб дикқат марказида фуқаролар манфаати бўлган интеграллашган ҳукуматга ўзгартириш.

Учинчи авлод электрон ҳукумат (eGov 3G) = очик ҳукумат

Хукуматни АҚТдан фойдаланиб аҳолининг кенг иштирокини таъминловчи, ҳисоботли ва фуқаролар та-

шаббусига биноан фаолият юритувчи очик ҳукуматга ўзгартириш.

Очик ҳукумат электрон ҳукуматни ўзгартирмайди, балки унинг устига қурилади.



Электрон ҳукумат стратегиясининг реализацияси учун умумий шартлар:

АКТ ва электрон ҳукуматни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишида сиёсий етакчилик муҳим роль йўнайди.

Электрон ҳукумат куйидагиларнинг мос ривожланиш даражаларини талаб қидади:

- АКТ инфратузилмаси;
- маъмурий-жамоатчилик бошқаруви ислоҳотлари;
- қонуний базалар (қонунчилик);
- инсон ресурслари.

Электрон ҳукумат стратегиясини куйидагича ифодалаш мумкин:

1. Электрон ҳукумат стратегиясини ишлаб чиқиш ечими қуидагилардан иборат:

– сиёсий ироди ва техник имкониятларнинг юқори даражаси;

– электрон ҳукумат стратегиясини амалга оширишда дадиллик.

2. Электрон ҳукумат стратегиясини ишлаб чиқиша тайёргарлик қуидагиларни ўз ичига олади:

– юқори ҳокимият органи томонидан миллий мақсадли гуружни шакллантириш;

– электрон ҳукумат стратегиясининг қарорлар қабул қилувчи шахслар билан ҳамкорлигидан мақсадларни аниқлаш;

– электрон ҳукумат дастлабки шартларини баҳолаш;

– электрон ҳукуматни жорий этишни ўлчаш учун назорат қилинувчи кўрсаткичларни идентификация ва спецификация қилиш;

– бошқа давлатларнинг электрон ҳукумат соҳасидаги тажрибалари ва илғор амалиётларини ўрганиш.

3. Электрон ҳукумат стратегияси (концепцияси) ва қуидаги компонентлари лойиҳасини ташкил этиш лозим:

– стратегик чегаралар;

– фаолият доираси ва имтиёзлар;

– электрон ҳукумат муаммолари;

– асосий манфаатдор томонлар орасида роль ва мажбуриятларни тақсимлаш;

– электрон ҳукуматни реализация қилиш учун (моделиявий) воситаларни баҳолаш;

– электрон ҳукумат стратегиясини мониторинг ва баҳолаш турлари.

4. Электрон ҳукумат стратегияси бўйича миллий диалог (консультация) ўтказиш:

- электрон ҳукумат стратегияси лойиҳасини муҳокама қилишда манфаатдор томонлар учун семинарлар ўтказиш;
- қарор қабул қилувчи муҳим шахслар билан кенгашлар ўтказиш;
- хусусий секторлар ва фуқаролар жамиятларининг фикрларини олиш учун семинарлар ўтказиш.

5. Электрон ҳукумат стратегияси лойиҳасини турли манфаатдор томонлар фикрлари ва улушларини ҳисобга олган ҳолда охирига етказиш.

6. Электрон ҳукумат стратегиясини қабул қилиш ва реализация қилиш.

Электрон ҳукумат стратегияси учун фаолият доираси ва имтиёзлар:

- ҳуқуқий ва қонуний тизимлар;
- давлат хизматларининг маъмурий ислоҳотлари;
- инфратузилма ва миллий АҚТ;
- контентни ишлаб чиқиш;
- иловаларни ишлаб чиқиш;
- потенциал ва кўникмаларни ривожлантириш;
- ахборот кампанияси (ОАВларда тарғибот);
- электрон ҳукумат хизматларига кира олиш ва бошқалар.

БМТ баҳолаши бўйича Э-Ҳукумат рейтинги

Мамлакат	Умумий	Онлайн хизматлар	Электрон ютиноши
Корея	1	1	1
Ўзбекистон	91	72	23

5.2. Ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи асосий норматив-хуқуқий ҳужжатлар

Бу соҳани ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасида қўйидаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган:

- Ўзбекистон Республикасининг 13 та қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарорлари ҳамда 1000 га яқин соҳага оид меъёрий ҳужжатлар.

Ўзбекистонда ахборотлаштириши соҳасида қўйидаги қонунлар ва қарорлар қабул қилинган:

- Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги 512-сонли Қонуни. 13.01.1992 й.
- Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги 1060-сонли Қонуни. 06.05.1994 й.
- Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги 400-сонли Қонуни. 24.04.1997 й.
- Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 541-сонли Қонуни. 26.12.1997 й.
- Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги 822-сонли Қонуни. 20.08.1999 й.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 200-сонли қарори. 06.06.2002 й.

- Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-сонли Қонуни. 11.12.2003 й.
- Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ракамли имзо тўғрисида»ги 562-сонли Қонуни. 11.12.2003 й.
- Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги 613-сонли Қонуни. 29.04.2004 й.
- Ўзбекистон Республикасининг «Электрон хужжат айланиши тўғрисида»ги 611-сонли Қонуни. 29.04.2004 й.
- Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги ЎРК-13 сонли Қонуни. 16.12.2005 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари:

- «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2042. 20.09.2013.
- «Ўзбекистон Республикаси миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1989. 27.06.2013.
- «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1942. 26.03.2013.
- «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4475. 16.10.2012.
- «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1730. 21.03.2012.
- «Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (2007 й.)

- «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» (2006 й.)
- «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида» (2005 й.)

• «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (2005 й.)

• «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» (2005 й.)

• «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» (2002 й.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари:

• «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги «Электрон хукумат» тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (2013 й.)

• «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг хукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2012 й.)

• «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакаси ва қўнгимларини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда уларни ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида» (2011 й.)

- «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби түғрисида» (2009 й.)
- «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида» (2007 й.)
- ««ZiyoNet» ахборот тармоғини янада ривожлантириш түғрисида» (2005 й.)
- «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари түғрисида» (2002 й.).
- «Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини ташкил этиш түғрисида» (2002 й.).

«Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари түғрисида» 2013 йил 16 сентябрда 250-сонли қарор қабул қилинди.

Ушбу қарорда:

- «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказининг асосий вазифалари ва ташкилий тузилмаси аниқланди.
- «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминоти тасдиқланган смета доирасида Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш фон-

ди, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ва ҳукуматта қарашли бўлмаган ташкилотларнинг беғараз техникавий кўмаги (грантлари), хўжалик фаолиятидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар ҳисобига амалга оширилиши белгиланди.

«Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 20 сентябрда ПП-2042-сонли қарор қабул қилинди. Ушбу қарор асосида:

- дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилар-нинг миллий реестри яратилмоқда;
- миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2017 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги соликлардан озод қилинган;
- миллий реестрга киритилган юридик шахслар
- дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ҳамда хизматларни интернет тармоғидаги онлайн дўконлар орқали экспорт шартномаси мавжуд бўлмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳукуқига эгадирлар.

Инфратузилма (Infrastructure) ҳақида маълумот:

- Инфратузилма электрон ҳукуматнинг энг шаффоф ҳамда моддий омили бўлиб хизмат қиласди. Электрон ҳукумат таъминоти маҳсус технологияларга асосланмаган.
- Электрон ҳукумат хизматининг самарали бўлиши фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг АКТ инфратузилмасидан фойдалана олиш имкониятига боғлиқдир.

Яъни телекоммуникацион воситалар, интернет провайдерлар ва ҳ.к.

Ижтимоий дастурлар (Outreach) түгрисида қисқача маълумот:

• Ижтимоий дастурлар электрон ҳукуматнинг энг етакчи омили саналади. Бу омилнинг талаби рўйхатдаги мавжуд фуқаролар ва компанияларнинг бошланғич АҚТ саводхонлигига эга бўлишидир.

Бу ижтимоий дастурлар:

- Онлайн хизмат.
- Электрон маслаҳат.

Бу эса фуқароларнинг электрон ҳукуматга ўз фикрларини эркин билдира олиши ва уни билдиришдаги тўсикларни олиб ташлашда қўмак беради.

Электрон ҳукумат фаолияти таълим, АҚТ адабиёти, аҳолининг доимий эҳтиёжлари ва талабларидан келиб чиқсан ҳолда юритилади.

UZINFOCOM маркази ҳақида қисқача маълумот:

Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази – UZINFOCOM Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига асосан 2002 йили ташкил этилган бўлиб, куйидагиларни бажаради:

- компьютерлаштиришни ривожлантириш;
- АҚТни иқтисодиётнинг барча тармоқлари, бошқарув ва ижтимоий соҳаларга жорий этиш;
- Ўзбекистон аҳолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш;
- бошқарув органлари ва бюджет ташкилотлари ҳамда хусусий бизнес вакилларини компьютерлаштириш;


- ахборот технологияларни жорий этиш бўйича кенг кўламли меъёрий ҳужжатлар ва стандартларни ишлаб чиқиши;
- АКТ соҳасидаги лойиҳаларни экспертизадан ўтказиши;
- мутахассисларни ўқитиши, қайта тайёрлаш ва бошқа кўплаб хизматлар.

5.3. Ўзбекистон Республикасининг «электрон ҳукумат» портали


Интернет тармоғида «электрон ҳукумат» портали Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий давлат ахборот ресурси ҳисобланади. Ушбу gov.uz портали UZINFOCOM маркази томонидан бошқарилади ва кузатилади. Унинг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- республика аҳолиси ҳамда халқаро жамоатчиликнинг Ўзбекистон ҳукумати фаолияти тўғрисида, республиканинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардорлигини таъминлаш;
- ташкилотларнинг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга кўмаклапшиш;
- ахборотларни айирбошлиш ва тарқатиш тезлиги даражаси, ташкилотларнинг хабардорлиги даражаси ўсиши ҳисобига ташкилотлар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини оширишга кўмаклашиш;
- ахборотларни идоралараро электрон айирбошлишни бирхиллаштириш.

Ягона интерактив давлат порталига кириш кетмәк



Ягона интерактив давлат порталига исталган браузер орқали (масалан, Google Chrome, Yandex ва х.к.) киришингиз мумкин. Бунинг учун қидирув қаторига кириб <https://www.my.gov.uz> доменини териш керак бўлади.




Биринчи очилган «Barcha xizmatlar» слайди куйидаги бўлимлардан иборат: Fuqarolik, Arxiv, Bojxona, Elektron to‘lovlar, Aloqa va axborot texnologiyalari, Bank va moliya xizmati, Elchixona xizmati, Huquqiy ma’lumotlar ва Ommabop xizmatlar.

Аризалар бериш учун ёки қабулхоналарга ёзилиш учун албатта рўйхатдан ўтишингиз зарур. Бир неча кунлар кетадиган ишларни бир неча соат ичida ҳал қиласиз. Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг биринчи бети очилади. Ушбу слайднинг энг юқори қисмида «O‘zbekcha», «Русский», «English» ҳамда «Yordam», «Kirish», «Ro‘yxatdan o‘tish» сўзларига қараб исталган бандга киришингиз мумкин.

«Barcha xizmatlar», «Barcha tashkilotlar», «Qisqa raqamlar», «Tadbirkorlik», «NHH muhokamasi», «Kommunal to‘lovlar» бандларига кириш учун компьютер сичқончасининг курсорини олиб келиб икки марта боссангиз ушбу сайт маълумотларига эга бўласиз.

Ягона интерактив давлат порталига кириш, яъни «электрон ҳукумат» ёрдамида тегишли ташкилотга таклиф ёки ариза бериш учун, биринчи навбатда, рўйхатдан ўтиш керак. Бунинг учун «Рўйхатдан ўтиш» тутмасини босамиз.




Босганимизда куйидаги қўринишда ойна очилади. Бу ерда рўйхатдан ўтиш учун 4 хил вариант таклиф қилинади:

1. SMS ёрдамида тасдиқлаш, сизнинг телефонингизга рўйхатдан ўтишингиз учун «код» юбилиади.
 2. ID.UZ – ягона идентификация тизими ёрдамида рўйхатдан ўтиш.
 3. Электрон рақамли имзо ёрдамида ўтиш.

UzCard ёрдамида рўйхатдан ўтиш.


Биз сизлар билан рўйхатдан ўтиш учун UzCard ёрдамида тасдиқлаш тугмасини босамиз. Компьютер экраннда куйидаги интерактив ойна (дөрэза) очилади. Бу ерда пластик карта рақами, пластик картанинг амал қилиш муддати, мобиль телефон рақамимиз киритилгандан сўнг «Тасдиқлаш кодини олиш» тугмасини босамиз.

ва телефонимизга SMS орқали «Тасдиқлаш коди» келади. (*Эслатма! Телефон рақами сизнинг номингизда рўйхатдан ўтган бўлиши керак!*) Расмда кўрсатилган жойга «Тасдиқлаш коди» киритилгач, «Кейинги қадам» тугмаси активация бўлади ва тўқ кўк рангта киради.



Шунда сўнг «Кейинги қадам» тугмасини босамиз. Иккинчи қадамни амалга оширгач ягона интерактив порталга кириш учун **логин** ва **паролга** эга бўласиз.

Таклиф ва ариза бериш учун:



1. «Кириш» тутмасини босамиз.

Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali

Portaldagi login orqali UZ Card yordamida

Логин киритиш жойи

Пароль киритиш жойи

Пароль киритиш жойи - шарттында олардың таңбасынан, азында же логин менен кабыл атталады

Агер да көрсөткіштегі мәселелерде, пароль таңбасының көзбеттегі мәселе де бекітілгенде жоғарыдағы таңбада жоғарыдағы таңба дайындауда болады.

Регистрация Пароль сменка

2. Шунда логин ва паролни киритиш ойнаси очилади. У ерга логинимиз ва паролимизни киритиб «Кириш» тұгмасини босамиз.

Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali

Хабарнома

Ердам хизматтар

Тәнланған хизматлар

Шаҳсий кабинеттингиз

Чиқиши туғмаси

3. Олдинги асосий ойнадан фарқли ойна тәпасида «Ёрдамчи» тұгмаси – сизга маълумот берувчи, кабинеттингиз ва сиз фойдаланған хизматлар бүйича маълумоттар тұгмаси туради.

«Электрон ҳукумат» лойиҳаларини амалга ошириш механизмлари:

«Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш марказининг вазифаси қуидагилардан иборат:

- «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш бўйича стратегик йўналиш ишлаб чиқиш;
- тадбиркорлик субъектлари ва ахолига давлат хизматларини кўрсатиш қисмида давлат ташкилотларининг бизнес жараёнларини такомиллаштириш;
- ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва татбиқ этишнинг тизимли мониторинги ни юритиш.

«Электрон ҳукумат»нинг 2020 йилгача бўлган асосий лойиҳалари

Миллий маълумотлар базаси (жисмоний шахслар, тадбиркорлик, транспорт, юридик шахслар, геоинформациян тизим, манзилларнинг ягона реестри).

«Электрон ҳукумат» тизимининг ташкилотлараро интеграцион тизимини яратиши (тарқоқ ахборот ресурслар (маълумотлар базаси) ва давлат ташкилотларининг ахборот тизимларини бирлаштириш).

Интерактив давлат хизматларининг ягона портали ривожланиши (такдим этилаётган хизматлар сонини ошириш ва давлат хизматларини такдим этувчи жорий тизимни оптималлаштириш).

Турли соҳалар бўйича ахборот тизимлари маъжмуини яратиши (харид, солиқ, божхона, лицензия, бюджет, таълим, коммунал, адлия, давлат бошқаруви, нафақа).

«Электрон ҳукумат»нинг асосий тадбирлари

«Электрон ҳукумат» ўкув марказини ташкил этиши (давлат хизматчилари, шунингдек, аҳолининг кенг қатламлари ва тадбиркорлик субъектларининг узлуксиз таълимини ташкил этиш).

«Электрон ҳукумат» ҳақида Ўзбекистон Республикаси қонунларини ишлаб чиқиши (инфраструктура, ахборот тизимлари мажмуи интеграцияси ва давлат ташкилотларининг маълумотлар базаси талабарини аниқлаш).

«Электрон ҳукумат»ни қўллаб-куvvatловчи маҳаллий марказларни ташкил этиши (электрон ҳукумат хизматларини аҳолига тақдим этиш шарт-шароитларини яратиш).

Интерактив давлат хизматлари ягона портали 2013 йил 1 июлда ишга туширилган. Фуқаролар мурожаатларини қабул қилувчи, қайта ишловчи ва мониторинг қилувчи марказлашган тизим. Унда 50 дан ортиқ давлат хизматлари мавжуд.

Порталга барча давлат органлари, туман ва шаҳар ҳокимиятлари боғланган.

2013 йил 1 июлдан ахборот берувчи **Call-center ягона портали** хизмати ишга тушган. Ушбу хизмат ёрдамида қўйидаги маълумотларга эга бўлиш мумкин:

- фойдаланувчи сайтларда келтирилган маълумотларга кун давомида эга бўлиш;
- мурожаатлар статуси ҳақида маълумотлар олиш;
- ягона портал давлат органлари фаолияти, хизматлари ва сервислари ҳақида маълумотлар олиш ва ҳ.к.

Интерактив давлат хизматларининг ягона портали орқали режсалаштирилган хизмат ва сервислар:

- давлат ташкилоти раҳбари қабулига ёзилиш;

- пуллик хизматларни тақдим этиш (ЖКХ, алоқа хизматлари ҳисоби бүйича түловлар, ЙХҚни бузища олинган жарима ва х.к.);
- тижорат фаолияти регистрацияси;
- мулк ва улар устидаги битимлар регистрацияси;
- болаларни боғча рўйхатига ўтказиш;
- турар жойидан рўйхатдан ўтиш ва бошқалар.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги 50 дан ортиқ хизматлар:

- обунага онлайн расмийлаштириш;
- ахборот ресурсига техёрдамга ариза бериш;
- ЭРИ олиш;
- РИБМ кутубхонасига ёзилиш учун онлайн регистрациядан ўтиш;
- радиочастота ажратишга аризани қабул қилиш;
- Е-Hujjat ўрнатишга ариза қабул қилиш, Е-Xat ҳимояланган электрон почтасига уланиш ва х.к.

Электрон тўловларни татбиқ этиш

The screenshot shows a web interface for a service card payment. On the left, there's a sidebar with navigation links like 'Новости', 'Портал', 'Нормативные документы', 'Документы', 'Справка', 'Формы', 'Код налога', 'Дата выписки', 'Идентификатор учреждения', and 'Примечание'. The main form area has fields for 'Номер карты' (Card number), 'Срок действия' (Expiration date), 'Сумма' (Amount), and 'Получатель платежа' (Payee). There are also sections for 'Серийный номер динамического пароля' (Dynamic password serial number), 'Динамический пароль' (Dynamic password), and 'Первый пользователь' (First user). A large 'Оплатить' (Pay) button is at the bottom right.

Тўлов хизматлари:

- Телефон ва интернет
- Мобил алоқа
- Телевидение
- Интернет сервислар
- Бошқа хизмат тўловлари

UNICON.UZ марказининг асосий фаолияти тўғрисида қисқача маълумот:

- тармоқни ривожлантиришнинг илмий асосланган сиёсатини ўтказиш;
- алоқа соҳасининг норматив-хуқуқий базасини яратиш;
- техникавий ускуналарнинг телекоммуникация тармоқларида қўлланилишини стандартлаштириш;
- метрология, сертификатлаштириш каби йўналишларни ривожлантириш;
- янги техника ва технологияларнинг жорий этилишини илмий-техник қўллаб-кувватлаш ва ҳ.к.

1992 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан алоқа соҳасидаги илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди.

Марказнинг асосий вазифалари:

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг замонавий норматив-хуқуқий базасини яратиш;
- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш;
- янги технологияларни жорий этиш.

Калит ва электрон рақамли имзо

Электрон рақамили имзо – электрон ҳужжатга биритирилган ва мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда маҳсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имконини берадиган имзо.

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити – электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.


Электрон рақамли имзонинг очиқ калити – электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш – электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилиги ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилгандаги ижобий натижа.

ЭРИ калитларни рўйхатга олиш марказлари сони

Ҳозирги кунда жуда кўп кичик корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар ташкил бўлаётганлиги сабабли электрон рақамли имзолар олиш сони ҳам йил сайин тез кўпайиб бормоқда.

ЭРИ калитларни рўйхатга олиш маркази



ЭРИ рўйхатга олиш маркази

Рўйхатга олиш маркази маҳсус ваколатли органда давлат рўйхатидан ўтган ва ушбу қонунда назарда тутилган вазифаларни бажараётган юридик шахсdir.

Рўйхатга олиши маркази:

- электрон рақамли имзоларнинг ёпиқ ва очиқ калитларини яратади;
- электрон рақамли имзо ёпиқ калити муҳофаза қилинишини таъминлайди;
- электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг реестрини юритади, унинг ўз вақтида янгиланишини ҳамда ундан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдалана олишини таъминлайди;
- юридик ва жисмоний шахсларга электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини электрон хужжат шаклида ва қоғоз шаклида беради;
- электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг амал қилишини тўхтатиб туради ва қайта тиклайди, шунингдек, уларни бекор қиласди;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатига биноан электрон хужжатлардаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди;
- электрон рақамли имзоли қоғоздаги электрон хужжатларнинг кўчирма нусхаларини тасдиқлайди.

Электрон хужжат

Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида инсон учун қулай шаклда сақланадиган, узатиладиган ва тақдим этиладиган ва уни таниб олишга имкон берадиган реквизитларга эга электрон воситалардаги ахборот **электрон хужжатидир**.

Электрон хужжат техника воситаларидан ва ахборот-коммуникация тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинади, ишлов берилади ва сақланади.

Электрон хужжатнинг реквизитлари қуидагилардан иборат:

- электрон рақамли имзо;
- жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- жўнатувчининг поча ва электрон манзили;
- хужжат яратилган сана.

Ташкилотлааро электрон хужжат алмашинуви

Ягона электрон хужжат алмашинуви ва ҳимояланган электрон почтага қуидагилар боғланган:

- 127 давлат органлари ва хўжалик бошқармалари;
- вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари.



hujjat

Система
электронного
дорогово-транспортного
бизнеса

ЛОГИН:

ПАРОЛЬ:

ФАЙЛ Е-КАЛИТ

ВХОД

ВВОД КЛЮЧА

Электрон хужжат алмашинуви тизими

Электрон хужжат алмашии тизимлари электрон хужжатларни ахборот-коммуникация воситалари орқали жўнатиш ва қабул қилиш жараёнлари йифинди-си ҳисобланади.

Хужжатларни рўйхатдан
ўтказиш

Бошқариш

Қарор қабул қилишда
бошқариш

Ҳисоботлар

Электрон хужжат
алмашинуви тизими

Тасдиқлаш жараёнида
хужжатларни бошқариш

Хужжатларни қидириш

Хужжатларни айланиш
маршрутини аннеклаш

Кўрсатмалар бериш

Электрон ҳужжат айланишидан битимлар (шу жумладан, шартномалар) тузиш, ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда босқа ахборотларни алмашишда фойдаланиш мумкин.

Қутлабёттав ватижалар



Ўзбекистонда давлат ташкилотларининг устувор вазифалари қўйидагилардан иборат:

Ривожланиш истиқболлари:

- лойиҳа ва тадбирларни амалга ошириш;
- давлат хизматларини ишлаб чиқиш;
- соҳа бўйича функционал ва операцион жараёнларни системали қайта ташкил этиш бўйича амалий иловаларни яратиш;
- давлат хизматларини кўрсатишни тартибга соловчи амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва

хукуқий нормалар бўйича маълум бир иловаларни тайёрлаш.

Хукумат домени бўйича дастурий маҳсулотлар лойиҳасини бошқариш:

Хукуматнинг дастурий таъминот лойиҳаси бўйича стандарт жараёнли фреймворк:

- ҳаёт циклининг дастлабки жараёни;
- ҳаёт циклининг таъминот жараёни;
- ҳаёт циклининг ташкилий жараёни.

Ҳаёт циклининг жараёнлари яна қуидаги қисмлардан иборат:

Ҳаёт циклининг дастлабки жараёни:

- таъминот жараёни;
- ишлаб чиқиш жараёни;
- фойдаланиш жараёни;
- техник хизмат кўрсатиш жараёни;
- ахборот стратегиясини режалаштириш жараёни.

Ҳаёт циклининг таъминот жараёни:

- ҳужжатлаш жараёни;
- конфигурацияни бошқариш жараёни;
- сифат кафолати жараёни;
- текшириш жараёни;
- тасдиқлаш жараёни;
- биргаликда кўриб чиқиш жараёни;
- аудит жараёни;
- муаммоларни ечиш жараёни.

VI. АХБОРОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

6.1. Ахборотларни ҳимоялаш муаммолари

Ҳозирги кунда ривожланган давлатларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига жуда катта эътибор берилмоқда. Бунинг асосий сабаби кун сайин интернет тармоғига уланаётгандарнинг сони ошиб бораётгандиги, ҳар хил тазийклар асосида хавф-хатарлар келиб чиқаётгандиги, хакерларнинг келтираётган заарларидир. Шунинг учун ахборотларни ҳимоялаш жуда долзарб масала.

Айни кунда миллӣ ахборот ресурслари ҳар бир давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятини қўрсатувчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу ресурсдан самарали фойдаланиш мамлакат хавфсизлигини ва демократик ахборотлашган жамиятни муваффакиятли шаклантиришни таъминлайди. Бундай жамиятда ахборот алмашуви тезлиги юксалади, ахборотларни йифиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш бўйича илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш кенгаяди.

Турли хилдаги ахборотлар, ҳудудий жойлашишидан қатъи назар, бизнинг кундалик ҳаётимизга интернет ҳалқаро компьютер тармоғи орқали кириб келади. Ахборотлашган жамият шу компьютер тармоғи орқали тезлик билан шаклланмоқда. Ахборотлар дунёсига саёҳат қилишда давлат чегаралари деган тушунча йўқолиб бормоқда. Жаҳон компьютер тармоғи давлат бошқарувини тубдан ўзгартирумокда, яъни давлат ахборотларнинг тарқалиши механизмини бошқаролмай қолмоқда. Шунинг учун мавжуд ахборотларга ноқонуний кириш, улардан фойдаланиш ва йўқотиш каби муаммо-

лар долзарб бўлиб қолди. Буларнинг бари шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлиги даражаси пасайишига олиб келмоқда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси миллий хавфсизликни таъминлашнинг ажралмас қисми бўлиб, ахборот ҳимояси давлатнинг устувор вазифасига айланмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг оммавий равишда автоматлаштирилган асосда бошқарилиши сабабли ахборот хавфсизлигини таъминлаш мураккаблашиб бормоқда. Шу боис автоматлаштирилган ахборот тизимларида ахборотни ҳимоялашнинг янги замонавий технологиялари пайдо бўлмоқда.

Ахборот ҳажми кичик бўлган автотранспорт ташкилотларида ахборотларни ҳимоялашда оддий усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ ва самарали бўлади. Масалан, ўқиладиган қимматбаҳо қоғозларни ва электрон ҳужжатларни алоҳида гурухларга ажратиш ва никоблаш, ушбу ҳужжатлар билан ишлайдиган ходими тайинлаш ва ўргатиш, бинони қўриқлашни ташкил этиш, хизматчиларга қимматли ахборотларни тарқатмаслик мажбуриятини юклаш, ташқаридан келувчиilar устидан назорат килиш, компьютерни ҳимоялашнинг энг оддий усулларини қўллаш ва ҳ.к. Одатда, ҳимоялашнинг энг оддий усулларини қўллаш яхши самара беради.

Мураккаб гаркибли, ахборот ҳажми катта бўлган автотранспорт ташкилотларида ахборотни ҳимоялашнинг мажмуали тизими ташкил қилинади. Лекин ҳимоялану усуллари хизматчиларнинг ишига ҳаддан ташқари халяқит бермаслиги керак.

Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Тошкент шаҳрида маҳсус ахборот хавфсизли-

гини таъминлаш маркази ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифаси ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хавфсизлигига таҳдидларни таҳлил қилиш ва тавсифини бериш, «электрон ҳукумат» тизими ахборот хавфсизлигини такомиллаштириш бўйича қарорларни ишлаб чиқишдан иборатdir.

Замонавий компьютер тизимларининг яратилиши ва глобал ахборот тармокларининг пайдо бўлиши ахборотни ҳимоя қилиш муаммосини келтириб чиқарди. Ҳар бир маълумот, хабар ёки ахборот ўз қийматига эга бўла бошлади. Яъни ўз вақтида етказиб берилмаган ёки хато қабул қилинган ҳар қандай маълумот қабул қилувчи ёки бошқарув тизимининг нотўғри қарор чиқаришига олиб келади. Буларни тўғрилаш эса катта молиявий харажатларга сабаб бўлиши мумкин. Кенг компьютерлаштирилган ва ахборотлаштирилган замонавий жамиятда реал қадриятларга эга бўлиш, уларни бошқариш, узатиш ва уларга мурожаат қилиш кўпинча номоддий ахборотларга асосланган. Шунга ўхшаш, баъзида юқори ахамиятга эга бўлган маҳфий ахборотни ишлатишга, ўзгартиришга, нусха кўчиришга жисмоний ва юридик шахсларнинг ваколатлари аниқланади. Шу боис ахборотнинг маҳфийлиги ва бутунлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган барча керакли функцияларни амалга ошириш учун самарали воситаларни яратиш ва ишлатиш жуда муҳимdir.

Ахборот жуда муҳим бўлганлиги сабабли уни сақлайдиган, қайта ишлайдиган ёки узатадиган компьютер тизимларига нисбатан турли-туман ёмон ниятли ҳаракатлар қилиниши мумкин. Масалан, бузғунчи ўзини бошқа фойдаланувчи қилиб кўрсатишга интилиши, алоқа каналини билдирамасдан эшлитиб олиши ёки тизим фой-

даланувчилари алмашаётган ахборотни ушлаб қолиши ва ўзгартириши мумкин. Замонавий компьютер тизимлари ва тармоқлари, интернет ёмон ниятли одамларга муҳим маҳфий ахборотни ўғирлаш, бузиш ёки халақит бериш мақсадида корхоналар ва ташкилотларнинг ички тармоқларига бостириб кириш учун катта имкониятлар беради. Шу сабабли ҳозирда инсонларнинг ва жамиятнинг ахборот хавфсизлигини ва ахборотни ҳимоя қилишни таъминлаш муаммосини комплекс ечиш долзарб масала бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтказилаётган тадқиқотларга қарамай, ахборот хавфсизлиги яхлит тизимини яратишнинг умумлашган назарияси ва амалий концепцияси (йўналиши) ҳанузгача йўқ. Шунинг учун маҳфий ахборот билан ишлайдиган шахслар ахборот хавфсизлигини таъминлашда етарлича тайёргарликка ва билимга эга бўлишлари керак.

АКТда ахборотлар алмашинуви даражаси ошиб бораётганлиги, маълумотларнинг хилма-хиллиги, уларни телекоммуникация тармоқлари орқали узатиш тезлиги жуда юқори эканлиги шароитида турли операцион тизимлар билан ишлайдиган компьютерларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўпгина воситалар ва усувлар ишлаб чиқилган. Ушбу воситалар ёрдамида ахборот хавфсизлигини таъминлаш фаннинг асосини ташкил этади.

Фанни ўрганиш давомида малака оширувчилар, талабалар АКТда ахборотлар ҳимоясининг бузилиши, ҳимоя механизми ва асосий ҳимоялаш воситалари, хавф-хатар турлари, компьютер тармоқларидағи ҳужумлар, ахборотларни ҳимоялаш воситаларининг асосий турларидан ташкилий, техникавий, дастурний, жисмо-

ний, ҳукуқий, криптографик ва алоқа каналларида ахборотларни ҳимоялаш, экранлаш технологиялари, шахсий виртуал тармоқлар технологияси, ҳимоялаш таҳлил технологиялари, бузувчилар таъсирини аниқловчи технологиилар, телекоммуникация тизимларида ҳимоялаш моделлари, электрон рақамли имзо, электрон ҳукumat ва ҳозирги замонавий интеллектуал техникавий воситаларни ўрганадилар.

АКТда хавфсизлик моделларини, яъни Белла Ла Падула, Деннинг, Ландвер моделлари ва уларнинг қўлланилишини, уларни бузиш эҳтимолий моделини, электрон рақамли имзо, криптологиянинг қўлланилиш усусларини, электрон хужжат алмашинуvida ахборотларни ҳимоялаш ва VPN компьютер тармоқларини яратишни яхши ўрганиб оладилар.

Ахборот қадим замонлардан муҳим бўлиб келган. Шунинг учун ҳам қадимда ахборотни ҳимоялаш учун турли хил усуслар қўлланилган. Улардан бири сирли ёзувдир. Ундаги хабарни хабар юборилган манзил эгасидан бошқа шахс ўқий олмаган. Асрлар давомида бу санъат – сирли ёзув жамиятнинг юқори табақалари, давлатнинг элчиҳоналари ва разведка миссияларидан ташқарига чиқмаган.

Фақат бир неча ўн йил олдин ҳамма нарса тубдан ўзгарди, яъни ахборот кенг тарқаладиган маҳсулотга айланди. Уни эндиликда ишлаб чиқарадилар, сақлайдилар, узатадилар, сотадилар ва сотиб оладилар. Бундан ташқари, уни ўғирлайдилар, бузиб талқин этадилар ва сохталаштирадилар ҳам.

Шундай қилиб, ахборотни ҳимоялаш зарурати туғилди. Ахборотни қайта ишлаш саноатининг пайдо бўлиши ахборотни ҳимоялаш саноатининг пайдо бўлишига олиб

келди. Автоматлаштирилган ахборот тизимларида ахбортлар ўзининг ҳаётий даврига эга бўлади. Бу давр уни яратиш, ундан фойдаланиш ва керак бўлмаганда йўқотишидан иборатдир. Ахборотлар ҳаётий даврининг ҳар бир босқичида уларнинг ҳимояланганлик даражаси турлича баҳоланади. Махфий ва қимматбаҳо ахборотларга рухсатсиз киришдан ҳимоялаш энг муҳим вазифалардан бири саналади. Компьютер эгалари ва фойдаланувчиларнинг мулкий ҳукукларини ҳимоялаш ишлаб чиқарилаётган ахборотларни жиддий иқтисодий ва бошқа моддий ҳамда номоддий заарлар келтириши мумкин бўлган турли киришлар ва ўғирлашлардан асраршдир. Ахборот хавфсизлиги деб маълумотларни йўқотиш ва ўзгартиришга йўналтирилган табиий ёки сунъий хоссали тасодифий ва қасдан қилинган таъсирлардан ахборотнинг ҳимояланганлигига айтилади. Илгариги хавф фақатгина конфиденциал (махфий) хабарлар ва ҳужжатларни ўғирлаш ёки нусха олишдан иборат бўлса, ҳозирги пайтдаги хавф компьютер маълумотлари тўплами, электрон маълумотлардан уларнинг эгасидан рухсат сўрамасдан фойдаланишдир. Қолаверса, бу ҳаракатлардан моддий фойда кўришга интилиш ҳам ривожланди.

Ахборотнинг ҳимояси деб бошқариш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ахборот хавфсизлигини таъминловчи ва ташкилот ахборот захираларининг яхлитлиги, ишончлилиги, фойдаланиш осонлиги ва махфийлигини таъминловчи қатъий регламентланган динамик технологик жараёнга айтилади. Ахборотнинг эгасига, фойдаланувчисига ва бошқа шахсга зарар етказмоқчи бўлган ғайриқонуний муомаладан ҳар қандай ҳужжатлаштирилган ахборот ҳимояланиши керак. Аммо жамиятни автоматлаштиришнинг юқори даражасига интилиш

уни фойдаланиладиган информацион технологияларнинг хавфсизлик даражасига боғлиқ қилиб қўяди. Ҳақиқатан, компьютер системаларининг кенг қўламда ишлатилиши доимо ўсиб борувчи ахборотлар ҳажмини, ишлаш жараёнларини автоматлаштиришга имкон берса-да, бу жараёнларни агрессив таъсирларга нисбатан ожиз қилиб қўяди, демак, ахборот технологиялардан фойдаланувчилар олдида янги муаммо – ахборотларнинг хавфсизлиги муаммоси кўндаланг бўлиб қолди.

Ахборот хавфсизлиги нуктаи назаридан ахборотни куйидагича туркумлаш мумкин:

- махфийлик – аниқ бир ахборотга фақат тегишли шахсларгина кириши мумкинлиги, яъни фойдаланилиши қонуний ҳужжатларга мувофиқ сақлаб қўйилиб, ҳужжатлаштирилганлиги кафолати. Бу банднинг бузилиши ўғирлик ёки ахборотни ошкор қилиш дейилади;
- конфиденциаллик – ишончлилиги, тарқатилиши мумкин эмаслиги, махфийлиги кафолати;
- яхлитлик – ахборот бошланғич кўринишда эканлиги, яъни уни сақлаш ва узатишда рухсат этилмаган ўзгаришлар қилинмаганлиги кафолати; бу банднинг бузилиши ахборотни сохталаштириш дейилади;
- аутентификация – ахборот захираси эгаси деб эълон қилинган шахс ҳақиқатан ҳам ахборотнинг эгаси эканлигига бериладиган кафолат; бу банднинг бузилиши хабар муаллифини сохталаштириш дейилади;
- апелляция қилишлик – етарлича мураккаб катерия, лекин электрон бизнесда кенг қўлланилади. Керак бўлганда хабарнинг муаллифи кимлигини исботлаш мумкинлиги кафолати.

Юқоридагидек, ахборот тизимига нисбатан куйидагича таснифни келтириш мумкин:

- ишончлилик – тизим меъёрий ва ғайритабиий ҳолларда режалаштирилганидек ўзини тутиши кафолати;
- аниқлилик – ҳамма буйруқларни аниқ ва тўлиқ бажариши кафолати;
- тизимга киришни назорат қилиш – турли шахс гурухларининг ахборот манбаларига ҳар хил кириш ҳукуқига эгалиги ва бундай киришга чеклашлар доим бажарилиши кафолати;
- назорат қилиниши – исталган пайтда дастур мажмуасининг хоҳлаган қисмини тўлиқ текшириш мумкинлиги кафолати;
- идентификациялашни назорат қилиш – ҳозир тизимга уланган мижоз ўзини ким деб атаган бўлса, аниқ ўша эканлигининг кафолати;
- қасдан бузилишларга тўсқинлик – олдиндан келишилган меъёрлар чегарасида қасдан хато киритилган маълумотларга нисбатан тизимнинг олдиндан келишилган ҳолда ўзини тутиши.

Ахборотни ҳўмоялашнинг мақсадлари куйидагилардан иборат:

- ахборотнинг келишувсиз чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, ўзгартирилиши, сохталаштирилишининг олдини олиш;
- шахс, жамият, давлат хавфсизлилигига бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш;
- ахборотни йўқ қилиш, ўзгартириш, сохталаштириш, нусха кўчириш, тўсиқ қўйиш бўйича рухсат этилмаган ҳаракатларнинг олдини олиш;
- хужжатлаштирилган ахборотнинг миқдори сифатида ҳукукий тартибини таъминловчи, ахборот захираси ва ахборот тизимига ҳар қандай ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш;

- ахборот тизимида мавжуд бўлган шахсий маълумотларнинг махфийлигини ва конфиденциаллигини сақловчи фуқароларнинг конституцион хукуқларини ҳимоялаш;
- давлат сирини, қонунчиликка хос ҳужжатлаштирилган ахборотнинг конфиденциаллигини сақлаш;
- ахборот тизимлари, технологиялари ва уларни таъминловчи воситаларни яратиш, ишлаб чиқиш ва қўллашда субъектларнинг хукуқларини таъминлаш.

6.2. Компьютер тизими ва телекоммуникация тармоқларида ахборотларни ҳимоялаш зарурати

Бугун автоматлаштирилган ахборот тизимларида ахборотни ҳимоялашнинг янги замонавий технологиялари пайдо бўлмоқда. DataQuest компанияси маълумотига кўра, 1996 – 2000 йилларда ахборот ҳимояси воситаларининг сотувдаги ҳажми 13 млрд АҚШ долларига тенг бўлган.

Ахборотнинг заиф томонларини камайтирувчи, ахборотга рухсатсиз киришга, унинг чиқиб кетишига ва йўқолишига тўсқинлик қилувчи ташкилий, техник, дастурий, технологик ва бошқа восита, усул, чоралар комплекси ахборотни ҳимоялаш тизими дейилади.

Ахборот эгалари ҳамда ваколатли давлат органлари ахборотнинг қиммати, унинг йўқотилишидан келадиган зарар ва ҳимоялаш механизмининг нархидан келиб чиқсан ҳолда ахборотни ҳимоялашнинг зарурий даражаси ҳамда тизимнинг турини, ҳимоялаш усуллари ва воситаларини аниқлашлари зарур. Ахборотнинг қиммати ва талаб қилинадиган ҳимоянинг ишончлилиги бир-бири билан бевосита боғлиқ. Ҳимоялаш тизими узлуксиз, режали, марказлаштирилган, мақсадли, аник,

ишончли, комплексли, осон мукаммаллаштириладиган ва кўриниши тез ўзгартириладиган бўлиши керак. У барча экстремал шароитларда самарали бўлиши зарур.

Ҳимоя тизимининг комплекслилигига унда ҳукукий, ташкилий, муҳандис-техник ва дастурий-математик элементларнинг мавжудлиги билан эришилади. Элементлар нисбати ва уларнинг мазмунни ташкилотларнинг ахборотни ҳимоялаш тизимининг ўзига хослигини ва унинг такрорланмаслигини ҳамда бузиш қийинлигини таъминлайди. Аниқ тизимни кўп турли элементлардан иборат деб тасаввур қилиш мумкин. Тизим элементларининг мазмунни нафақат унинг ўзига хослигини, балки ахборотнинг ва тизимнинг қийматини ҳисобга олган ҳолда белгиланган ҳимоя даражасини аниқлайди. Ахборотни ҳукукий ҳимоялаш элементи деганда ҳимоялаш чораларининг ҳақли қонунга асослаши, ташкилот ва давлатларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаши ҳамда персоналнинг ташкилот қимматли ахборотини ҳимоялаш тартибига риоя этиши ва ушбу тартибнинг бузилиши учун жавобгарлиги тасаввур қилинади.

Ахборотларни ташкилий ҳимоялаш элементлари

Ҳимоялаш технологияси ташкилотнинг қимматли ахборотларини ҳимоялаш қоидаларига риоя қилишга ундовчи бошқариш ва чеклаш характеристига эга чора-тадбирларни ўз ичига олади. Ташкилий ҳимоялаш элементи бошқа барча элементларни ягона тизимга боғловчи омил ҳисобланади. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, ахборотларни ҳимоялаш тизимлари таркибida ташкилий ҳимоялаш 50 – 60% ни ташкил қиласди. Бу ҳол кўп омилларга боғлик, жумладан, ахборотларни

ташкилий ҳимоялашнинг асосий жиҳати амалда ҳимоялашнинг принципи ва усууларини бажарувчи персонални танлаш, жойлаштириш ва ўргатиш ҳисобланади. Ахборотларни ҳимоялашнинг ташкилий чора-тадбирлари ташкилот хавфсизлиги хизматининг меъёрий-услубий хужжатларида ўз аксини топади. Шу муносабат билан қўп ҳолларда юқорида кўрилган тизим элементларининг ягона номи – ахборотни ташкилий-ҳукуқий ҳимоялаш элементини ишлатадилар.

Ахборотларни муҳандис-техник ҳимоялаш элементи техник воситалар комплекси ёрдамида ҳудуд, бино ва қурилмаларни қўриқлашни ташкил этиш ҳамда техник текшириш воситаларига қарши суст ва фаол кураш учун мўлжалланган. Техник ҳимоялаш воситаларининг нархи баланд бўлса-да, ахборот тизимини ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга. Ахборотни ҳимоялашнинг дастурий-математик элементи компьютер, локал тармоқ ва турли ахборот тизимларида қайта ишланадиган ва сақланадиган қимматли ахборотларни ҳимоялаш учун мўлжалланган.

Шунинг учун АКТда ахборотни ҳимоялашдан мақсад:

1. Ахборотларни узатишда хавфсизликни таъминлашга қўйиладиган талабларни бевосита куйидаги атамалардан аниқлаш мумкин: конфиденциаллик, аутентификация, яхлитликни саклаш, ёлғоннинг мумкин эмаслиги, фойдаланувчанлик, фойдаланувчанликни бошқариш.

2. Кўп ҳолларда яратувчи эътиборидан четда қолган ҳимоя системасининг камчиликларини аниқлаш мақсадида муаммога қарши томоннинг нуқтаи назаридан қараш лозим. Бошқача айтганда, ҳимоянинг у ёки бу механизми ёхуд алгоритмини яратишда мумкин бўлган қарши чораларни ҳам кўриш зарур.

3. Ҳимоя воситаларидан барча қарши чоралар ма-
жмуасини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш лозим.

4. Хавфсизликни таъминлаш чоралари системаси яратилганидан сўнг бу чораларни қачон ва қаерда қўл-
лаш масаласини ечиш керак. Бу физикавий жой (маъ-
лум ҳимоя воситасини қўллаш учун тармоқ нуқтаси-
ни танлаш) ёки хавфсизликни таъминловчи мантиқий
занжирдаги жой (масалан, ахборот узатувчи протокол
сатҳи ёки сатҳларини танлаш) бўлиши мумкин.

5. Ҳимоя воситалари, одатда, маълум алгоритм ва
протоколдан фарқланади. Уларга биноан, барча ҳимоя-
дан манфаатдор ахборотнинг қандайдир қисми маҳфий
бўлиб қолиши шарт (масалан, шифр қалити кўриниши-
да). Бу эса, ўз навбатида, бундай маҳфий информацияни
яратиш, тақсимлаш ва ҳимоялаш методларини ишлаб
чиқиш заруратини туғдиради.

Маълумки, интернет тармоқлараро информация ал-
машинувини таъминловчи магистралdir. Унинг ёрда-
мида дунё ахборотлар манбаига кириш, қисқа вақт ичи-
да кўплаб маълумотлар йиғиш, ишлаб чиқаришни ва
унинг техник воситаларини масофадан туриб бошқариш
мумкин. Шу билан бирга, интернетнинг ушбу имкони-
ятларидан фойдаланиб тармоқдаги бегона компью-
терларни бошқариш, уларнинг маълумотлар базасига
кириш, нусха кўчириш, ғаразли мақсадда турли хил
вируслар тарқатиш каби ноқонуний ишларни амал-
га ошириш мумкин. Интернетда мавжуд бўлган ушбу
хавф, информацион хавфсизлик муаммолари бевосита
тармоқларнинг хусусиятларидан келиб чиқади.

Олдин қайд этиб ўтганимиздек, ихтиёрий тармоқ
хизматини ўзаро келишилган қоида (протокол) асоси-
да ишловчи жуфтлик – «Сервер» ва «Мижоз» дастур

таъминоти бажаради. Ушбу протоколлар миқёсида ҳам «Сервер», ҳам «Мижоз» дастурлари рухсат этилган амалларини (операция) бажариш воситаларига эга. Масалан, НТТР протоколдаги форматлаш командалари веб-саҳифаларида жойлаштирилган товуш, видео, анимациялар ва ҳар хил актив объектлар кўринишидаги микродастурлар. Худди шундай рухсат этилган операциялар, актив объектлардан фойдаланиб интернетда баъзи бир ноқонуний ҳаракатларни амалга ошириш, тармоқдаги компьютерларга ва маълумотлар баъзасига кириш ҳамда уларга таҳдид солиш мумкин бўлади.

Бу хавф ва таҳдид қуйидагилардан иборат:

1. Тармоқдаги компьютерларга рухсатсиз кириш ва уни масофадан туриб бошқариш. Уларга сизнинг манфаатингизга зид бўлган дастурларни жойлаштириш мумкин.
2. Веб-саҳифаларда жойлаштирилган «актив объектлар» агрессив дастур кодлари бўлиб, сиз учун хавфли вирус ёки жосус дастур вазифасини ўташи мумкин.
3. Интернетда узатилаётган маълумотлар йўл-йўлакай алоқа каналлари ёки тармоқ тугунларида тутиб олиниши, улардан нусха кўчирилиши, алмаштирилиши мумкин.
4. Давлат муассасаси, корхона фаолияти, молиявий аҳволи ва унинг ходимлари ҳақидаги маълумотларни разведка қилиш, ўғирлаш орқали сизнинг шахсий ҳаётингизга, корхона ривожига таҳдид солиш мумкин.

5. Интернетда эълон қилинаётган ҳар қандай маълумот ҳам жамият учун фойдали бўлмаслиги мумкин, яъни интернет орқали бизнинг маънавиятимизга ва эътиқодимизга зид бўлган ахборотларнинг кириб келиш эҳтимоли мавжуд.

Интернет фойдаланувчиси ушбу таҳдидларнинг олдини олиш учун куйидаги техник ечим ва ташкилий ишларни амалга ошириши зарур:

1. Шахсий компьютерга ва маҳаллий компьютер тармоғига ҳамда унда мавжуд бўлган информацион ресурсларга ташқаридан интернет орқали киришни чекловчи ва ушбу жараённи назорат қилиш имконини берувчи техник ва дастурий усуллардан фойдаланиш.

2. Тармоқдаги информацион мулоқот иштирокчилари ва улар кузатаётган маълумотларнинг асл нусхага мослигини текшириш.

3. Маълумотларни узатиш ва қабул қилишда криптография усулларидан фойдаланиш.

4. Вирусларга қарши назоратчи ва даволовчи дастурлардан фойдаланиш.

5. Шахсий компьютер ва маҳаллий компьютер тармоғига бегона шахсларни кўймаслик ва уларда мавжуд бўлган маълумотлардан нусха олиш имкониятини чекловчи ташкилий ишларни амалга ошириш.

Бундан ташқари, информацион хавфсизликни таъминлаш борасида интернет фойдаланувчилари орасида ўрнатилмаган тартиб-қоидалар мавжуд. Улардан баъзи бирларини келтириб ўтамиш:

- Ҳеч қачон ҳеч кимга интернетдаги ўз номингиз ва паролингизни айтманг.

- Ҳеч қачон ҳеч кимга ўзингиз ва оила аъзоларингиз хақидаги маълумотларни айтманг, ишхонангизга оид маълумотларни интернет орқали юборманг.

- Электрон манзилингиздан мақсадли фойдаланинг. Интернет орқали дастурлар алмашманг.

- Интернетда тарқатилаётган дуч келган дастурлардан фойдаланманг. Дастурларни фақат ишончли, эгаси маълум бўлган серверлардан кўчиринг.

- Электрон почта орқали юборилган «актив объектлар» ва дастурларни ишлатманг ёки ўз-ўзидан очилувчи сизга номаълум архив ҳолидаги маълумотларни очманг.
- Электрон почта хизматидан фойдаланаётганингизда маълумотларни шифрлаш зарур, яъни криптография усулларидан фойдаланинг.
- Эгаси сизга номаълум бўлган хатларни очманг.
- Эгаси маълум бўлган ва сифатига кафолат берувчи антивирус дастурлардан фойдаланинг, уларни мунтазам янгилаб боринг.
- Интернетда мавжуд бўлган информацион ресурслар ва дастурлардан уларнинг муаллифлари руҳсатисиз фойдаланманг.
- Тармоқдаги бегона компьютер ва серверларнинг IP манзилларини аниқлаш ва шу орқали руҳсат этилмаган серверлар ва информацион ресурсларга кириш, нусха кўчириш, вируслар тарқатиш каби ноқонуний дастурлаштириш ишлари билан шуғулланманг, бу жиноятдир.

6.3. Ахборотни ҳимоялаш тизими

Ахборотнинг заиф томонларини камайтирувчи ва ахборотга руҳсат этилмаган киришга, унинг чиқиб кетишига ва йўқолишига тўсқинлик қилувчи ташкилий, техник, дастурий, технологик ва бошқа восита, усул, чоралар комплекси ахборотни ҳимоялаш тизими дейилади.

Фараз қилайлик, бизда ҳақиқатан қимматга эга ахборот бор. Иккинчидан, шу ахборотга ҳимоя системасини ўрнатиш учун биз ақл билан сарф-харажат қилишга тайёрмиз. Бу мақсад учун биз оптималь ҳимоялаш усулларини танлашимиз керак, лекин у максимал хизмат қиласин.

Замонавий фирманинг ҳаётини маҳаллий тармоқсиз тасаввур қилиб мумкин эмас. Яъни бу тармоқ, фойдала-

нұвчи қаерда бўлишидан қатъи назар, ахборот алмашувини таъминлаб беради. Ҳар бир фирма иш фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаш учун ҳимоялаш тизими ишлаб чиқилади.

Маҳаллий тармоқда ишлаб чиқилган ахборот ниҳоятда нозик бўлади. Тармоқда ахборотга рухсатсиз кириш, ёлғон маълумот беришларни келтириб чиқаришда қўйидаги сабаблар мавжуд:

- компьютерда сақланаётган, узатилаётган ёки ишлаб чиқиладиган ахборотлар ҳажмининг кенгайиши;
- маълумотлар базасига муҳимлиги ва маҳфийлиги ҳар хил ахборотларнинг киритилиши;
- ахборотдан фойдаланувчиларнинг имконият доираси кенгайиши;
- масофадаги иш жойларининг сони кўпайиши;
- интернет тармоғида ишловчиларнинг кўпайиши;
- компьютер фойдаланувчилари орасида ахборот алмашувининг автоматизациялашиши.

Ҳар бир ҳимоя тизимини ўрнатганда қўйидаги саволларга жавоб берилади:

1. Нимани ҳимоялаймиз?
2. Кимдан ёки нимадан ҳимояланамиз?
3. Қанақа ҳимоя ўрнатамиз?

Биринчи босқич. Нимани ҳимоялаш керак (Маҳаллий тармоқ модели)

Ҳар бир маҳаллий тармоқнинг асосий вазифаси керакли ахборотни қисқа вақт ичида фойдаланувчига етказишидир. Шунинг учун ахборотни ҳимоялашни таъминлаш муаммосини ечишда буни эътиборга олиш керак. Ахборотни ҳимоялаш усуllibарини ишлаб чиқсанда ҳимоя тизими халақит бермаслиги лозим, аксинча, асосий функция – ахборот алмашувини таъминлашда ёр-

дам бериши шарт. Шунинг учун ҳимоялаш тизими ning моделини ишлаб чиқишида маҳаллий тармоқнинг моделини яхши билиш талаб этилади. Бунинг учун маҳаллий тармоқнинг модели, яъни ундаги бажариладиган асосий функциялар ва барча элементлар йиғиндисини аниқлаб оламиз.

Асосий хавф маҳаллий тармоқда ишлананаётган ахборотга қаратилган. Ахборот эса дастурий таъминот ёрдамида ишланади. Шунинг учун ҳар бир маҳаллий тармоқнинг негизи умумий тизимли дастурий таъминот бўлиб, унга операцион тизимлар, дастурий қобиқлар, умумий ишлаш учун дастурлар, матнли процессорлар, таҳрирловчилар, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари киради.

Ахборотни ишлаб чиқишида техник мосламалар ҳам қўлланилади. Ахборот автоматлаштирилган иш жойларидан ички ва ташқи алоқа каналлари орқали тушиши мумкин. Бунда ахборотни клавиатура ёки ташқи ахборот ташувчилари орқали киритиш мумкин. Бундан ташқари, бошқа ташкилотларнинг ахборот ресурслари ва глобал телекоммуникацион тармоқ ресурсларидан фойдаланиш мумкин. Глобал телекоммникацион тармоқлар ахборотни фойдаланувчига етказишда транспорт хизматини бажаради.

«Маҳаллий тармоқ фойдаланувчиси» деб белгилangan тартиб бўйича рўйхатдан ўтган ва тармоқдан фойдаланишда аниқ бир ҳуқуққа эга шахсга (ташкилотга) айтилади.

Тармоқдаги ахборот тизим администратори назорати остида ишлаб чиқилади, уни ҳимоялаш хавфсизлик администратори бўйнидаги вазифа. Тармоқнинг иш ҳолатини саклаш учун, амалий дастурий таъминотни

ишлиб чиқиши учун мутахассис – дастурчилар ва техник шахслар жалб қилинади. Уларнинг ҳам ахборотга чекланган ҳукуклари бор, лекин дастурий таъминотни ўзгаришиш ва ахборотни ишлиб чиқиши жараёнига чекланмаган таъсир кўрсатиши мумкин.

Маҳаллий тармоқни тизим қўринишида олиш мумкин. Бу тизим қуйидаги ички тизимлардан иборат: бошқарувчининг иш жойи, масофадаги иш жойи, хавфсизлик ва тизим администраторларининг иш жойлари. Уларнинг ҳар бири мустақил ички тизим ҳисобланади. Щунинг учун ахборотни ҳимоялашда декомпозиция принципи қўлланилади.

Иккинчи босқич. Кимдан ёки нимадан ҳимоялаш керак (хавфсизлик таҳдидлари модели)

Ахборотни ҳимоялашга доир адабиётларда ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг турли моделларини топиш мумкин. Бунда ихтиёрий моделдан фойдаланса бўлади, лекин у ахборот хавфсизлигига таъсир этувчи омилларнинг максимал сонини кўрсатиши керак.

Ахборот хавфсизлиги таҳдидлари деганда нима тушунилади? Бу ҳимоя обьектига қарши қаратилган ҳаракатdir. Бунда тижорат қимматга эга ёки маҳфий ахборот бўлиши мумкин.

Ахборот хавфсизлиги таҳдидларини келтириб чиқарувчи омиллар ички ва ташқи бўлиши мумкин. Бундай тақсимланиш сабаби, бир хил таҳдидга ички ва ташқи омилларга қараб ҳар хил усул қўлланилади.

Демак, шулардан келиб чиқсан ҳолда ахборот хавфсизлигининг таҳдидлари З та асосий гурухга бўлинади:

- Субъект таъсиридаги таҳдидлар (антропоген хавф).
- Техник воситалар таъсиридаги таҳдидлар (техноген хавф).

- Табиий оғатлар таҳдидлари.

А. Биринчи гурӯҳ ниҳоятда кенг тарқалган. Ахборот хавфсизлигининг бузилишига сабабчи ташқи субъектлар:

- криминал структура;
- рецидивистлар ва потенциал жиноятчилар;
- виждонсиз ҳамкорлар;
- рақобатчилар;
- сиёсий душманлар.

Ички субъектлар:

- ташкилот ходими;
- филиал ходими;
- ақли заиф шахслар;
- махсус агентлар.

Булардан келиб чиқадиган оқибатлар қуийдагилар:

I. Ўғрилик:

а) техник воситаларни (винчестер, ноутбук, система блоки);

б) ахборот ташувчиларни (қоғоздаги, магнитли, оптикали);

в) ахборотларни (ўқиш ва рухсатсиз нусха олиш);

г) фойдаланувчанликни бошқариш (калит, пароллар).

II. Алмаштириш (турлаш):

а) операцион тизимни;

б) маълумотлар базасини бошқариш тизимини;

в) амалий дастурларни;

г) ахборотни;

д) фойдаланувчанликни бошқариш

III. Йўқотиш (бузиш):

а) техник воситаларни (винчестер, ноутбук, система блоки);

б) ахборот ташувчиларни (қоғоздаги, магнитли, оптикали);

в) дастурий таъминотни (ОС, СУБД, амалий дастурий таъминот);

г) ахборотни (файл, маълумот);

д) паролларни;

IV. Нормал ишнинг бузилиши (узилиш):

а) ахборотни ишлаб чиқиш тезлигининг камайиши;

б) алоқа каналларининг ўтказиш имкониятлари;

в) оператив хотира ҳажми;

г) дискдаги фазонинг ҳажми;

д) техник воситаларнинг электр билан таъминланиши.

V. Хатоликлар:

а) ДТ, ОТ, СУБДларни ўрнатишда;

б) амалий ДТ ёзишда;

в) ДТ эксплуатациясида;

г) техник воситаларнинг эксплуатациясида.

VI. Ахборотни тутиб қолиш (рухсат берилмаган).

Б. Иккинчи гурӯҳ техниканинг хусусиятларига боғлиқ. Ахборот хавфсизлиги таҳдидларининг техник воситалари ҳам ички ва ташқи бўлиши мумкин:

Ички:

• ахборотни ишлаб чиқишидаги сифатсиз техник воситалар;

• ахборотни ишлаб чиқишидаги сифатсиз дастурий воситалар;

• ёрдамчи воситалар (қўриқлаш, сигнализация, телефон);

• ташкилотда фойдаланиладиган бошқа техник воситалар.

Ташқи:

• алоқа воситалари;

- яқын атрофдаги хавфли ишлаб чиқарувчилар;
- мұхандислик коммуникация тармоғи (энергия, сув, канализация);
- транспорт.

Булардан келиб чиқувчи оқибатлар қуидагилар:

I. Нормал ишнинг бузилиши:

- а) ахборотни ишлаб чиқиш тизимининг бузилиши;
- б) алоқа ва телекоммуникация ишининг бузилиши;
- в) ахборот ташувчиларнинг эскириши;
- г) белгиланган фойдаланувчанликни бошқаришнинг шартлари бузилиши;

д) техник воситаларга электромагнит таъсир күрсатиши.

Йўқотиши:

- а) ДТ, ОТ, СУБД;
- б) ахборотни ишлаб чиқиш воситалари (кучланишни ташлаш, оқиб кетиш);
- в) бино;
- г) ахборот (радиация, протечки);
- д) ишчи ходим.

II. Турлаш:

- а) ДТ, ОТ, СУБД;
- б) алоқа канали ва телекоммуникацияда узатилаётганд ахборот.


6.4. Компьютер тизимлари ва телекоммуникация тармоқларидағи хавф-хатар ва хужум турлари.

Хужумларни аниқлаш ва таҳлил этиши

Компьютер тизимиға (тармоғига) зиён етказиши кин бўлган шароит, ҳаракат ва жараёнлар компьютер тизими (тармоғи) учун хавф-хатарлар ҳисобланади.

Автоматлаштирилган ахборот тизимларига тасоди-
фий таъсир кўрсатиш сабаблари:

1. Аппаратурадаги тўхтаб қолишилар.
2. Ишлаб чиқувчининг схематик, техник ва тизимли
хатолари.
3. Ташқи мухит таъсирида алоқа каналларидағи
тўсқинликлар.
4. Таркибий, алгоритмик ва дастурний хатоликлар.
5. Тизимнинг бир қисми саналувчи инсоннинг хатоси.
6. Ҳалокатли ҳолатлар ва бошқа таъсирлар.



Ташкилотнинг ҳимоялаш системасига бўлган
ҳақиқий эҳтиёжини аниқлаш ва хавфсизликнинг мав-
жуд барча чораларидан кераклисини танлашда турли
ёндашишлардан фойдаланилади. Бундай ёндашишлар-
дан бири ахборот ҳимоясининг куйидаги учта жиҳатига
асосланган:

1. Ҳимоянинг бузилишлари. Корхонага тегишли ах-
боротни сақлаш ва ишлатиш хавфсизлигига зарар қел-
тирувчи ҳар қандай ҳаракатлар.
2. Ҳимоя механизми. Ҳимоянинг бузилишларини
аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда бузилишлар оқибати-
ни йўқотиш механизмлари.

3. Ҳимоя хизмати. Маълумотларни ишлаш системалари ва корхонага тегишли ахборотни ташиш хавфсизлиги савиясини кўтаришга мўлжалланган сервис хизмати.

Маълумки, компьютер тизимининг (тармоғининг) асосий компонентлари техник воситалар, дастурий-математик таъминот ва маълумотлардир. Назарий томондан, бу компонентларга нисбатан тўрт турдаги таҳдид мавжуд, яъни узилиш, тутиб қолиш, ўзгартириш ва соҳталаштириш:

Узилиши қандайдир ташки ҳаракатларни (ишлар, жараёнларни) бажариш учун ҳозирги ишларни вақтинча марказий процессор қурилмаси ёрдамида тўхтатишидир, уларни бажаргандан сўнг процессор олдинги ҳолатга қайтади ва тўхтатиб кўйилган ишни давом эттиради. Ҳар бир узилиш тартиб рақамига эга, унга асосан марказий процессор қурилмаси қайта ишлаш учун қисм дастурни қидириб топади. Процессорлар икки турдаги узилишлар билан ишлашни вужудга келтириши мумкин: дастурий ва техник. Бирор қурилма фавқулодда хизмат кўрсатилишига муҳтож бўлса, унда техник узилиш пайдо бўлади. Одатда, бундай узилиш марказий процессор учун кутилмаган ҳодисадир. Дастурий узилишлар асосий дастурлар ичида процессорнинг маҳсус буйруқлари ёрдамида бажарилади. Дастурий узилишда дастур ўз ўзини вақтинча тўхтатиб, узилишга таалукли жараённи бажаради.

Тутиб олиши жараёни оқибатида ғаразли шахслар дастурий воситалар ва ахборотларнинг турли магнитли ташувчилариiga кириш имкониятини қўлга киритади. Дастур ва маълумотлардан ноқонуний нусха олиш, компьютер тармоқлари, алоқа каналларидан рухсатсиз ўқишлир ва б. ҳаракатлар тутиб олиш жараёнига мисол бўла олади.

Ўзгартириш – ушбу жараёнда ёвуз ниятли шахс нафақат компьютер тизими компонентларига (маълумотлар тўпламлари, дастурлар, техник элементлари) кириш имкониятини кўлга киритади, балки улар билан манипуляция (ўзгартириш, кўринишини ўзгартириш) ҳам қилади. Ўзгартириш деганда ғаразли шахснинг маълумотлар тўпламидаги маълумотларни ўзгартириши ёки, умуман, компьютер тизими файлларини ўзгартириши ёхуд қандайdir кўшимча ноқонуний қайта ишлашни амалга ошириш мақсадида фойдаланилаётган дастурнинг кодини ўзгартириши тушунилади.

Соҳталашибтириш ҳам жараён саналиб, унинг ёрдамида ғаразли шахс тизимда ҳисобга олинмаган вазиятларни ўрганиб, ундаги камчиликларни аниқлаб, кейинчалик ўзига керакли ҳаракатларни бажариш мақсадида тизимга қандайdir сохта жараённи амалга оширади ёки тизим ва бошқа фойдаланувчиларга сохта ёзувларни юборади.

Юқорида келтирилган бузилишлар пассив ва актив хужум атамалари бўйича классификацияланганида пассив таҳдидга ушлаб қолиш (перехват) мансуб бўлса, узиш (разъединение), турлаш (модификация) ва соҳталашибтириш (фальсификация) актив таҳдидга мансублигини кўриш кийин эмас.

Пассив хужумлар натижасида узатилаётган маълумотлар ушлаб қолинади ёки мониторинг амалга оширилади. Бунда бузғунчининг мақсади узатилаётган информацияни ушлаб қолишдир. Пассив бузилишларни иккита гурухга ажратиш мумкин – ахборотлар мазмунини фош этиш ва маълумотлар оқимини таҳлил қилиш. Ахборотлар мазмунини фош этиш нима эканлиги маълум. Телефон орқали сухбатда, электрон почта ах-

боротида ёки узатилаётган файлда муҳим ёки маҳфий ахборот бўлиши мумкин. Табиийки, бундай ахборот билан бегона шахсларнинг танишиши мақбул эмас. Маълумотлар оқими ning таҳлили мукаммалроқ ҳисобла-нади. Фараз қилайлик, биз ахборот ёки бошқа узатилувчи маълумотлар мазмунини шундай никоблайликки, бузғунчи ахборотни қўлга киритганида ҳам ундаги ах-боротни чиқариб ололмасин.

Кўпинча ахборот мазмунини никоблашда шифрлаш қўлланилади. Ахборот мазмуни шифрлаш ёрдамида ишончли тарзда беркитилган бўлса-да, бузғунчидагу узатилувчи маълумотларнинг ўзига хос аломатларини кузатиш имконияти қолади. Масалан, узатувчини ва ахборотларни узатишга ишлатилувчи узелларни, ахборотлар узунлигини ва уларнинг алмашинув частотасини аниқлаш мумкин. Бу маълумотлар алмашинувидан қўзланган мақсадни аниқлашда жуда қўл келади. Ҳимоянинг пассив бузилишларини аниқлаш жуда қийин, чунки уларда маълумотларга қандайдир ўзгартиришлар киритиш кўзда тутилмайди. Аммо бундай хил бузилишларнинг олдини олиш мумкин. Шу сабабли пассив бузилишлар ҳолида эътиборни уларни аниқлашга эмас, балки уларнинг олдини олишга қаратиш зарур.

Актив ҳужумлар натижасида маълумотлар оқими ўзгартирилади ёки сохта оқимлар ҳосил қилинади. Бундай бузилишларни тўрт гурухга ажратиш мумкин: имитация, тиклаш, ахборотни турлаш (модификация-лаш), хизмат кўрсатишдаги халаллар.

Имитация деганда объектнинг ўзини бошқа объект қилиб кўрсатиши тушунилади. Одатда, имитация актив бузилишлардан бошқа бир хилининг уриниши билан биргаликда бажарилади. Масалан, бузғунчи система-

лар алмашинаётган аутентификация маълумотлари оқимини ушлаб қолиб, сўнгра аутентификация ахборотларининг ҳақиқий кетма-кетлигини тиклаши мумкин. Бу эса ваколати чегараланган обьектнинг ўзини ваколати кенгроқ обьект қилиб кўрсатиши (имитация) орқали ваколатини кенгайтиришига имкон беради.

Тиклаш деганда маълумотлар блокини пассив ушлаб қолиб, кейин уни рухсат берилмаган натижани ҳосил этиш мақсадида ретрансляция қилиш тушунилади.

Маълумотларни модификациялаш деганда рухсат берилмаган натижани ҳосил қилиш мақсадида қонуний ахборот қисмини ўзгартириш ёки ахборот келиши кетма-кетлигини ўзгартириш тушунилади.

Хизмат кўрсатишдаги халаллар алоқа ёки уларни бошқарувчи воситаларнинг нормал ишлashingа тўсқинлик қиласди. Бундай бузилишларда муайян мақсад кўзланади: масалан, обьект маълум адресатга йўналтирилган барча ахборотларни тўхтатиб қолиши мумкин. Яна бир мисол, тармоқни атайнин ахборотлар оқими билан ортиқча юклаш орқали ёки тармоқни ишдан чиқариш йўли билан барча тармоқ ишини блокировка қилиш.

Ҳимоя актив бузилишларининг бутунлай олдини олиш жуда мураккаб, чунки бунга фақат барча алоқа воситаларини узлуксиз физик ҳимоялаш орқали эришиш мумкин. Шу сабабли ҳимоянинг актив бузилишларида асосий мақсад уларни оператив тарзда аниқлаш ва тезда системанинг ишга лаёқатлиигини тиклаш бўлиши шарт. Бузилишларнинг ўз вақтида аниқланиши бузғунчини тўхтатиш вазифасини ҳам ўтайди ва бу вазифани бузилишлардан огоҳлантириш системасининг қисми деб кўриш мумкин.

6.5. Ҳужумларни аниқловчи тизим. Real Secure тизими

Ҳозирги компьютер тармоқларида маълумотларни ҳимоя қилиш илгариғи ҳисоблаш марказларидан бажариладиган ишлардан жуда катта фарқ қиласи. Илгари ҳисоблаш марказларининг ўзида ҳар хил маъмурий йўллар билан маълумотлар ҳимоя қилинар эди. Буларга мисоллар жуда кўп:

1. ЭҲМларда фақат рухсати бўлган кишилар ишланиши мумкин эди.

2. ЭҲМ залларига кириш ман этилган эди. Фақат операторлар ёки бошқа ишчилар ишларди.

3. Магнит ленталари, магнит дисклари, магнит барабанларида жойлашган маълумотлар ҳар ойда қайта ёзилиб, янгилаб турилар эди.

4. Ҳисоблаш марказлари қўриқланар эди ва ҳ.к.

Яқин кунларгача корпоратив тармоқларни ҳимоя қилиш механизми асосан firewall номли тармоқлар экрани эди. Яъни тармоқлардаги бутун чиқаётган ва кираётган маълумотлар фильтрдан ўтказиларди.

Ҳозирги кунда бу усуслар ўзини оқламай қолди. Айниқса, маълумотлар айирбошлиш жараёни жуда кучайиб кетган пайтларда тармоқлараро фильтрлар тўскин бўлиб тизимларнинг меҳнат унумдорлигини тушириб юборди. Шунинг учун ушбу фильтрларни олиб ташлаш ва ҳужумларни вақтида аниқлаб ҳимоя қилиш усусларини ишлаб чиқиш тўғри деб топилди.

Бунда актив ҳимоя қилиш системалари суткасига 24 соат, ҳафтасига 7 кун ва йилига 365 кун тўхтовсиз ишлайдиган бўлиши керак.

Компьютер тармоқларида ҳужум қилувчиларни аниқлаб берувчи Real Secure тизими Америкадаги

Internet Security System компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу тизим (курилма) интеллектуал анализатордан иборат бўлиб, келаётган маълумот пакетларини таҳлил этиб ҳужумларни аниқлади. Бу система реал вақтда ишлаб тармоқдаги маълумот пакетларини таҳлил этади ва тармоқнинг бир сегментидаги маълумотларни ҳимоя қиласи.

Ҳужум бўлаётганлиги аниқланган ҳолда электрон поча ёки консол орқали маъмурият бошқарувчисига маълумот берилади. Шу билан бирга, маълумотлар ба-засига ҳужум тўғрисида ёзиб қўйилади ва керак бўлган пайтда таҳлил этилади. Агар қилинаётган ҳужум сизнинг компьютер тизимингизни ишдан чиқариши мумкинлиги аниқланса, автоматик равишда ҳужум қилувчи билан алоқа узилади ва маршрутизатор кейинги боғла-нишни тақиқлади. Ушбу Real Secure системаси ком-пьютер тармоғининг ичидаги ҳамда ташқаридан кела-ётган хавфни аниқлади ва ҳимоя қиласи.

Real Secure системаси тарқалган архитектура асосида ишлайди ва 2 та асосий компонентдан иборат: Real Secure Detector ва Real Secure Manager. Биринчи компонент ком-пьютер тармоғида ҳосил бўлаётган ҳужумларни аниқлади. У модулдан, яъни тармоқ ва системали агентлардан ташкил топган. Тармоқ агенти компьютер маълумотла-рининг алмашувида бўлаётган ҳодисалар асосида хавф борлигини аниқлаб беради. Системали агент эса текши-рилаётган тармоқ тугунига уланиб, ҳужум бўлаётганлиги тўғрисида хабар беради. Иккинчи компонент, яъни Real Secure Manager компоненти маълумотларини детектордан йиғиши ва созлаш ишларига жавоб беради.

Real Secure системасининг қобилияти куйидагича:

- а) аниқловчи ҳужумларнинг сони қўплиги;

б) назорат этиш модулларини марказлашган ҳолда бошқариш;

в) жуда күп тармоқ протоколларини фильтрлаш ва таҳлил қилиш (ТЕР, UDP, IEMP);

г) хужумларга ҳар хил вариантлар асосида таъсир этиш;

д) хужум қилаётган тугун билан алоқани узиш;

е) тармоқ экранлари ва маршрутизаторларни бошқариш;

ё) ҳар бир хужумни қайта кўриб чиқиш ва таҳлил этиш учун ёзиб олиш;

ж) Ethernet, Fast Ethernet ва Token Ring тармоқ интерфейсларида ишлашни таъминлаш;

з) маҳсус ускуналар талаб этмаслиги;

и) тармоқ унумдорлигини пасайтирмаслик;

й) ҳисобот тармоқларининг ҳар хиллиги;

к) ускунавий ва дастурий таъминотларга талабларнинг баландмаслиги ва ҳ.к.

Хужумларга эътиroz билдиришнинг ҳар хил варианtlари аниқланган. Хужумларга эътиroz билдириш варианtlари қуйидагича:

а) хужум ҳақида қайд этувчи рўйхатга олиш;

б) маъмуриятни электрон почта ёки бошқарув консули орқали огоҳлантириш;

с) хужум қилаётган тармоқ тугунини авария сифатида узиб қўйиш;

д) қилинган хужумларни кўриб чиқиш ва таҳлил этиш учун ёзиб олиш;

е) тармоқларо экранларнинг ва маршрутизаторларнинг тармоқ кўринишини ўзгартириш ва ҳ.к.

Ускунавий ва дастурий таъминотларга қўйилган асосий талаблар

Ускунавий таъминот талаблари:

- Процессор – Pentium Pro 200 МГц (ёки Pentium II 300 МГц);
- ОЗУ – 64 Мб ёки 128 Мб;
- НЖМТ (каттик) диск – 100 Мб дан кам бўлмаган хотира (маълумотлар базаси ва рўйхат турлари учун);
- Тармоқ интерфейси – Ethernet, Fast Ethernet, Token Ring, FDDI.

6.6. Компьютер тизимлари ва телекоммуникация тармоқларида ахборотни ҳимоялашнинг ускунавий воситаси

Компьютер маълумотларини ҳимоялашнинг техник-дастурий воситалари:

1. Фойдаланувчиларни идентификациялаш ва аутентификациялаш тизими;
2. Диск маълумотларини шифрлаш тизими;
3. Тармоқ бўйича узатиладиган маълумотларни шифрлаш тизими.
4. Электрон маълумотларни аутентификациялаш тизими.
5. Таянч ахборотларни бошқариш воситалари.

Фойдаланувчиларни идентификациялаш ва аутентификациялаш тизими. Ушбу тизим фойдаланувчидан олинган маълумот бўйича унинг шаҳсини текшириш, ҳақиқийлигини аниqlаш, шундан сўнг унга тизим билан ишлашга руҳсат бериш лозимлигини белгилаб беради.

Бу ҳолда асосан фойдаланувчидан олинадиган маълумотни танлаш муаммоси мавжуд бўлиб, унинг қуидаги турлари мавжуд:

- фойдаланувчига маълум бўлган махфий ахборот, масалан, парол, махфий калит ва бошқалар;
- шахснинг физиологик параметрлари, масалан, бармоқ излари, кўз тасвири ва бошқалар.

Биринчиси анъанавий, иккинчиси эса биометрик идентификациялаш тизими дейилади.

Диск маълумотларини шифрлаш тизими. Ушбу тизимнинг асосий мақсади дискдаги маълумотларни ҳимоялаштириб. Бу ҳолда мантиқий ва жисмоний босқичлар ажратилади. Мантиқий босқичда файл асосий объект сифатида бўлиб, фақатгина баъзи бир файллар ҳимояланади. Бунга мисол қилиб архиватор дастурларини келтириш мумкин. Жисмоний босқичда диск тўлалигича ҳимояланади. Бунга мисол сифатида Norton Утилитиэс таркибидаги Дискреэт шифрловчи дастурни келтириш мумкин.

Тармоқ бўйича узатиладиган маълумотларни шифрлаш тизими. Ушбу тизимда икки йўналишни ажратиш мумкин:

- канал бўйича, яъни алоқа каналлари бўйича жўнатиладиган барча маълумотларни шифрлаш;
- абонентлар бўйича, яъни алоқа каналлари бўйича жўнатиладиган маълумотларнинг фақатгина мазмуний қисми шифрланиб, бошқа маълумотларни очиқ қолдириш.

Электрон маълумотларни аутентификациялаш тизими. Ушбу тизимда тармоқ бўйича бажариладиган электрон маълумотлар алмашувида ҳужжатни ва унинг муаллифини аутентификациялаш муаммоси пайдо бўлади.

Таянч ахборотларни бошқариш воситалари. Ушбу тизимда таянч ахборотлар сифатида компьютер тизи-

ми ва тармоғида кўлланиладиган барча криптографик калитлар тушунилади. Бу ҳолда калитларни генерациялаш, сақлаш ва тақсимлаш каби бошқарув функциялари ажратилади.

6.7. АКТда ахборотни ҳимоялашнинг криптографик воситаси

Замонавий компьютер стенографияси.

Рухсат этилмаган киришдан ахборотни ишончли ҳимоялаш муаммоси аввалдан мавжуд ва ҳозирги вақтгача ҳал қилинмаган. Махфий хабарларни яшириш усуллари қадимдан маълум, инсон фаолиятининг бу соҳаси стенография деган ном олган. Бу сўз грекча steganos (махфий, сир) ва graphу (ёзув) сўзларидан келиб чиқкан ва «сирли ёзув» деган маънони билдиради. Стенография усуллари, эҳтимол, ёзув пайдо бўлишидан олдин шаклланган (дастлаб шартли белги ва белгилашлар кўлланилган) бўлиши мумкин.

Ахборотни ҳимоялаш учун кодлаштириш ва криптография усуллари қўлланилади.

Кодлаштириш деб ахборотни бир тизимдан бошқа тизимга маълум бир белгилар ёрдамида маҳсус тартиб бўйича ўtkазиш жараёнига айтилади.

Криптография деганда маҳфий хабар мазмунини шифрлаш, яъни маълумотларни маҳсус алгоритм бўйича ўзгартириб, шифрланган матнни яратиш йўли билан ахборотга рухсат этилмаган киришга тўсиқ қўйиш усули тушунилади.

Стенографиянинг криптографиядан бошқа фарқи ҳам бор. Яъни унинг мақсади маҳфий хабарнинг мавжудлигини яширишdir. Бу иккала усул бирлаштирилиши мумкин, натижада ахборотни ҳимоялаш сама-

радорлигини ошириш имкони пайдо бўлади (масалан, криптографик калитларни узатиш учун).

Компьютер технологиялари стенографиянинг ривожланиши ва мукаммаллашувига янги туртки берди. Натижада ахборотни ҳимоялаш соҳасида янги йўналиш – компьютер стенографияси пайдо бўлди. Глобал компьютер тармоқлари ва мультимедиа соҳасидаги замонавий тараққиёт телекоммуникация каналларида маълумотларни узатиш хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган янги усулларни яратишга олиб келди. Бу усуллар шифрлаш қурилмаларининг табиий ноаниқлигидан ва аналоги видео ёки аудиосигналларнинг сероблигидан фойдаланиб хабарларни компьютер файлларида (контейнерларда) яшириш имконини беради. Шу билан бирга, криптографиядан фарқли равишда, бу усуллар ахборотни узатиш фактининг ўзини ҳам яширади.

К.Шенон сирли ёзувнинг умумий назариясини яратдик, у фан сифатида стенографиянинг базаси хисобланади. Замонавий компьютер стенографиясида иккита асосий файл турлари мавжуд: яшириш учун мўлжалланган хабар-файл, ва контейнер-файл, у хабарни яшириш учун ишлатилиши мумкин. Бунда контейнерлар икки турда бўлади: контейнер-ориганал (ёки «бўш» контейнер) – бу контейнер яширин ахборотни сақламайди; контейнер-натижа (ёки «тўлдирилган» контейнер) – бу контейнер яширин ахборотни сақлайди. Калит деганда хабарни контейнерга киритиб қўйиш тартиби ни аниқлайдиган маҳфий элемент тушунилади.

Компьютер стенографияси истиқболлари

Компьютер стенографияси ривожланиш тенденциясининг таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда

компьютер стенографияси усулларини ривожлантиришга қизиқиши кучаймокда. Жумладан, ахборот хавфсизлиги муаммосининг долзарблиги ошиб бормоқда ва ахборотни ҳимоялашнинг янги усулларини қидиришга рағбатлантириляпти. Бошқа томондан, ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши ушбу ахборотни ҳимоялашнинг янги усулларини жорий қилиш имкониятини бермоқда. Мазкур жараённинг кучли катализатори умумфойдаланишдаги интернет компьютер тармоғининг жуда кучли ривожланиши ҳисобланади.

Хозирги вақтда ахборотни ҳимоялаш энг кўп қўлланилаётгани криптографик усуллардир. Лекин бу йўлда компьютер вируслари, «мантиқий бомба»лар каби ахборот қуролларининг криптовоситаларни бузадиган таъсирига боғлиқ ечилмаган кўплаб муаммолар мавжуд. Бошқа томондан, криптографик усулларни ишлатишда калитларни тақсимлаш муаммоси ҳам бугунги кунда охиригача ечилмай турибди. Компьютер стеганографияси ва криптографияларининг бирлаштирилиши пайдо бўлган шароитдан қутулишнинг яхши бир йўли бўлар эди, чунки бу ҳолда ахборотни ҳимоялаш усулларининг заиф томонларини йўқотиш мумкин. Шундай қилиб, компьютер стенографияси ҳозирги кунда ахборот хавфсизлиги бўйича асосий технологиялардан бири ҳисобланади.

Компьютер стенографиясининг асосий вазифалари

Замонавий компьютер стенографиясининг асосий ҳолатлари куйидагилардан иборат:

- яшириш усуллари файлнинг аутентификацияланишини ва яхлитлигини таъминлаши керак;

- ёвуз ниятли шахсларга қўлланилувчи стеганография усуллари тўлиқ маълум деб фараз қилинади;
- усулларнинг ахборотга нисбатан хавфсизликни таъминлаши очик узатиладиган файлнинг асосий хоссаларини стенографик алмаштиришлар билан сақлашга ва бошқа шахсларга номаълум бўлган қандайдир ахборот – калитга асосланади;
- агар ёвуз ниятли шахсларга хабарни очиш вақти маълум бўлиб қолган бўлса, махфий хабарнинг ўзини чиқариб олиш жараёни мураккаб ҳисоблаш масаласи сифатида тасаввур қилиниши лозим.

Интернет тармоғининг ахборот манбалари таҳдили қўйидаги хуросага келишга имкон берди, яъни ҳозирги вақтда стенографик тизимлар қўйидаги асосий масалаларни очишда фаол ишлатиляпти:

- конфиденциал ахборотни рухсат этилмаган киришдан ҳимоялаш;
- мониторинг ва тармоқ захираларини бошқариш тизимларини енгиш;
- дастурий таъминотни никоблаш;
- интеллектуал эгаликнинг баъзи бир турларида муаллифлик ҳукуқларини ҳимоялаш.

6.8. Конфиденциал ахборотларни рухсатсиз киришдан ҳимоялаш

Бу компьютер стенографиясини ишлатиш соҳаси конфиденциал ахборотларни ҳимоялаш муаммосини очишда энг самарали ҳисобланади. Масалан, товушнинг энг кам аҳамиятли кичик разрядлари яшириладиган хабарга алмаштирилади. Бундай ўзгариш кўпчилик томонидан товушли хабарни эшитиш пайтида сезилмайди.

Муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоялаш

Стенографиядан фойдаланиладиган яна бир соҳалардан бири муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳисобланади. Компьютерли график тасвирларга маҳсус белги қўйилади ва у кўзга кўринмай қолади. Лекин маҳсус дастурий таъминот билан аниқланади. Бундай дастур маҳсулоти аллақачон баъзи журналларнинг компьютер версияларида ишлатиляпти. Стенографиянинг ушбу йўналиши нафакат тасвирларни, балки аудио ва видео-ахборотни ҳам қайта ишлашга мўлжалланган. Бундан ташқари, унинг интеллектуал эгалигини ҳимоялашни таъминлаш вазифаси ҳам турибди.

Ҳозирги вақтда компьютер стенографияси усуллари икки асосий йўналиш бўйича ривожланмоқда:

- компьютер форматларининг маҳсус хоссаларини ишлатишга асосланган усуллар;
- аудио ва визуал ахборотларнинг сероблигига асосланган усуллар.

Стенографик дастурлар тўғрисида қисқача маълумот

Windows операцион мухитида ишловчи дастурлар:

- Steganos for Win95 дастури ишлатишда жуда енгил бўлиб, айни пайтда, файлларни шифрлаш ва уларни BMP, DIB, VOC, WAV, ASCII, HTML кенгайтмали файллар ичига жойлаштириб яширишда ўта курратли ҳисобланади;
- Contraband дастури 24 битли BMP форматдаги график файллар ичига ҳар қандай файлни яшира олиш имкониятига эга.

DOS мухитида ишловчи дастурлар:

- Jsteg дастури маълумотни JPG форматли файллар ичига яшириш учун мўлжалланган;

- FFEncode дастури маълумотларни матнли файллар ичида яшириш имкониятига эга;
- StegoDOS дастурлар пакетининг ахборотни тасвирда яшириш имконияти мавжуд;
- Winstorm дастурлар пакета PCX форматли файллар ичига хабарни шифрлаб яширади.

OS/2 операцион муҳитида ишловчи дастурлар:

- Texto дастури маълумотларни инглиз тилидаги матнга айлантиради;
- Hide4PGP v1.1 дастури BMP, WAV, VOC форматли файллар ичига маълумотларни яшириш имкониятига эга.

Macintosh компьютерлари учун мўлжалланган дастурлар:

- Paranoid дастури маълумотларни шифрлаб, товушли форматли файл ичига яширади;
- Stego дастурининг PICT кенгайтмали файл ичига маълумотларни яшириш имконияти мавжуд.

«Криптография» атамаси дастлаб «яшириш, ёзувни беркитиб қўймок» маъносини билдирган. Биринчи марта у ёзув пайдо бўлган даврларда ёқ айтиб ўтилган. Ҳозирги вақтда криптография деганда ҳар қандай шаклдаги, яъни дискда сакланадиган сонлар кўринишида ёки ҳисоблаш тармоқларида узатиладиган хабарлар кўринишидаги ахборотни яшириш тушунилади. Криптография атамасини рақамлар билан кодланиши мумкин бўлган ҳар қандай ахборотга нисбатан қўллаш мумкин. Махфийликни таъминлашга қаратилган криптография кенгроқ қўлланилиш доирасига эга. Аниқроқ айтганда, криптографияда қўлланиладиган усулларнинг ўзи ахборотни ҳимоялаш билан боғлиқ бўлган кўп жараёнларда ишлатилиши мумкин.

Криптография ахборотни рухсатсиз киришдан химоялаб, унинг маҳфийлигини таъминлайди. Масалан, тўлов ва рақларини электрон почта орқали узатишда у ўзгартирилиши ёки соҳта ёзувлар кўшилиши мумкин. Бундай ҳолларда ахборотнинг яхлитлигини таъминлаш зарурати пайдо бўлади.

Умуман, компьютер тармоғига рухсатсиз киришнинг тўлиқ олдини олиш имконсиз, лекин уларни аниқлаш мумкин. Ахборотнинг яхлитлигини текширишнинг бундай жараёни кўп ҳолларда ахборотнинг ҳақиқийлигини таъминлаш дейилади. Криптографияда қўлланиладиган усуллар кўп бўлмаган ўзгартиришлар билан ахборотларнинг ҳақиқийлигини таъминлаши мумкин. Нафақат ахборотнинг компьютер тармоғидан маъноси бузилмасдан келганини билиш, балки унинг муаллифдан келганилиги га ишонч ҳосил қилиш жуда муҳим.

Ахборотни узатувчи шахсларнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи турли усуллар маълум. Энг универсал процедура пароллар билан алмашувдир, лекин бу жуда самарали бўлмаган процедура. Чунки паролни қўлга киритган ҳар қандай шахс ахборотдан фойдаланиши мумкин бўлади. Агар эҳтиёткорлик чораларига риоя қилинса, паролларнинг самарадорлигини ошириш ва уларни криптографик усуллар билан ҳимоялаш мумкин, лекин криптография бундан кучлироқ паролни узлуксиз ўзгартириш имконини берадиган процедуранарни ҳам таъминлайди. Криптография соҳасидаги охирги ютуқлардан бири – рақамли сигнатура маҳсус хосса билан ахборотни тўлдириш ёрдамида яхлитликни таъминловчи усул, бунда ахборот унинг муаллифи берган очик калит маълум бўлганидагина текширилиши мумкин.

Ушбу усул махфий калит ёрдамида яхлитлик текширилдиган маълум усуслардан кўпроқ афзаликларга эга.

Криптография усусларининг баъзи бирларини кўриб чиқамиз. Узатиладиган ахборотнинг маъносини яшириш учун икки хил ўзгартиришлар қўлланилади: кодлаштириш ва шифрлаш. Кодлаштириш учун тез-тез ишлатиладиган иборалар тўпламини ўз ичига оловчи китоб ёки жадваллардан фойдаланилади. Бу иборалардан ҳар бирига кўп ҳолларда рақамлар тўплами билан бериладиган ихтиёрий танланган кодли сўз тўғри келади. Ахборотни кодлаш учун худди шундай китоб ёки жадвал талаб қилинади. Кодлаштирувчи китоб ёки жадвал ихтиёрий криптографик ўзгартиришга мисол бўлади. Кодлаштиришнинг ахборот технологиясига мос талаблар – қаторли маълумотларни сонли маълумотларга айлантириш ва аксинча ўзгартиришларни бажара билиш. Кодлаштириш китобини тезкор ҳамда ташки хотира қурилмаларида амалга ошириш мумкин, лекин бундай тез ва ишончли криптографик тизимни муваффақиятли деб бўлмайди. Агар бу китобдан бирор марта рухсатсиз фойдаланилса, кодларнинг янги китобини яратиш ва уни ҳамма фойдаланувчиларга тарқатиш зарурати пайдо бўлади.

Криптографик ўзгартиришнинг иккинчи тури – шифрлаш ўз ичига бошланғич матн белгиларини англашиб олиш мумкин бўлмаган шаклга ўзгартириш алгоритмларини қамраб олади. Ўзгартиришларнинг бу тури ахборот-коммуникация технологияларига мос келади. Бу ерда алгоритмни ҳимоялаш мухим аҳамият касб этади. Криптографик калитни қўллаб шифрлаш алгоритмининг ўзида ҳимоялашга бўлган талабларни камайтириш мумкин. Энди ҳимоялаш обьекти сифатида фақат калит

хизмат килади. Агар калитдан нусха олинган бўлса, уни алмаштириш мумкин ва бу кодлаштирувчи китоб ёки жадвални алмаштиришдан енгилдир. Шунинг учун ҳам кодлаштириш эмас, балки шифрлаш ахборот-коммуникация технологияларида кенг қўлланилмоқда.

Сирли (махфий) алоқалар соҳаси криптология дейилади. Ушбу сўз юононча «*cripto*» – сирли ва «*1 ogus*» – хабар маъносини билдирувчи сўзлардан иборат. Криптология икки йўналиш, яъни криптография ва криптотаҳлилдан иборат.

Криптографиянинг вазифаси хабарларнинг махфийлгини ва ҳақиқийлгини таъминлашдан иборат.

Криптотаҳлилнинг вазифаси эса криптографлар томонидан ишлаб чиқилган ҳимоя тизимини очишdir.

Ҳозирги кунда криптотизимни икки синфга ажратиш мумкин:

- симметрияли бир калитлилик (махфий калитли);
- асимметрияли икки калитлилик (очик калитли).

Симметрияли тизимларда қуйидаги иккита муаммо мавжуд:

1. Ахборот алмашувида иштирок этувчилар қандай йўл билан махфий калитни бир-бирларига узатишлари мумкин?

2. Жўнатилган хабарнинг ҳақиқийлгини қандай аниқласа бўлади?

Ушбу муаммоларнинг ечими очик калитли тизимларда ўз аксини топди.

Очиқ калитли асиммётрияли тизимда иккита калит қўлланилади. Биридан иккincinnisinи ҳисоблаш усуллари билан аниқлаб бўлмайди. Биринчи калит ахборот жўнатувчи томонидан шифрлашда ишлатилса, иккincinnisi ахборотни қабул қилувчи томонидан ахборот-

ни тиклашда кўлланилади ва у сир сакланиши лозим. Ушбу усул билан ахборотнинг маҳфийлигини таъминлаш мумкин. Агар биринчи калит сирли бўлса, уни электрон имзо сифатига кўллаш мумкин, бу усул билан ахборотни аутентификациялаш, яъни ахборотнинг яхлитлигини таъминлаш имкони пайдо бўлади.

Ахборотни аутентификациялашдан ташқари куйидаги масалаларни ечиш мумкин:

- фойдаланувчини аутентификациялаш, яъни компьютер тизими захираларига кирмоқчи бўлган фойдаланувчини аниқлаш;
- тармоқ абонентлари алоқасини ўрнатиш жараёнида уларни ўзаро аутентификациялаш.

Хозирги кунда ҳимояланиши зарур бўлган йўналишлардан бири электрон тўлов тизимлари ва интернет ёрдамида амалга ошириладиган электрон савдолардир.

Криптография маълумотларни ўзгартириш усуллари тўплами бўлиб, маълумотларни ҳимоялаш бўйича куйидаги иккита асосий муаммони ҳал қилишга йўналтирилган: маҳфийлик, яхлитлилик. Маҳфийлик орқали ёвуз ниятли шахслардан ахборотни яшириш таъминланса, яхлитлилик ёвуз ниятли шахслар томонидан ахборотни ўзгартира олмаслик ҳакида далолат беради. Бу ерда калит қандайдир ҳимояланган канал орқали жўнатилиади. Умуман олганда, ушбу механизм симметрияли бир калитлик тизимига тааллуқлидир.

Асимметрияли икки калитли криптография тизими

Бунда ҳимояланган канал бўйича очиқ калит жўнатилиб, маҳфий калит юборилмайди.

Ёвуз ниятли шахслар ўз мақсадига эриша олмаса ва криптотаҳлилчилар калитни билмасдан туриб шифрланган ахборотни тиклай олмаса, у ҳолда криптотизим криптомустаҳкам тизим дейилади. Криптотизимнинг мустаҳкамлиги унинг калити билан аниқланади ва бу криптотаҳлилниңг асосий қоидаларидан бири ҳисобланади. Ушбу таърифнинг асосий маъноси шундан иборатки, криптотизим барчага маълум тизим ҳисобланиб, унинг ўзгартирилиши кўп вақт ва маблағ талаб қиласди, шу боис фақатгина калитни ўзгартириб туриш билан ахборотни ҳимоялаш талаб қилинади.

Симметрияли криптотизим асослари

Криптография нуқтаи назаридан шифр калит демакдир ва очиқ маълумотлар тўпламини ёпиқ (шифрланган) маълумотларга ўзгартириш криптография ўзгартиришлар алгоритмлари мажмуаси ҳисобланади.

Калит криптография ўзгартиришлар алгоритмининг баъзи бир параметрлари махфий ҳолати бўлиб, барча алгоритмлардан ягона вариантини танлайди. Калитларга нисбатан ишлатиладиган асосий кўрсаткич криптомустаҳкамлик ҳисобланади.

Криптография ҳимоясида шифрларга нисбатан қуидаги талаблар қўйилади:

- етарли даражада криптомустаҳкамлик;
- шифрлаш ва қайтариш жараёнининг оддийлиги;
- ахборотларни шифрлаш оқибатида улар ҳажмининг ортиб кетмаслиги;
- шифрлашдаги кичик хатоларга таъсирчан бўлмаслиги.

Ушбу талабларга қуидаги тизимлар жавоб беради:

- ўринларини алмаштириш;

- алмаштириш;
- гаммалаштириш;
- аналитик ўзгартириш.

Ўринларини алмаштириш шифрлаш усули бўйича бошланғич матн белгиларининг матннинг маълум бир қисми доирасида маҳсус қоидалар ёрдамида ўрни алмаштирилади.

Алмаштириш шифрлаш усули бўйича бошланғич матн белгилари фойдаланилаётган ёки бошқа бир алифбо белгиларига алмаштирилади.

Гаммалаштириш усули бўйича бошланғич матн белгилари шифрлаш гаммаси белгилари, яъни тасодифий белгилар кетма-кетлиги билан бирлаштирилади.

Таҳлилий ўзгартириш усули бўйича бошланғич матн белгилари аналитик формулалар ёрдамида ўзгартирилади, масалан, векторни матрицага кўпайтириш ёрдамида. Бу ерда вектор матннаги белгилар кетма-кетлиги бўлса, матрица калит сифатида хизмат қиласади.

Ўринларни алмаштириш усуллари энг оддий ва энг қадимий усулдир. Ўринларни алмаштириш усулларига мисол сифатида қуидагиларни келтириш мумкин:

- шифрловчи жадвал;
- сеҳрли квадрат.

Шифрловчи жадвал усулида калит сифатида қуидагилар қўлланилади:

- жадвал ўлчовлари;
- сўз ёки сўзлар кетма-кетлиги;
- жадвал таркиби хусусиятлари.

Мисол.

Куидаги матн берилган бўлсин:

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

Ушбу ахборот устун бўйича кетма-кет жадвалга киритилади:

к л а л и й т

а а й а л д у

д р ё ш л а р

р т р м и с и

Натижада 4×7 ўлчамли жадвал ташкил қилинади.

Энди шифрланган матн қаторлар бўйича аниқланади, яъни ўзимиз учун 4 тадан белгиларни ажратиб ёзамиз.

КЛАЛ ИЙТА АЙАЛ ДУДР ЁШЛА РРТР МИСИ

Бу ерда калит сифатида жадвал ўлчовлари хизмат қиласи. Ушбу усулни мураккаблаштириш мақсадида таянч сўзни киритса бўлади. Юқоридаги мисол учун МАГИСТР сўзини оламиз ва олдинги жадвалга жойлаштирамиз:

м а г и с т р

4 1 2 3 6 7 5

к л а л и й т

а а й а л д у

д р ё ш л а р

р т р м и с и

Иккинчи қатордаги рақамлар ҳарфларнинг алифбо таркибидан келиб чиқади. Шу қатордаги рақамлар бўйича устунларни тартиблаймиз:

а г и м р с т

1 2 3 4 5 6 7

л а л к т и й

а й а а у л д

р ё ш д р л а

т р м р и с

Шифрланган матн куйидаги кўринишда бўлади:
ЛАЛК ТИЙА ЙААУ ЛДРЁ ЩДРЛ АТРМ РИИС

Сехрли квадрат деб катакчаларига 1 дан бошлаб сонлар ёзилган, ундаги ҳар бир устун, сатр ва диагонал бўйича сонлар йиғиндиси битта сонга тенг бўлган квадрат шаклидаги жадвалга айтилади. Сехрли квадратга сонлар тартиби бўйича белгилар киритилади ва бу белгилар сатрлар бўйича ўқилганда матн ҳосил бўлади.

Мисол.

4x4 ўлчамли сехрли квадратни оламиз, бу ерда сонларнинг 880 та ҳар хил комбинацияси мавжуд. Куйидагича иш юритамиз:

16 3 2 13

5 10 11 8

9 6 7 12

4 15 14 1

Бошланғич матн сифатида куйидаги матнни оламиз:

ДАСТУРЛАШ ТИЛЛАРИ ва жадвалга жойлаштирамиз:

и с а л

у т и а

ш р л л

т р а д

Шифрланган матн жадвал элементларини сатрлар бўйича ўқиш натижасида ташкил топади:

ИСАЛ УТИА ШРЛЛ ТРАД

Алмаштириш усуллари

Алмаштириш усуллари сифатида куйидаги усулларни келтириш мумкин:

- Цезар усули;
- Аффин тизимидағи Цезар усули;
- Таянч сўзли Цезар усули ва бошқалар.

1. Цезар усулида алмаштирувчи ҳарфлар k та силжиши билан аниқланади. Юлий Цезар бевосита k=3 бўлганида ушбу усулдан фойдаланган.

$k=3$ бўлганида ва алифбодаги ҳарфлар $m=26$ та ҳосил бўлади.

Мисол.

Матн сифатида SAMARQAND сўзини оладиган бўлсак, Цезар усули натижасида куйидаги шифрланган ёзув ҳосил бўлади: VDPDUTDQG.

2. Цезар усулининг камчилиги бир хил ҳарфларнинг бир хил ҳарфларга алмашшидир.

3. Аффин тизимидағи Цезар усулида ҳар бир ҳарфга алмаштирилувчи ҳарфлар маҳсус формула бўйича аниқланади: $at + b \pmod{m}$, бу ерда a, b – бутун сонлар, $0 < a, b < m$, ЭКУБ (a, t) = 1.

Ҳозирги вақтда компьютер тармоқларида тижорат ахборотлари билан алмашишда учта асосий алгоритмлар, яъни DES, CLIPPER ва PGP алгоритмлари кўлланилмоқда. DES ва CLIPPER алгоритмлари интеграл схемаларда амалга оширилади. DES алгоритмининг криптомустаҳкамлигини қуйидаги мисол орқали ҳам баҳолаш мумкин: 10 млн АҚШ доллари харажат қилинганида DES шифрини очиш учун 21 минут, 100 млн АҚШ доллари харажат қилинганида эса 2 минут сарфланади.

CLIPPER тизими SKIPJACK шифрлаш алгоритмини ўз ичига олади ва бу алгоритм DES алгоритмидан 16 млн марта кучлироқдир. PGP алгоритми эса 1991 йили Филипп Циммерман (АҚШ) томонидан ёзилган ва электрон почта орқали узатиладиган хабарларни шифрлаш учун ишлатиладиган PGP дастурлар пакети ёрдамида амалга оширилади. PGP дастурий воситалари интернет тармоғида электрон почта орқали ахборот жўнатувчи фойдаланувчилар томонидан шифрлаш мақсадида кенг кўлланилмоқда.

Очиқ калит бевосита веб-саҳифаларда ёки электрон почта орқали очиқчасига юборилиши мумкин. Очиқ калитдан фойдаланиб жўнатилган шифрли ахборотни ахборот юборилган манзил эгасидан бошқа шахс ўқий олмайди. PGP орқали шифрланган ахборотларни очиш учун суперкомпьютерлар ишлатилганда бир аср ҳам камлик қилиши мумкин. Бундан ташқари, ахборотларни тасвирларда ва товушларда яшириш дастурлари ҳам мавжуд. Масалан, S-tools дастури ахборотларни BMP, GIF, WAV кенгайтмали файлларда саклаш учун қўлланилади. Баъзи ҳолларда яширилган ахборотнинг ҳажми расмнинг ҳажмидан кўп бўлиши ҳам мумкин, яъни олинган натижа фақатгина танланган расмга боғлиқ бўлади. Кундалик жараёнда фойдаланувчиларофис дастурлари ва архиваторларни қўллаб келишади. Архиваторлар, масалан, PkZip дастурида маълумотларни пароль ёрдамида шифрлаш мумкин. Ушбу файлларни очища иккита, яъни луғатли ва тўғридан-тўғри усулдан фойдаланишади. Луғатли усулда бевосита маҳсус файлдан сўзлар пароль ўрнига қўйиб текширилади, тўғридан-тўғри усулда эса бевосита белгилар комбинацияси тузилиб, пароль ўрнига қўйиб текширилади.

Офис дастурлари (Word, Excel, Access) орқали химоялаш умуман таклиф этилмайди. Бу борада мавжуд дастурлар интернетда тўсиқсиз тарқатилади.

6.9. Маълумотларни компьютер вирусларидан химоялаш

Хозирги кунда компьютер вируслари ғаразли максадларда ишлатилувчи турли хил дастурларни олиб келиб татбиқ этишда энг самарали воситалардан бири хисобланади. Компьютер вирусларини дастурли вируслар

деб аташ түғрироқ бўлади. Дастурли вирус деб автоном равишда ишлаш, бошқа дастур таркибига ўз-ўзидан қўшилувчи, ишга қодир ва компьютер тармоқлари ҳамда алоҳида компьютерларда ўз-ўзидан тарқалиш хусусиятига эга бўлган дастурга айтилади. Вируслар билан заарланган дастурлар вирус ташувчи ёки заарланган дастурлар дейилади.

Вирусларнинг таъсири бўйича таснифи:

1. Хавфсиз – файллар таркибини бузмайдиган.
2. Хавфли – файллар таркибини бузадиган.
3. Жуда хавфли – курилмаларни бузадиган.

Заарланган диск ишга тушириш секторида вирус дастур жойлашиб олган дискдир.

Хозирги пайтда компьютерлар учун кўпгина нокулайликлар туғдираётган ҳар хил турдаги компьютер вируслари кенг тарқалган. Шунинг учун ҳам улардан сақланиш усуllibарини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Хозирги вақтда 65000 дан ортиқ вирус дастурлари борлиги аниқланган. Бу вирусларнинг катта қисмини компьютернинг иш бажариш тартибини бузмайдиган, яъни «таъсирчан бўлмаган» вируслар гурӯҳи ташкил этади.

Вирусларнинг бошқа гурӯҳларига компьютернинг иш тартибини бузувчи вируслар киради. Бу вирусларни куйнлаги турларга бўлиш мумкин: хавфсиз вируслар (файллар таркибини бузмайдиган), хавфли вируслар (файллар таркибини бузувчи) ҳамда жуда хавфли вируслар (компьютер курилмаларини бузувчи ва оператор соғлиғига таъсир этувчи). Бу каби вируслар, одатда, профессионал дастурчилар томонидан тузилади.

Компьютер вируси маҳсус ёзилган дастур бўлиб, бошқа дастурлар таркибига ёзилади, яъни заарлай-

ди ва компьютерларда ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширади.

Компьютер вируси орқали заарланиш оқибатида компьютерларда қуидаги ўзгаришлар пайдо бўлади:

- айрим дастурлар ишламайди ёки хато ишлай бошлайди;
- бажарилувчи файлнинг ҳажми ва унинг яратилган вақти ўзгаради;
- экранда англаб бўлмайдиган белгилар, турли хил тасвир ва товушлар пайдо бўлади;
- компьютернинг ишлаши секинлашади ва тезкор хотирадаги бўш жой ҳажми камаяди;
- диск ёки дискдаги бир неча файллар заарланади (баъзи ҳолларда диск ва файлларни тиклаб бўлмайди);
- винчестер орқали компьютернинг ишга тушиши йўқолади.

Вируслар асосан дискларнинг юкланувчи секторларини ва exe, com, sys, bat кенгайтмали файлларни заарлайди. Ҳозирги кунда улар қаторига офис дастурлари яратадиган файлларни ҳам киритиш мумкин. Оддий матнли файлларни заарлайдиган вируслар камдан-кам учрайди.

Компьютернинг вируслар билан заарланиш йўллари қуидагилардир:

1. Дискетлар орқали.
2. Компьютер тармоқлари орқали.

Ҳозирги пайтда ҳазил шаклидаги вируслардан тортиб компьютер қурилмаларини ишдан чиқарувчи вирусларгача мавжуд.

Масалан, Win 95.СШ вируси доимий сақлаш қурилмаси (Flash BIOS) микросхемасини бузади. Афсуски, бу каби вирусларни йўқ қилиш учун фақат улар ўз ға-

разли ишини бажариб бўлгандан сўнгтина қарши чоралар ишлаб чиқилади. Win 95.СШ вирусига қарши чораларни кўриш имконияти Dr.Web дастурида мавжуд. Компьютер вирусларидан ахборотларга рухсатсиз кириш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш. Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги пайтда ҳар хил турдаги ахборот ва дастурларни ўғирлаб олиш ниятида компьютер вирусларидан фойдаланиш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Дастурли вируслар компьютер тизимларининг хавфсизлигига таҳдид солишнинг энг самарали воситаларидан биридир. Шунинг учун ҳам дастурли вирусларнинг имкониятларини таҳлил қилиш масаласи ҳамда бу вирусларга қарши курашиб ҳозирги пайтнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди.

Вируслардан ташқари файллар таркибини бузувчи троян дастурлари мавжуд. Вирус кўпинча компьютерга сездирмасдан киради. Фойдаланувчининг ўзи троян дастурини фойдали дастур сифатида дискка ёзади. Мълум бир вақт ўтганидан кейин бузғунчи дастур ўз таъсирини кўрсатади.

Ўз-ўзидан пайдо бўладиган вируслар мавжуд эмас. Вирус дастурлари инсон томонидан компьютернинг дастурий таъминотини, унинг қурилмаларини зарарлаш ва бошқа мақсадлар учун ёзилади. Вирусларнинг хажми бир неча байтдан то ўнлаб килобайтгача бўлиши мумкин. Троян дастурлари фойдаланувчига зарар келтирувчи бўлиб, улар буйруқлар (модуллар) кетма-кетлигидан ташкил топган, омма орасида жуда кенг тарқалган дастурлар (тахрирловчилар, ўйинлар, трансляторлар) ичига ўрнатилган, бир қанча ҳодисалар бажарилиши билан ишга тушадиган «мантиқий бомба» деб атала-диган дастурдир. Ўз навбатида, «мантиқий бомба»нинг

турли кўринишларидан бири «соат механизмли бомба» хисобланади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, троян дастурлари ўз-ўзидан кўпаймасдан, компьютер тизими бўйича дастурловчилар томонидан тарқатилади.

Троян дастурлардан вирусларнинг фарқи шундаки, вируслар компьютер тизимлари бўйлаб тарқатилганида улар мустақил равишда ҳосил бўлиб, ўз иш фаолиятида дастурларга ўз матнларини ёзган ҳолда уларга зарар кўрсатади. Заарланган дастурда дастур бажарилмасидан олдин вирус ўзининг буйруклари бажарилишига имконият яратиб беради. Бунинг учун ҳам вирус дастурнинг бош қисмида жойлашади ёки дастурнинг биринчи буйруғи унга ёзилган вирус дастурига шартсиз ўтиш бўлиб хизмат қиласди. Бошқарилган вирус бошқа дастурларни заарлайди, шундан сўнг вирус ташувчи дастурга ишни топширади.

Вирус ҳаёти, одатда, кўйидаги даврларни ўз ичига олади: кўлланилиш, инкубация, репликация (ўз-ўзидан кўпайиш) ва ҳосил бўлиш. Инкубация даврида вирус пассив бўлиб, уни излаб топиш ва йўқотиш қийин. Ҳосил бўлиш даврида у ўз функциясини бажаради ва қўйилган мақсадига эришади. Таркиби жиҳатидан вирус жуда оддий бўлиб, бош қисм ва баъзи ҳолларда думдан иборат. Вируснинг бош қисми деб бошқарилишни биринчи бўлиб таъминловчи имкониятга эга бўлган дастурга айтилади. Вируснинг дум қисми заарланган дастурда бўлиб, у бош қисмидан алоҳида жойда жойлашади.

Компьютер вируслари характерига нисбатан норезидент, резидент, бутли, гиридли ва пакетли вирусларга ажратилади.

1. Файлли норезидент вируслар тўлиқлигича бажарилаётган файлда жойлашади, шунинг учун ҳам

у фақат вирус ташувчи дастур фаоллашганидан сўнг ишга тушади ва бажарилгандан кейин тезкор хотирада сақланмайди.

2. Резидент вирус, норезидент вирусдан фарқли ўлароқ, тезкор хотирада сақланади.

3. Бут вируслар бўлиб, бу вируснинг вазифаси винчестер ва эгилувчан магнитли дискларнинг юкловчи секторини ишдан чиқаришдан иборат. Бут вирусларнинг боши дискнинг юкловчи бут секторида, думи дискларнинг ихтиёрий бошқа секторларида жойлашган бўлади.

4. Пакетли вируснинг бош қисми пакетли файлда жойлашган бўлиб, у операцион тизим топширикларидан иборат.

5. Гибридли вирусларнинг боши пакетли файлда жойлашади. Бу вирус ҳам файлли, ҳам бут секторли бўлади.

6. Тармоқли вируслар компьютер тармоқларида тарқалишга мослаштирилган, яъни тармоқли вируслар деб ахборот алмашишда тарқаладиган вирусларга айтилади.

Вирусларнинг турлари:

1) файл вируслари. Бу вируслар сом, ехе каби турли файлларни заарлайди;

2) юкловчи вируслар. Компьютерни юкловчи дастурларни заарлайди;

3) драйверларни заарловчи вируслар. Операцион тизимдаги config.sys файлни заарлайди. Бу компьютернинг ишламаслигига сабаб бўлади;

4) DIR вируслари. FAT таркибини заарлайди;

5) стелс вируслари. Бу вируслар ўзининг таркибини ўзгартириб, тасодифий код ўзгариши бўйича тарқалади. Уни аниқлаш жуда қийин, чунки файлларнинг ўзи ўзгармайди;

6) Windows вируслари. Windows операцион тизими даги дастурларни заарлайди.

Мисол сифатида қуидагиларни келтириш мүмкін:

1. Энг хавфли вируслардан бири интернет орқали тарқатилган «Чернобиль» вируси бўлиб, у 26 апрелда тарқатилган ва ҳар ойнинг 26-кунида компьютерларни заарлаши мүмкін.

2. «I LOVE YOU» вируси Филиппиндан 2000 йил 4 майда E-mail орқали тарқатилган. У бутун жаҳон бўйича 45 млн компьютерни заарлаган ва ишдан чиқарган. Моддий зарар 10 млрд АҚШ долларини ташкил қилган.

3. 2003 йил март ойида Швециядан электрон почта орқали «GANDA» вируси тарқатилган ва у бутун дунёда минглаб компьютерларни заарлаган. Бу вирусни тарқатган шахс ҳозир қўлга олинган ва 4 йил қамоқ жазосига хукм этилиши мүмкін.

Асосланган алгоритмлар бўйича дастурли вирусларни қуидагича таснифлаш мүмкін:

- Паразитли вирус – файлларнинг таркибини ва дискнинг секторини ўзгартирувчи вирус. Бу вирус оддий вируслар туркумидан бўлиб, осонлик билан аниқланади ва ўчириб ташланади.

- Репликаторли вирус – «чувалчанг» деб номланади, компьютер тармоқлари бўйича тарқалиб, компьютерларнинг тармоқдаги манзилини аниқлайди ва у ерда ўзининг нусхасини қолдиради.

- Кўринмас вирус – стелс вирус деб ном олиб, заарланган файлларга ва секторларга операцион тизим томонидан мурожаат қилинса, автоматик равишда зарарланган қисмлар ўрнига дискнинг тоза қисмини тақдим этади. Натижада ушбу вирусларни аниқлаш ва тозалаш жуда катта қийинчилик туғдирали.

- Мутант вирус – шифрлаш ва дешифрлаш алгоритмларидан иборат, натижада вирус нусхалари умуман бир-бирига ўхшамайди. Ушбу вирусларни аниқлаш жуда қийин.
- Квазивирус вирус – «Троян» дастурлари деб ном олган, ушбу вируслар кўпайиш хусусиятига эга бўлмас-да, «фойдали» қўисм-дастур ҳисобида бўлиб, антивирус дастурлар томонидан аниқланмайди. Шу боис улар ўзларида мукаммалаштирилган алгоритмларни тўсиқсиз бажариб, қўйилган мақсадларига эришишлари мумкин.

6.10. Антивирус дастурлари

Ҳозирги вактда вирусларни йўқотиш учун кўпгина усуллар ишлаб чиқилган ва бу усуллар билан ишлайдиган дастурларни антивируслар деб аташади. Антивирусларни қўлланиш усулига кўра қуидагиларга ажратишимиш мумкин: детекторлар, фаглар, вакциналар, прививкалар, ревизорлар, мониторлар.

1. Детекторлар – вируснинг сигнатураси (вирусга таалуқли байтлар кетма-кетлиги) бўйича тезкор хотира ва файлларни кўриш натижасида маълум вирусларни топади ва хабар беради. Янги вирусларни аниқлай олмаслиги детекторларнинг камчилиги ҳисобланади.

2. Фаглар ёки докторлар – детекторларга хос бўлган ишни бажарган ҳолда зааралangan файлдан вирусларни чиқариб ташлайди ва файлни оддинги ҳолатига қайтаради.

3. Вакциналар – юқоридагилардан фарқли равишда, ҳимояланаетган дастурга ўрнатилади. Натижада дастур зааралangan деб ҳисобланиб, вирус томонидан ўзгартирилмайди. Фақатгина маълум вирусларга нисбатан

вакцина қилиниши унинг камчилигидир. Шу боис ҳам ушбу антивирус дастурлари кенг тарқалмаган.

4. Прививка – файлларда худди вирус заарлагандек из қолдиради. Бунинг натижасида вируслар «прививка қилинган» файлга ёпишмайди.

5. Фильтрлар – кўриқловчи дастурлар кўринишида бўлиб, резидент ҳолатда ишлаб турари ва вирусларга хос жараёнлар бажарилганида бу ҳақда фойдаланувчи-га хабар беради.

6. Ревизорлар – энг ишончли ҳимояловчи восита, дискнинг биринчи ҳолатини хотирасида сақлаб, ундаги кейинги ўзгаришларни доимий равишда назорат қилиб боради.

Детектор дастурлар компьютер хотирасидан, файллардан вирусларни қидиради ва аникланган вируслар ҳақида хабар беради. Доктор дастурлари нафақат вирус билан қасалланган файлларни топади, балки уларни даволаб дастлабки ҳолатига қайтаради. Бундай дастурларга Aidstest, Doctor Web дастурларини мисол келтириш мумкин. Янги вирусларнинг тўхтовсиз пайдо бўлиб туришини ҳисобга олиб доктор дастурларини ҳам янги версиялари билан алмаштириб туриш лозим. Фильтр дастурлар компьютер фаолияти жараёнида вирусларга хос бўлган шубҳали ҳаракатларни топиш учун ишлатилади.

Бу ҳаракатлар куйидагича бўлиши мумкин:

- файллар атрибутларининг ўзгариши;
- дискларга доимий манзилларда маълумотларни ёзиш;
- дискнинг ишга юкловчи секторларига маълумотларни ёзib юбориши.

Текширувчи (ревизор) дастурлари вирусдан ҳимоялинишнинг энг ишончли воситаси бўлиб, компьютер зарарланмаган ҳолатидаги дастурлар, каталоглар ва дискнинг тизим майдони ҳолатини хотирада сақлаб,

доимий равища ёки фойдаланувчи ихтиёри билан компьютернинг жорий ва бошланғич ҳолатларини бир-бири билан солиштиради. Бунга ADINF дастурини мисол келтириш мумкин.

6.11. Вирусларга қарши чора-тадбирлар

Компьютерни вируслар билан заарланишдан сақлаш ва ахборотларни ишончли сақлаш учун қуидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

- компьютерни замонавий антивирус дастурлар билан таъминлаш;
- дискеталарни ишлатишдан олдин ҳар доим вирусга қарши текшириш;
- қимматли ахборотларнинг нусхасини ҳар доим архив файл кўринишида сақлаш.

Компьютер вирусларига қарши курашнинг қуидаги турлари мавжуд:

- вируслар компьютерга кириб бузган файлларни ўз ҳолига қайтарувчи дастурларнинг мавжудлиги;
- компьютерга пароль билан кириш, диск юритувчиларнинг ёпиқ туриши;
- дискларни ёзишдан ҳимоялаш;
- лицензион дастурий таъминотлардан фойдаланиш ва ўғирланган дастурларни қўлламаслик;
- компьютерга киритилаётган дастурларда вирусларнинг мавжудлигини текшириш;
- антивирус дастурларидан кенг фойдаланиш;
- даврий равища компьютерларни антивирус дастурлари ёрдамида вирусларга қарши текшириш.

Антивирус дастурларидан DrWeb, Adinf, AVP, BootCHK ва Norton Antivirus, Kaspersky Security кабилар кенг қўлланилади.

Компьютер телефониясидаги ҳимоялаш усуллари

Электрон коммуникацияларнинг замонавий технологиялари кейинги йилларда ишбилармонларга алоқа каналлари бўйича ахборотнинг турлича кўринишларини (масалан, факс, видео, компьютерли, нутқли ахборотлар) узатишда кўпгина имкониятлар яратиб бермоқда. Замонавий офис бугунги кунда алоқа воситалари ва ташкилий техника билан ҳаддан ташқари тўлдириб юборилган, уларга телефон, факс, автожавоб аппарати, модем, сканер, шахсий компьютер ва ҳ.к. киради. Замонавий техника учун ахборот-коммуникация технологияси – компьютерлар телефонияси ривожланishi билан катта туртки берилди. Бор-йўғи ўн йил илгари сотувга CANON фирмасининг нархи 6000 АҚШ доллари бўлган «Navigator» номли маҳсулоти чиқарилган эди ва у биринчи тизимлардан ҳисобланади. Компьютер телефонияси ўн йил ичида жуда тез суръатлар билан ривожланди. Ҳозирги пайтда сотувда мавжуд бўлган «PC Phone» (Export Industries Ltd, Israel) маҳсулотининг нархи бор-йўғи 1000 немис маркаси туради. «Powerline-II»нинг (Talking Technology, ША) нархи эса 800 АҚШ долларидир. Кейинги пайтларда компьютер телефонияси йуналишида 70% аппарат воситаларини Dialogue (USA) фирмаси ишлаб чиқармоқда.

Компьютер телефониясида ахборотларнинг хавфсизлигини тъминлаш катта аҳамиятта эга. Масалан, телефон хакерларининг Скотланд-Ярд АТСига кириб 1,5 млн АҚШ доллари миқдорида зарар келтиришганлиги хавфсизликнинг зарурлигини исботлайди. Компьютер телефониясида қўлланилаётган нутқни аниқловчи технология телефон қилувчининг овозидан таниб олишда муҳим аҳамиятга эгадир. Компьютер телефониясининг ҳимоясини етарли

даражада таъминлаш учун Pretty Good Privacy Inc. фирмасининг PC Phone 1.0 дастурий пакети ишлаб чиқарилган. У компьютер телефонияси орқали узатилаётган ахборотларни ҳимоялаш учун ахборотларни рақамли кўринишга ўтказади ва қабул пайтида дастурий-техник воситалар ёрдамида қайта ишлайди. Замонавий компьютер телефонияси воситаларининг шифрлаш тезлиги ҳам жуда юқори, хато қилиш эҳтимоли эса жуда кичик.

6.12. Компьютер тармоқларида замонавий ҳимоялаш усуллари ва воситалари

Компьютер тармоқларида ахборотни ҳимоялаш деб фойдаланувчиларни рухсатсиз тармоқ элементлари ва захираларига эгалик қилишини ман этишдаги техник, дастурий, криптографик усул ва воситалар, ташкилий тадбирларга айтилади. Бевосита телекоммуникация каналларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш усул ва воситаларини куйидагича таснифлаш мумкин. Аппаратларга, маълумот ташувчиларга ва бошқаларга киришга физикавий усуллар билан қаршилик кўрсатиш деб айтилади.

Эгаликни бошқариш тизим захиралари билан ишлапни тартибга солиш усулидир. Ушбу усул куйидаги функциялардан иборат:

- тизимнинг ҳар бир обьектини, элементини идентификациялаш, масалан, фойдаланувчиларни;
- идентификация бўйича обьект ёки субъектнинг хақиқий, асл эканлигини аниқлаш;
- ваколатларни текшириш, яъни танланган иш тартиби бўйича (регламент) ҳафта кунини, кунлик соатни, талаб қилинадиган захираларни қўллаш мумкинлигини текшириш;

- қабул қилинган регламент бўйича ишлаш шароитларини яратиш ва ишлашга рухсат бериш;
- ҳимояланган захираларга қилинган мурожаатларни қайд этиш;
- рухсатсиз ҳаракатларга жавоб бериш, масалан, сигнал бериш, ўчириб қўйиш, сўровномани бажаришдан воз кечиш ва ҳ.к.

Ниқоблаш – маълумотларни ўқиб олишни қийинлаштириш мақсадида уларни криптография орқали кодлаш.

Тартиблаш – маълумотлар билан ишлашда шундай шарт-шароитлар яратиладики, рухсатсиз тизимга кириб олиш эҳтимоли камайтирилади.

Мажбурлаш – қабул қилинган қоидаларга асосан маълумотларни қайта ишлаш, акс ҳолда, фойдаланувчилар моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ундамоқ – ахлоқ-одоб қоидаларига биноан қабул қилинган тартибларни бажаришга йўналтирилган.

Юқорида келтирилган усусларни амалга оширишда куйидагича таснифланган воситаларни татбиқ этишади.

Расмий воситалар шахслар иштирокисиз ахборотларни ҳимоялаш функцияларини бажарадиган воситалардир.

Норасмий воситалар бевосита шахслар фаолияти ёки унинг фаолиятини аниқлаб берувчи регламентлардир.

Техникавий воситалар деганда электр, электромеханик ва электрон қурилмалар тушунилади. Техникавий воситалар, ўз навбатида, физикавий ва аппаратли бўлиши мумкин.

Аппарат-техник воситалари деб телекоммуникация қурилмаларига киритилган ёки у билан интерфейс

орқали уланган қурилмаларга айтилади. Масалан, мълумотларни назорат қилишнинг жуфтлик чизмаси, яъни жўнатиладиган мълумот йўлда бузиб талқин этилишини аниқлашда қўлланиладиган назорат бўлиб, автоматик равишда иш сонининг жуфтлигини (назорат разряди билан биргаликда) текширади.

Физиковий техник воситалар автоном ҳолда ишлайдиган қурилма ва тизимлардир. Масалан, оддий эшик қулфлари, деразада ўрнатилган темир панжаралар, қўриқлаш электр ускуналари физиковий техник воситаларга киради.

Дастурий воситалар ахборотларни ҳимоялаш функцияларини бажариш учун мўлжалланган маҳсус дастурий таъминотдир. Ахборотларни ҳимоялашда, биринчи навбатда, энг кенг қўлланилган дастурий воситалар ҳозирги кунда иккинчи даражали ҳимоя воситаси ҳисобланади. Бунга мисол сифатида пароль тизимини келтириш мумкин.

Ташкилий ҳимоялаш воситалари телекоммуникация ускуналарининг яратилиши ва қўлланиши жараёнида қабул қилинган ташкилий-техникавий ва ташкилий-хукуқий тадбирлардир. Бунга бевосита мисол сифатида куйидаги жараёнларни келтириш мумкин: биноларнинг қурилиши, тизимни лойиҳалаш, қурилмаларни ўрнатиш, текшириш ва ишга тушириш.

Ахлоқий ва одобий ҳимоялаш воситалари ҳисоблаш техникасининг ривожланиши оқибатида пайдо бўладиган тартиб ва келишувлардир. Ушбу тартиблар қонун даражасида бўлмаса-да, уни тан олмаслик фойдаланувчилар обрўсига зиён етказиши мумкин.

Конуний ҳимоялаш воситалари давлат томонидан ишлаб чиқилган хукуқий хужжатлар саналади. Улар

бевосита ахборотлардан фойдаланиш, қайта ишлаш ва узатишни тартиблаштиради, ушбу қоидаларни бузувчилярнинг масъулиятини аниқлаб беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган қоидаларда ахборотни ҳимоялаш гурӯҳларини ташкил қилиш, уларнинг ваколатлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги аниқ ёритиб берилган.

Хавфсизликни таъминлаш усувлари ва воситаларининг ривожланишини уч босқичга ажратиш мумкин:

- 1) дастурий воситаларнинг ривожланиши;
- 2) барча йўналишлар бўйича ривожланиши;
- 3) ушбу босқичда қуйидаги йўналишлар бўйича ривожланишлар кузатилмоқда:
 - ҳимоялаш функцияларини аппаратли амалга ошириш;
 - бир неча ҳимоялаш функцияларини қамраб олган воситаларни яратиш;
 - алгоритм ва техникавий воситаларни умумлаштириш ва стандартлаш.

Хозирги кунда маълумотларнинг рухсатсиз четга чиқиб кетиш йўллари қуйидагилардан иборат:

- электрон нурларни четдан туриб ўқиб олиш;
- алоқа кабелларини электромагнит тўлқинлар билан нурлатиш;
- яширин тинглаш қурилмаларини қўллаш;
- масофадан расмга тушириш;
- принтердан чиқадиган акустик тўлқинларни ўқиб олиш;
- маълумот ташувчиларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини ўғирлаш;
- тизим хотирасида сақланиб қолган маълумотларни ўқиб олиш;

- ҳимояни енгиб маълумотлардан нусха олиш;
- қайд қилинган фойдаланувчи никобида тизимга кириш;
- дастурий тузоқларни кўллаш;
- дастурлаш тиллари ва операцион тизимларнинг камчиликларидан фойдаланиш;
- дастурларда маҳсус белгиланган шароитларда ишга тушиши мумкин бўлган қисм дастурларнинг мавжуд бўлиши;
- алоқа ва аппаратларга ноқонуний уланиш;
- ҳимоялаш воситаларини қасддан ишдан чиқариш;
- компьютер вирусларини тизимга киритиш ва ундан фойдаланиш.

Ушбу йўллардан деярли барчасининг олдини олиш мумкин, лекин компьютер вирусларидан ҳозиргacha қоникарли ҳимоя воситалари ишлаб чиқилмаган.

Бевосита тармоқ бўйича узатиладиган маълумотларни ҳимоялаш мақсадида қўйидаги тадбирларни бажариш керак бўлади:

- узатиладиган маълумотларни очиб ўқишдан сақланиш;
- узатиладиган маълумотларни тахлил қилишдан сақланиш;
- узатиладиган маълумотларни ўзгартиришга йўл қўймаслик ва ўзгартиришга уринишларни аниқлаш;
- маълумотларни узатиш мақсадида кўлланиладиган дастурий узилишларни аниқлашга йўл қўймаслик;
- фирибгар уланишларнинг олдини олиш.

Ушбу тадбирларни амалга оширишда асосан криптографик усууллар кўлланилади.

Шахсий компьютер ҳимоясини таъминлашнинг техник воситалари

Компьютер орқали содир этиладиган жиноятлар оқибатида фақатгина АҚШ ҳар йили 100 млрд доллар зарар кўради. Ўртacha ҳар бир жиноятда 430 минг доллар ўғирланади ва жиноятчини қидириб топиш эҳтимоли 0,004% ни ташкил этади. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу жиноятларнинг 80% бевосита корхонада ишлайдиган ходимлар томонидан амалга оширилади.

Содир этиладиган жиноятларнинг таҳлили қуйидаги хуносаларни беради:

- кўпгина ҳисоблаш тармоқларида фойдаланувчи исталган ишчи ўриндан тармоққа уланиб фаолият кўрсатиши мумкин. Натижада жиноятчи бажарган ишлар қайси компьютердан амалга оширилганини аниқлаш қийин бўлади;
- ўғирлаш натижасида ҳеч нима йўқолмайди, шу боис кўпинча жиноий иш юритилмайди;
- маълумотларга нисбатан мулкчилик хусусияти йўқлиги;
- маълумотларни қайта ишлаш жараёнида йўл қўйилган хатолик ўз вақтида кузатилмайди ва тузатилмайди, натижада келгусида содир бўладиган хатоларнинг олдини олиб бўлмайди;
- содир этиладиган компьютер жиноятлари ўз вақтида эълон қилинмайди, бунинг сабаби ҳисоблаш тармоқларида камчиликлар мавжудлигини бошқа ходимлардан яширишдир.

Ушбу камчиликларни бартараф қилишда ва компьютер жиноятларини камайтиришда қуйидаги чора-тадбирларни ўтказиш керак бўлади:

- персонал масъулиятини ошириш;

- ишга қабул қилинадиган ходимларни текширувдан ўтказиш;
- мұхим вазифаны бажарувчи ходимларни алмаштириб туриш;
- пароль ва фойдаланувчиларни қайд этишни яхши йўлга қўйиш;
- маълумотларга эгалик қилишни чеклаш;
- маълумотларни шифрлаш.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши оқибатида кўпгина ахборотни ҳимоялаш инструментал воситалари ишлаб чиқилган. Улар дастурий, дастурий-техник ва техник воситалардир.

Ҳозирги кунда тармоқ хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган техникавий воситаларни куйидагича таснифлаш мумкин:

Физикавий ҳимоялаш воситалари махсус электрон курилмалар ёрдамида маълумотларга эгалик қилишни тақиқлаш воситалариdir.

Мантиқий ҳимоялаш дастурий воситалар билан маълумотларга эгалик қилишни тақиқлаш учун кўлланилади.

Тармоқлараро экранлар ва шлюзлар тизимга келадиган ҳамда ундан чиқадиган маълумотларни маълум ҳужумлар билан текшириб боради ва протоколлаштиради.

Хавфсизликни аудитлаш тизимлари жорий этилган операцион тизимдан ўрнатилган параметрлар заифлигини қидиришда кўлланиладиган тизимдир.

Реал вақтда шлайдиган хавфсизлик тизими доимий равища тармоқнинг хавфсизлигини таҳлил этиш ва аудитлашни таъминлайди.

Статистик тестларни ташкиллаштириши воситалари ахборот тизимларининг сифати ва ишончлилигини текширишда қўлланиладиган воситадир.

Аниқ йўналтирилган тестлар ахборот-коммуникация технологияларининг сифати ва ишончлилигини текширишда қўлланилади.

Хавфларни имитация қилиш – ахборот тизимларiga нисбатан хавфлар яратилади ва ҳимоянинг самародорлиги аниқланади.

Статистик таҳлиллагичлар дастурларнинг тузилиш таркибидаги камчиликларни аниқлаш, дастурлар кодида аниқланмаган кириш ва чиқиш нуқталарини топиш, дастурдаги ўзгарувчилар тўғри аниқланганлигини ва кўзда тутилмаган ишларни бажарувчи қисм дастурларини аниқлашда фойдаланилади.

Динамик таҳлиллагичлар бажариладиган дастурларни кузатиб бориш ва тизимда содир бўладиган ўзгаришларни аниқлашда қўлланилади.

Тармоқнинг заифлигини аниқлаш тармоқ захираларига сунъий ҳужумларни ташкил қилиш билан мавжуд заифликларни аниқлашда қўлланилади.

Мисол сифатида қуйидаги воситаларни келтириш мумкин:

- Dallas Lock for Administrator мавжуд электрон Proximity ускунаси асосида яратилган дастурий-техник восита бўлиб, бевосита маълумотларга рухсатсиз киришни назорат қилишда қўлланилади;

- Security Administrator Tool for ANALYZING Networks (SATAN) дастурий таъминот бўлиб, бевосита тармоқнинг заиф томонларини аниқлади ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб беради. Ущбу йўналиш бўйича бир неча дастурлар ишлаб чиқилган,

масалан, Internet Security Scanner, Net Scanner, Internet Scanner ва ҳ.к.

- NBS тизими дастурий-техник восита бўлиб, алоқа каналларидағи маълумотларни ҳимоялашда қўлланилади;
- Free Space Communication System тармоқда маълумотларнинг ҳар хил нурлар орқали, масалан, лазерли нурлар орқали алмашувини таъминлайди;
- SDS тизими – ушбу дастурий тизим маълумотларни назорат қиласди ва қайдномада акс эттиради. Асосий вазифаси маълумотларни узатиш воситаларига рухсатсиз киришни назорат қилишдир;
- Timekey дастурий-техник ускунадир, бевосита ЭҲМнинг параллел портига ўрнатилади ва дастурларнинг белгиланган вақтда кенг қўлланилишини тақиқлайди;
- IDX дастурий-техник восита, фойдаланувчининг бармоқ изларини «ўқиб олиш» ва уни таҳлил қилувчи техникалардан иборат бўлиб, юқори сифатли ахборот хавфсизлигини таъминлайди. Бармоқ изларини ўқиб олиш ва хотирада сақлаш учун 1 минутгача, уни таққослаш учун эса 6 секундгача вақт талаб этилади.

6.13. Телекоммуникация тармоқларида узатилаётган ахборотни ҳимоялаш

Ҳозирги вақтда мавжуд ахборот тизимларида жуда катта ҳажмда маҳфий ахборотлар сакланади ва уларни ҳимоялаш энг долзарб муаммолардан биридир. Масалан, биргина АҚШ Мудофаа вазирлигига айни чоғда 10000 компьютер тармоқлари ва 1,5 млн компьютерларга қарашли ахборотларнинг аксарият қисми маҳфий эканлиги ҳаммага аён. Бу компьютерларга 1999 йили 22144 мар-

та турлича хужумлар уюштирилган, уларнинг 600 таси Пентагон тизимларининг вақтингчалик ишдан чиқишига олиб келган, 200 тасида эса махфий бўлмаган маълумотлар базаларига рухсатсиз кирилган, оқибатда Пентагон 25 млрд АҚШ доллари миқдорида иқтисодий зарар кўрган. Бунаقا хужумлар 2000 йили 25000 марта амалга оширилган. Уларга қарши курашиб учун Пентагон томонидан янги технологиялар яратишга 2002 йили Carnegie Mellon университетига 35,5 млн АҚШ доллари миқдорида грант ажратилган. Маълумотларга қараганда, ҳар йили АҚШ хукумати компьютерларига ўртacha хисобда 250 – 300 минг хужум уюштирилади ва улардан 65% муваффақиятли амалга оширилади.

Замонавий автоматлаштирилган ахборот тизимлари тараққиёт дастурий-техник мажмуасидир ва улар ахборот алмашувини талаб этадиган масалаларни ечишни таъминлайди. Кейинги йилларда фойдаланувчиларнинг ишини енгиллатиш мақсадида янгиликларни тарқатиш хизмати USENET-NNTP, мультимедиа маълумотларини INTERNET-HTTP тармоғи орқали узатиш каби протоколлар кенг тарқалди. Бу протоколлар бир қанча ижобий имкониятлари билан бирга анчагина камчиликларга ҳам эга, бу камчиликлар тизимнинг захираларига рухсатсиз киришга йўл қўйиб бермоқда. Масалан, АҚШ Ахборотни ҳимоялаш миллий ассоциацияси аъзоси Дэвид Кеннедининг маълумотига кура, Буэнос-Айресда яшовчи 21 ёшли Жулио Цезар Ардита қўлга олинган. Бунинг сабаби Ардитанинг АҚШ ҳарбий денгиз кучлари, НАСА ҳамда АҚШ, Бразилия, Чили, Корея, Мексика, Тайвань университетлари компьютер тизимларига хужумлар уюштирганлиги ва уларга рухсатсиз киргандигидир.

Ахборот тизимларининг асосий таъсирчан қисмлари
куйидагилар:

- INTERNET тармоғидаги серверлар. Бу серверлар: дастурлар ёки маълумотлар файлларини йўқ килиш орқали; серверларни ҳаддан ташқари кўп тугалланмаган жараёнлар билан юклаш орқали; тизим журналинг кескин тўлдириб юборилиши орқали; броузер дастурларининг ишламай қолишига олиб келувчи файлларни нусхалаш орқали ишдан чиқарилади;
- маълумотларни узатиш каналлари – бирор-бир порт орқали ахборот олиш мақсадида яширин канални ташкил этувчи дастурлар юборилади;
- маълумотларни тезкор узатиш каналлари – бу каналлар жуда кўп миқдорда ҳеч кимга керак бўлмаган файллар билан юкланди ва уларнинг маълумот узатиш тезлиги сусайиб кетади;
- янгиликларни узатиш каналлари – бу каналлар эскирган ахборот билан тўлдириб ташланади ёки каналлар умуман йўқ қилиб ташланади;
- ахборотларни узатиш йўли – USENET тармоғида янгиликлар пакетининг маршрути бузилади;
- JAVA броузерлари – SUN фирмаси яратган JAVA тили имкониятларидан фойдаланиб апплетлар (applets) ташкил этиш орқали маълумотларга рухсатсиз кириш мумкин бўлади. JAVA апплетлари тармоқда автоматик равишда ишга тушиб кетади, бунинг натижасида фойдаланувчи бирор-бир хужжатни ишлатаётган пайтда ҳақиқатда нима содир бўлишини ҳеч қачон кўролмайди, масалан, тармоқ вирусларини ташкил этиш ва JAVA апплетлари орқали вирусларни жўнатиш мумкин бўлади ёки фойдаланувчининг кредит карталари рақамларига эгалик қилиш имконияти вужудга келади.

АҚШ саноат шпионажига қарши кураш ассоциациясининг текширишлариға асосан компьютер тармоқлашынан да ахборот тизимларига ҳужумлар қуидаги таснифланади: 20% аралаш ҳужумлар; 40% ички ҳужумлар ва 40% ташқи ҳужумлар. Жуда күп ҳолларда бунақа ҳужумлар муваффакиятли ташкил этилади. Масалан, Буюк Британия саноати компьютер жиноятлари сабабли ҳар йили 1 млрд фунт стерлинг зарар күради.

Демак, юқорида олиб борилган таҳлилдан шу нараса күринадики, ҳозирги пайтда компьютер тармоқлари жуда күп таъсирчан қисмларга эга бўлиб, улар орқали ахборотларга рухсатсиз киришлар амалга оширилмоқда ёки маълумотлар базалари йўқ қилиб юборилмоқда, оқибатда инсоният миллиардлаб миқдорда иқтисодий зарар кўрмокда.

Электрон почтага рухсатсиз кириши

Интернет тизимидағи электрон почта жуда кўп ишлатилаётган ахборот алмашиш каналларидан бири ҳисобланади. Электрон почта ёрдамида ахборот алмашуви тармоқдаги ахборот алмашувининг 30% ни ташкил этади. Бунда ахборот алмашуви бор-йўғи иккита протокол: SMTP (Simple Mail Transfer Protocol) ва POP-3 (Post Office Protocol)ни ишлатиш ёрдамида амалга оширилади. POP-3 мўлтимедиа технологияларининг ривожини акс эттиради, SMTP эса Appanet проекти даражасида ташкил этилган эди. Шунинг учун бу протоколларнинг ҳаммага очиқлиги сабабли электрон почта ресурсларига рухсатсиз киришга имкониятлар яратиб берилмоқда:

– SMTP сервер дастурларининг нокоррект ўрнатилиши туфайли бу серверлардан рухсатсиз фойдаланил-

мөкдә ва мазкур технология «спам» технологияси номи билан маълум;

— электрон почта хабарларига рухсатсиз эгалик қилиш учун оддийгина ва самарали усуллардан фойдаланилмоқда, яъни куйи қатламларда винчестердаги маълумотларни ўқиш, почта ресурсларига кириш паролини билиб олиш ва ҳ.к.

Маълумотларга рухсатсиз кишининг дастурий ва техник воситалари

Маълумки, ҳисоблаш техникаси воситалари иши электромагнит нурланиши орқали бажарилади, бу эса, ўз навбатида, маълумотларни тарқатиш учун зарур бўлган сигналлар захирасидир. Бундай қисмларга компьютерларнинг платалари, электрон таъминот манбалари, принтерлар, плоттерлар, алоқа аппаратлари ва ҳ.к. киради. Лекин статистик маълумотлардан асосий юқори частотали электромагнит нурланиш манбай сифатида дисплейнинг рол ўйнаши маълум бўлди. Бу дисплейларда электрон нурли трубкалар ўрнатилади. Дисплей экранида тасвир худди телевизордагидек. Бу эса видеосигналларга эгалик қилиш, ўз навбагида, ахборотларга эгалик қилиш имкониятини яратади. Дисплей экранидаги кўрсатув нусхаси телевизорда ҳосил бўлади. Юқорида келтирилган компьютер қисмларидан бошқа ахборотга рухсатсиз эгалик қилиш мақсадида тармоқ кабеллари ҳамда серверлардан ҳам фойдаланилмоқда. Компьютер тизимлари захираларига рухсатсиз кириш деганда мазкур тизим маълумотларидан фойдаланиш, уларни ўзгартириш ва ўчириб ташлаш ҳаракатлари тушунилади.

Агар компьютер тизимлари рухсатсиз киришдан ҳимояланиш механизмларига эга бўлса, рухсатсиз кириш ҳаракатлари қуидагича ташкил этилади:

- ҳимоялаш механизмини олиб ташлаш ёки кўринишни ўзгартириш;
- тизимга бирор-бир фойдаланувчининг номи ва пароли билан кириш.

Агар биринчи ҳолда дастурнинг ўзгартирилиши ёки тизим сўровларининг ўзгартирилиши талаб этилса, иккинчи ҳолда мавжуд фойдаланувчининг паролини клавиатура орқали киритаётган пайтда кўриб олиш ва ундан фойдаланиш орқали рухсатсиз кириш амалга оширилади.

Маълумотларга рухсатсиз эгалик қилиш учун зарур бўлган дастурларни татбиқ этиш усуллари қуидагилардир:

- компьютер тизимлари захираларига рухсатсиз эгалик қилиш;
- компьютер тармоғи алоқа каналларидаги хабар алмашуви жараёнига рухсатсиз аралашув;
- вирус кўринишидаги дастурий камчиликларни (дефектларни) киритиши.

Кўпинча компьютер тизимида мавжуд заиф қисмларни «тешик»лар, «люк»лар деб аташади. Баъзан дастурчиларнинг ўзи дастур тузиш пайтида бу «тешик»ларни қолдиришади, масалан:

- натижавий дастурий маҳсулотни енгил йиғиш мақсадида;
- дастур тайёр бўлганидан кейин яширинча дастурга кириш воситасига эга бўлиш мақсадида.

Мавжуд «тешик»ка зарурий буйруқлар қўйилади ва бу буйруқлар керакли пайтда ўз ишини бажариб бора-

ди. Вирус күринишидаги дастурлар эса маълумотларни йўқотиши ёки қисман ўзгартариш, иш сеансларини бузиш учун ишлатилади.

Юкорида келтирилганлардан хulosа ясад маълумотларга рухсатсиз эгалик қилиш учун дастурий мосламалар энг кучли ва самарали инструмент бўлиб, компьютер ахборот захираларига катта хавф туғдириши ва уларга қарши кураш энг долзарб муаммолардан бири эканлигини таъкидлаш мумкин.

Компьютер тармоқларида маълумотларнинг тарқалиши каналлари

Ҳозирги вактда локал ҳисоблаш тармоқлари (LAN) ва глобал ҳисоблаш тармоқлари (WAN) орасидаги фарқлар йўқолиб бормоқда. Масалан, Netware 4x ёки Vines 4.11. операцион тизимлари LAN нинг фаолиятини худудий даражасига чиқармоқда. LAN имкониятларининг ортиши маълумотларни ҳимоялаш усулларини янада такомилластиришни талаб қилмоқда.

Ҳимоялаш воситаларини ташкил этишда куйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- тизим билан алоқада бўлган субъектлар сонининг кўплиги, кўпгина ҳолларда баъзи бир фойдаланувчиларнинг назоратда бўлмаслиги;
- фойдаланувчига зарур бўлган маълумотларнинг тармоқда мавжудлиги;
- тармоқлarda турли фирмалар ишлаб чиқарган шахсий компьютерларнинг ишлатилиши;
- тармоқ тизимида турли дастурларни ишлатиш имконияти;
- тармоқ элементлари турли мамлакатларда жойлашганлиги сабабли бу давлатларга тортилган алоқа кабел-

ларининг узунлиги ва уларни тўлиқ назорат қилишнинг қарийб иложсизлиги;

- ахборот захираларидан бир вақтнинг ўзида бир қанча фойдаланувчиларнинг фойдаланиши;
- тармоқка бир қанча тизимларнинг қўшилиши;
- тармоқнинг енгилгина кенгайиши, яъни тизим чегарасининг ноаниклиги ва унда ишловчиларнинг ким эканлиги номаълумлиги;

Тармоқни ҳимоялаш зарурлиги қуйидаги ҳоллардан келиб чиқади:

- бошқа фойдаланувчилар массивларини ўқиш;
- компьютер хотирасида қолиб кетган маълумотларни ўқиш;
- ҳимоя чораларини айланиб ўтиб маълумот ташувчилардан нусха олиш;
- фойдаланувчи сифатида яширинча ишлаш;
- дастурий тутгичларни ишлатиш;
- дастурлаш тилларининг камчиликларидан фойдаланиш;
- ҳимоя воситаларини билиб туриб ишдан чиқариш;
- компьютер вирусларини киритиш ва ишлатиш.

Тармоқ муҳофазасини ташкил этишда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- муҳофаза тизимининг назорати;
- файлларга киришнинг назорати;
- тармоқка маълумот узатишнинг назорати;
- ахборот захираларига киришнинг назорати;
- тармоқ билан уланган бошқа тармоқларга маълумот тарқалишининг назорати.

Махфий ахборотни қайта ишлаш учун керакли текширувдан ўтган компьютерларни ишлатиш лозим бўлади. Муҳофаза воситаларининг функционал тўлиқ бўлиши муҳим. Бунда тизим администраторининг иши ва олиб бораётган назорати катта аҳамиятга эгадир. Масалан, фойдаланувчиларнинг тез-тез паролларини алмаштириб туришлари ва паролларнинг жуда узунлиги уларни аниқлашни қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам янги фойдаланувчини қайд этишни чеклаш (масалан, фақат иш вақтида ёки фақат ишлаётган корхонасида) муҳим. Фойдаланувчининг ҳақиқийлигини текшириш учун тескари алоқа қилиб туриш лозим (масалан, модем ёрдамида). Ахборот захираларига кириш хукукини чегаралаш механизмини ишлатиш ва унинг таъсирини LAN объектларига тўлалигича ўтказиш мумкин.

Тармоқ элементлари ўртасида ўтказилаётган маълумотларни муҳофаза этиш учун куйидаги чораларни кўриш керак:

- маълумотларни аниқлаб олишга йўл қўймаслик;
- ахборот алмасишини таҳлил қилишга йўл қўймаслик;
- хабарларни ўзгартиришга йўл қўймаслик;
- яширинча уланишга йўл қўймаслик ва бу ҳолларни тезда аниқлаш.

Маълумотларни тармоқда узатиш пайтида криптографик химоялаш усулларидан фойдаланилади. Қайд қилиш журналига рухсат этилмаган киришлар амалга оширилганлиги хақида маълумотлар ёзилиб турилиши керак. Бу журналга киришни чегаралаш ҳам ҳимоя воситалари ёрдамида амалга оширилиши лозим.

Компьютер тармоғида назорат олиб боришининг мураккаблигига асосий сабаб дастурий таъминот устидан назорат олиб боришининг мураккаблигидир.

Бундан ташқари, компьютер вирусларининг кўплиги ҳам тармоқда назоратни олиб боришни қийинлаштиради. Ҳозирги вақтгача муҳофазалаш дастурий таъминоти хилма-хил бўлса ҳам, операцион тизимлар зарурий муҳофазанинг керакли даражасини таъминламас эди. Netware 4.1, Windows NT операцион тизимлари етарли даражада муҳофазани таъминлаши мумкин.

6.14. Телекоммуникация тармоқларида ишлатиладиган коммутация турлари

A. Каналлар коммутацияси.

Умуман, ҳар қандай коммутациянинг асосий вазифаси компьютер тармоқларида ҳаракатланаётган маълумотларни аниқлаб, уларнинг бориш манзилига қараб йўналишини, энг муқобил каналини топиб, етказиб беришдан иборат. Ушбу вазифани тармоқда ўрнатилган маршрутизаторлар бажаради.

Канал коммутациясининг вазифаси тармоққа уланган узатувчи билан қабул қилувчи орасидаги жисмоний алоқа каналини яратиб беришдан иборат.

Асосий афзалликлари қўйидагилардан иборат:

1. Аниқ ва ўзгармас маълумотларни узатиш тезлиги, ҳар қандай тезликни ўрнатиш мумкинлиги.

2. Реал вақтда ҳар қандай маълумотларни (овоз, видео ва б.) сифатли ва қисқа вақт ичida етказиб бериш.

Асосий камчиликлари:

1. Манзиллар орасидаги тугунларни боғловчи транзит алоқа каналлари бандлиги сабабли тармоққа кириш мумкин эмаслиги.

2. Жисмоний алоқа каналларини ўтказиш қобилиягининг пастлиги.

3. Маълумотларни узатишдан олдин уларнинг боғланиси учун вакт сарфланиши.

Б. Ахборотлар коммутацияси.

Ҳар қандай ҳажмдаги (узунликдаги) ахборотларни узатувчидан қабул қилувчига етказиб берувчи принципида асосланган. Ахборотлар манзилига етиб бориш даврида тугунларда ушланиб қолиши мумкин. Улар асосан компьютернинг дискларида сақланади. Шунинг учун кўп вакт талаб қиласи ва компьютер тармоғини қимматлаштиради.

В. Пакетлар коммутацияси.

Бугунги кунда энг самарали ҳисобланадиган коммутация туридир. Пакетлар асосан ахборотларнинг бўлинишидан иборат бўлиб, ҳар бир пакетнинг узунлиги (ҳажми) 46 байтдан 1500 байтгача бўлишилиги мумкин. Ҳар бир пакет бош сарлавҳадан, маълумотни юборувчисининг ва қабул қилувчисининг манзилларидан иборат бўлади ҳамда улар кетма-кет рақамланади. Пакетлар ҳар хил йўналишлардан бориб охирги тугунда қайта ийғилади ва қабул қилувчига етказилади.

Асосий афзалликлари:

1. Компьютер тармоғининг маълумотларини ўтказиши самарадорлиги жуда баландлиги.
2. Жисмоний алоқа каналларини ўтказиши қобилиятини динамик равишда ўзгартириш мумкинлиги.

Асосий камчиликлари:

1. Пакетлар тугунларда кутиб қолиши мумкинлиги сабабли маълумотларни узатиш тезлиги ноаниқлиги.
2. Кутиб қолиш вактлари пакетлар тармокда кўплигига жуда ҳам ошиб кетиши.
3. Коммутация буферларида маълумот пакетлари кўпайган пайтда пакетларнинг тушиб қолиши мумкинлиги.

Пакетлар коммутацияси компьютер тармоқла-
ри 2 синфга бўлинади: 1. Виртуал канал тармоқ. 2.
Дейтаграммали тармоқ.

Виртуал каналли тармоқда боғланишда ягона йўна-
лиш асосида маълумот узатилади, яъни динамик ва ста-
тик виртуал канал бўлади. Статик виртуал канал адми-
нistrator орқали яратилади.

Дейтаграммали тармоқ электрон почтага ўхшаш
бўлади. Яъни ҳар бир пакет конвертга жойлаштирилади
ва маршрутизатор уларни ҳар хил йўналишлар бўйича
қабул қилувчи охирги тармоқ тугунига етказиб беради.

Маршрутизаторларнинг ишлаш принциплари:

1. Энг қисқа йўлни аниқлаб жўнатишлiği.
2. Энг минимал вақт ичидаги маълумотларни етказиб
беришлiği.
3. Энг юқори тезликдаги каналлар асосида узатишли-
ги.
4. Энг ҳимояланган алоқа каналларини танлаб уза-
тишлiği.
5. Энг арzon йўналиш асосида маълумотларни етка-
зиб беришлiği ва x.k.

6.15. Телекоммуникация тизимларида ахборот хавфсизлиги

Хозирги кунда компьютер тизими ва тармоқларига
қуийдаги талаблар қўйилади:

- маълумотларни аниқ ва сифатли узатиш;
- ҳар хил турдаги маълумотларни тўғри тақсимлаш,
қайта ишлаш ва сақлаш;
- қабул қилинган маълумотларга оператив жавоб бериш;
- ахборот ресурсларини бирлаштириш, тўғри бўлиш
ва x.k.

Телекоммуникация тармоқларини рақамлаштириш жараёнлари билан ахборот хавфсизлиги муаммоси ошиб бормоқда. Бунга сабаб, ички ва ташқи хавф-хатарлар спектри ошиб бормоқда:

- алоқа каналларидан мұлжалланмаган маълумотлар чиқиб кетмоқда;
- маълумотлар олиш учун рухсат берилмаган алоқа каналларига кириш күпаймоқда;
- рақамли тармоқларга ва тизимларга таъсир этиш, хужум қилиш ривожланмоқда, яъни:
 - а) ҳар хил компьютер вирусларини юбориш;
 - б) дастурларга ямоқлар күшиш;
 - в) телекоммуникация тармоқларида маълумотлар алмашинувини түсіб қўйиш воситаларини қўллаш;
 - г) тест дастурлари фаолиятини бузиш ва ҳ.к.

Шунинг учун барча давлатларда телекоммуникация тизимлари хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масала ҳисобланади.

Телекоммуникация тизимларида ахборотларни ҳимоялаш мақсадлари ва масалалари қуидагилардан иборат:

1. Тинчлик даврида, ҳар хил вазиятда ёки фавқулодда ҳолатлар бўлишидан қатъи назар, телекоммуникация тизимларининг ҳар бир қатламида ташқи ва ички хужумларга бардош бериб, маълумотларнинг бутунлигини саклашлик.

2. Шахс, ташкилот ва давлатимизнинг маълумотлари маҳфийлигини ҳамда конфиденциаллигини телекоммуникация тизимларида саклашлик.

3. Ахборот хавфсизлигига таъсир этувчи ички ва ташқи хужумларни башорат этиб аниқлаш, унга қарши иқтисодий асосланган усулларни қўллаб хужумларни бартараф этиш.

4. Телекоммуникация тизимларида ахборот хавфсизлигининг ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш.

5. Ҳозирги кунда ишлатилаётган усул ва ҳимоялаш воситаларини умумлаштириб стандартлаш.

6. Ахборот хавфсизлигининг давлатимиз томонидан бошқариладиган механизмини, яъни лицензиялаш фоалиятини ишлаб чиқиш. Барча техник ва дастурий воситаларни сертификациялаш ва ҳ.к.

Телекоммуникация тизимлари ва тармоқларида куйидаги хавф-хатарлар бўлиши мумкин:

- станцияларда ишлаётган ходимларнинг ахборот хавфсизлиги бўйича қўйилган талабларни бузиши;
- рухсат берилмаган техник ходимларнинг хоналарга кириши;
- маълумотларни рухсатсиз кўчириб олиши;
- маълумотлар омборидан маълумотларни ўғирлаши;
- телекоммуникация тизимидағи маълумотларни ўчириши ёки бузиши ва ҳ.к.

Бундан ташқари:

- алоқа каналларидан ўтаётган маълумотларни ушлаб қолиш;
- ҳар хил электрон қурилмалар орқали алоқа каналларидан узатилаётган маълумотларни дешифрлаш;
- алоқа линияларига радиоэлектрон воситалар орқали маълумотларни сўндириб қўйиш, бошқариш тизимини ишдан чиқариш ва ҳ.к.

Маълумотлар нафақат акустик ёки радиол алоқа тўлқинларидан ушлаб олинади, балки бу иш маълумотлар симли алоқа линияларидан узатилаётган пайтда ҳам амалга оширилади.

Барча маълумотларни чиқариб юбориш каналларини шартли равишда уч синфга бўлиш мумкин:

1. Акустик каналлар.
2. Оптик каналлар.
3. Техник воситалардан чиқаётган каналлар.

Химояланыётган телекоммуникация тизимлари ва тармоқларининг майдонлари атрофида электромагнит түлқинлари, электр токи орқали ўтаётган ҳамда кўринадиган ва инфрақизил диапазон түлқинлари орқали маълумотларни билиб олиш мумкинлиги сабабли уларни химоялаш керак бўлади.

Бузиш эҳтимолининг моделларини яратиш учун бузувчининг оператив-тактиқ, техникавий ва аналитик имкониятларини аниқлаб баҳолаш зарур. Бунда иш ҳужум манбаларини билишдан бошланади. Агар бундай маълумотлар бўлмаса, телекоммуникация тармоқлари ва тизими объектлари майдонига яқин жойларидан акустик, оптик ёки электромагнит түлқинларни ушлаб олиш керак. Айниқса, объектларда ишлаётган сотқин ходимлардан эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки улар қаердан маълумотларни сўриб олишни билишади ва замонавий техникавий (ускунавий ва дастурий) разведка воситаларидан фойдаланишлари мумкин.

Белл – Лападула модели

Ушбу модель асосан киришни назорат қилиш ва бошқариш учун мўлжалланган. Ушбу моделда қўйилган шартлар таҳлил этилиб, юқори даражали маълумотларни паст табақали субъектлар кўриши ва олиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилади.

Белл – Лападула классик модели 1975 йили MITRE Сорготион компаниясининг ходимлари Девид Белл ва Леонард Лападула томонидан ёзилди чиқилган. Бу моделнинг ишлаб чиқилишига сабаб маҳфий маълу-

мотлар (хужжатлар) хавфсизлигини таъминлаш масаласи эди.

Модель қуйидагича ишлайди: ҳар бир субъектта (шахсга, хужжатлар билан ишлайдиган ходимларга) ва объектларга (хужжатларга) конфиденциал белги тақдим этилади, яъни энг юқори (жуда маҳфий), маҳфий (маҳфий), хизмат юзасидан ва очик (ҳамма учун мумкин). Паст даражали субъектларнинг юқори даражали маълумотларни кўришга ёки олишга ҳукуклари йўқ. Субъектларга паст даражали объектлардан маълумотларни кўчириш ҳам ман этилади.

Д.Деннинг модели

Ушбу модель кўпроқ аудит ёзувига асосланиб хавфсизлик бузилганлигини аниқлаб бериши мумкин ва олтида асосий компонентдан ташкил топган: 1) субъектлар; 2) объектлар; 3) аудит ёзувлари; 4) профили; 5) анамаллик ёзувлари; 6) фаоллик қоидаси, яъни рухсатсиз киришни аниқловчи тизим.

Ландвер модели

Маълумотларни ҳимоялаш ўйин модели тизими асосида яратилган. Ҳимоя тизимини «яратувчи» қандайдир бирламчи вариантини ишлаб чиқади. Аналитик (бузувчи) эса маълумотларни олиш ёки уларни ўзгартиришга ҳаракат қиласи. Агар шартли «бузувчи» максадга эришса, «яратувчи» бошқа тизим ишлаб чиқади. Шунинг учун мустаҳкам тизим қачонки «бузувчи» ўзгартиролмаган пайтда якунланади.

6.16. Электрон рақамли имзо

Электрон имзо телекоммуникацион (ЭРИ) тармоқларда узатилаётган матнларни аутентификация қилиш учун ишлатилади, яъни қасддан мўлжалланган ҳолда ҳаракат қилаётган шахслардан ҳимоялаш учун кўлланилади. Ушбу шахслар маълумотларни ушлаб олиши, сохталашибтириши, ўзгартириши мумкин. Шунинг учун электрон имзо ҳақиқатдан қўл қўйган шахснинг имзоси эканлигини ва юборилган матн (хужжат) ҳақиқийлиги ни тасдиқлайди.

ЭРИ икки процедурадан иборат: 1) қўл (имзо) қўйиш; 2) тасдиқлаш. Имзони қўйиш процедурасида маҳфий калит ишлатилади, тасдиқлаш процедурасида эса очик калит қўлланилади.

ЭРИ ташкил қилинаётган пайтда «юборувчи» «М» қўл қўйилаётган матннинг $h(M)$ хэш-функциясини ҳисоблаб чиқади. Ушбу хэш-функцияning $h(M)$ ҳисобланган қиймати барча M текстнинг бир қиска (кичик) маълумоти блокини ташкил этади. Шундан сўнг ҳосил бўлган «M» қиймат жўнатувчи томонидан сирли калит билан шифрланади. Ҳосил бўлган икки сон M матннинг электрон имзоси бўлади.

Юборилган маълумотнинг электрон рақамли имзосини текшириш учун «қабул» қилувчи томонидан $m = h(M)$ хэш-функция қайта ҳисоблаб чиқилади ва очик калит орқали қабул қилинган имзо ҳақиқийлиги аниқланади.

Ҳар бир имзо қуидаги маълумотлардан иборат бўлади:

- имзо қўйилган йил, ой, кун;
- қўйилган имзонинг фаолият даври тугаши;
- файлни имзолаган шахснинг исми, шарифи, лавозими, корхона ёки фирманинг номи ва бошқалар:

- имзолаган шахснинг очик калит номи;
- рақамли шахснинг имзоси.

Шунинг учун юқорида келтирилганлар асосида қуидагилар таклиф этилади:

1. Компьютер тизими ва тармоқларида узатилаётган маълумотларнинг бутунлигини таъминлаш учун алоқа каналларини мустаҳкам ҳимоялаш зарур.

2. Компьютернинг техникавий воситаларида сақланаётган дастурий маълумотлар ва омбордаги барча маълумотлар бутунлигини таъминлаш керак.

Ушбу алоқа каналларидан бораётган маълумотларни хатосиз етказиб бериш учун қуидаги кодлардан фойдаланиш мумкин:

- Хэмминг коди, яъни иккиламчи хатоларни аниқловчи ва бирламчи боғланмаган хатоларни тўғриловчи;
- Боуз Чоуд Хори коди, яъни учламчи хатоларни аниқловчи ва иккиламчи хатоларни тўғриловчи;
- Файр коди, яъни пакетлардаги бирламчи хатоларни ҳам аниқловчи, ҳам тўғриловчи;
- Рид – Соломон коди, яъни пакет хатоларини аниқловчи ва тўғриловчи кодлар.

6.17. Телекоммуникация тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш технологиялари

Тармоқларда экранлаш технологиялари

Тармоқ периметри ички синалган тармоқ билан ташқи тармоқлардан ажратиб турувчи чегара ҳисобланади. Периметр – ташқи хужумлардан ҳимояловчи биринчи линия. Ушбу периметрни ҳимояловчи воситалар:

- тармоқлараро экранлар;
- тармоқ қатламидаги антивирус тизимлари;

- VNP (Virtual Private Network) – – шахсий виртуал тармоқ яратиш қурилмалари;
- периметр химояси – ички тармоқ ҳаракатини ташки тармоқ билан назорат қилиш. Яъни булар:
 - интернет тармоғига уланиш;
 - симсиз алоқа сегментлари;
 - узокдан кириш сервери;
 - филиалларга ажратилган линиялар.

Тармоқлараро экранлар (МЭ) махсус дастурий ёки ускунавий восита бўлиб, тармоқни икки ёки ундан кўп бўлакларга ажратиб, тармоқ пакетларини бир ердан иккинчи жойга етказиб бериш учун қабул қилинган коида ҳисобланади. Тармоқлараро экранларнинг (МЭ) асосий механизми куйидагилардан иборат:

- тармоқ трафикасини фильтрлаш;
- адресларни узатиш;
- шифрлаш (яъни VNP – шахсий виртуал тармоқ яратиш);
- аутентификациялаш;
- тармоқ хужумларига қарши чиқиш;
- маршрутизаторлардаги рўйхатни бошқариш.

Тармоқлараро экранларнинг (МЭ) асосий функцияларидан ҳисобланиб, OSI модели, яъни егти даражали (қатламли) моделнинг хоҳлаган қатламида иштирок этиши мумкин, тармоқ трафикасида фильтрлаш вазифасини бажаради, яъни қандайдир мезонга тааллуклилигини текширади. Масалан, TCP пакетининг бошига, яъни сарлавҳасига қараб ёки IP датаграммани юборувчининг адресига қараб текширади. Ёки файл ҳажмига қараб ҳамда OSI моделининг ҳар хил қатламларида текшириш мумкин.

Адресларни жўнатиш (ўтказиш) икки хил бўлиши мумкин:

- статистик (икки томонлама);
- динамик (адрес – портларни ўтказиш).

Статистик трансляция (юбориш – жўнатиш) – икки томонлама келишилган ҳолда ички адрес билан ташки адрес тўғри келишлиги. Узатиш ва қабул қилиш ускуналарининг иш пайтида ўзгармаслиги.

Динамик трансляция эса фақат ички тармоқдан чиқиши пайтидаги боғланиш ҳисобланади. Масалан, ички тармоқдан интернетга кириш.

Бундан ташқари, тармоқларо экранлар (МЭ), яъни фильтрациялашдан ташқари улар тармоқ трафикларини шифрлаши ҳам мумкин. Ушбу шифрлаш IP пакетларнинг тармоқ қатламида бажарилади, яъни VPN тармоқ тузишда шлюз вазифасини бажаради.

6.18. VPN тармоқ технологияси

Виртуал шахсий тармоқлар (VPN) иккита бир-биридан анча узокда жойлашган LAN маҳаллий тармоқлар умумий, кенг, ҳамма учун ишлатиладиган (фойдаланиладиган), масалан, интернет тармоғи орқали ўтадиган алоқа линияларида ахборотлар алмашинувининг хавфсизлигини таъминлаб беради. Яъни VPN икки LAN ва LAN VPN орасидаги ёки Remote Access VPN узокдаги филиалларнинг асосий тармоққа кириши пайтида ҳимояни таъминлайди.

VPN ни яратиш пайтида туннеллаштириш ёки инкапсуляциялаш усулидан фойдаланилади. Ушбу технология алоқа канали орқали бир тармоқдан иккинчи тармоққа пакетларни узатади. Шу пайтда биринчи тармоқ пакети (маълумотлар ва протоколлар) инкапсуляцияланади ва кўринади. Инкапсуляция кодлаштириш дегани эмас.

Туннель очиқ виртуал канал ҳисобланади, бош нұқтаси компьютер – VPN клиент (міжоз), маршрутизатор, шлюз ёки тармоқта кируди сервер (Network Access Server – NAS) бўлиши мумкин. Иккала нұқтада албатта ускунавий ва дастурий (шифрловчи / дешифрловчи) курилмалар бўлиши керак ва қабул қилинган протокол асосида ишлаши лозим. Шифрланган ва инкапсуляция қилинган пакетлар ҳар хил маршрутизатор орқали охирги нұқтага етказилади. Туннелнинг асосий вазифаси конфиденциалликни таъминлашдан иборат.

VPNларни амалга ошириш усуллари:

- тармоқлараро экранлар асосида VPN яратиш. Ушбу вариантда маълумотларнинг оқимларини ҳимоялаш учун барча локал тармоқларда бир дона дастурий-техникавий комплекс ишлатилади;
- тармоқ тугунининг операцион тизимиға ўрнатилган VPN. Ушбу вариант энг маъқул ҳисобланиб, стандарт операцион тизим асосида бажарилади;
- ички тармоқ билан умумий ташқи тармоқ орасида маҳсус криптографик шлюз асосида VPN ташкил этилади;
- VPN криптографик ҳимоялаш маршрутизатор асосида тузилган. Ушбу усул юқори самарали ҳисобланади, аммо анча киммат.

Ҳимоялаш таҳлили технологиялари орасида тармоқ сканери асосий курол ҳисобланади. У жуда тезлик билан юқори даражали хавфни аниқлайди, яъни тармоқ қатламида нотўғри созланган тармоқлараро экранларни (МСЭ) ёки хакерлар бузиши мумкин бўлган веб-серверларни топади ва таҳлил асосида йўриқнома ишлаб чиқаради.

Таъсир этувчи ва ҳужумларни аниқловчи комплекслар қўйидагилардан иборат:

- тармоқ экрани (МЭ);
- ҳимоялаш воситалари таҳлили ва бўш жойларни қидириш;
- хужумларни аниқловчи воситалар (Intrusion Detection Systems, IDS).

Хужумларни аниқловчи тизим барча бузилишларни ҳисобга олиши зарур. У кенг архитектурага эга бўлиши лозим.

Ушбу аниқловчи тизим икки турдаги компонентдан иборат бўлади:

1. Назорат қилувчи модулдан (сенсорлар, датчиклар, детекторлар), яъни маълумотларни йигувчи дастурлар.
2. Бошқарув модулидан (консуллар, менеджерлар), яъни йиғилган маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил этувчи дастурлар.

Иккала турдаги модуллар тармоқнинг бир тугунида ёки бир неча тугунларида қўйилган бўлиши мумкин.

Антивирус технологиялари асосан корхона раҳбарлари ва ходимларига боғлиқ бўлади. Ташкилот ёки корхоналардаги компьютерларга фақат ахборот хавфсизлиги билан шуғулланадиган бўлимларнинг рухсати билан лицензияга эга антивирус воситаларидан фойдаланишга рухсат берилади ва фақат ишончли мутахассис ходимларгина компьютерларга (серверларга) ўрнатиш учун таклиф этилади.

6.19. Телекоммуникация тармоқларида маълумотларни ҳимоялашнинг асосий йўналишлари

Ахборотларни ҳимоялашнинг мавжуд усул ва воситалари ҳамда компьютер тармоқлари каналларидаги алоқанинг хавфсизлигини таъминлаш технологияси

эволюциясини солиштириш шуни кўрсатмоқдаки, бу технология ривожланишининг биринчи босқичида дастурий воситалар афзал топилди ва ривожланди, иккинчи босқичда ҳимоянинг ҳамма асосий усул ва воситалари интенсив ривожланиши билан характерланди, учинчى босқичда эса қуидаги тенденциялар кўзга ташланмоқда:

- ахборотларни ҳимоялаш асосий функцияларининг техник жиҳатдан амалга оширилиши;
- бир нечта хавфсизлик функцияларини бажарувчи ҳимоялаш воситаларини яратиш;
- алгоритм ва техник воситаларни унификация қилиш ва стандартлаштириш.

Телекоммуникация тармоқларида хавфсизликни таъминлашда ҳужумлар юқори даражада малакага эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилишини доим эсда тутиш лозим. Бунда уларнинг ҳаракат моделларидан доимо устун турувчи моделлар яратиш талаб этилади. Бундан ташқари, автоматлаштирилган ахборот тизимларида персонал энг таъсиран қисмлардан биридир. Шунинг учун ёвуз ниятли шахсга ахборот тизими персоналидан фойдалана олмаслик чора-тадбирларини кўриш ҳам катта аҳамиятга эга. Интернет тармоғида мавжуд алоқанинг ҳимоясини (хавфсизлигини) таъминлаш асослари, маълумотларни узатиш тизимларининг ривожланиши ва улар асосида яратилган телекоммуникация воситаларининг яратилиши бевосита фойдаланиш тартибларга тармоқ захираларидан фойдаланиш тартибларини ишлаб чиқиши заруратини юзага келтирди:

- фойдаланувчининг анонимлигини таъминловчи воситалар;

- серверга киришни таъминлаш. Сервер фақатгина битта фойдаланувчига эмас, балки кенг миқёсдаги фойдаланувчиларга ўз захираларидан фойдаланишга рухсат бериси керак;

- рухсатсиз киришдан тармоқни ҳимоялаш воситалиари. Интернет тармоғида рухсатсиз киришни тақиқловчи тармоқлараро экран – Fire Wall воситалари кенг тарқалган. Ушбу восита асосан UNIX операцион тизимларида қўлланилиб, бевосита тармоқлар орасида алоқа ўрнатиш жараёнида хавфсизликни таъминлайди. Бундан ташқари, Fire Wall тизимлари ташқи муҳит, масалан, интернет учун асосий маълумотларни ва МБларини хотирасида сақлаб, бевосита маълумот алмашувини таъминлаши ва корхона тизимиға киришини тақиқлаши мумкин. Лекин Fire Wall тизимларининг камчиликлари ҳам мавжуд, масалан, E-mail орқали дастурлар жўнатилиб, ички тизимга тушгандан сўнг ўзининг қора ниятларини бажаришида ушбу ҳимоя ожизлик қиласи. Fire Wall синфидағи тизимларнинг асосий қисми ташқи ҳужумларни қайтариш учун мўлжалланган бўлса ҳам, ҳужумлар уларнинг 60 фоизи кучсиз эканлигини кўрсатди. Қолаверса, Fire Wall забт этилган сервернинг ишлашига қаршилик кўрсата олмайди.

Шу боис интернет тизимида хавфсизликни таъминлаш бўйича қуидаги ўзгаришлар кутилмоқда:

- Fire Wall тизимларининг бевосита хавфсизлик тизимларига киритилиши;
- тармоқ протоколлари бевосита фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини аниқловчи, хабарларнинг яхлитлигини таъминловчи ва маълумотларни шифрловчи дастурий имкониятлардан иборат бўлиши. Ҳозирги кунда ушбу протоколларни яратиш бўйича анчагина

ишилар олиб борилмокда. SKIP протоколи (Simple Key management for Internet Protocol – интернет протоколлари учун криптокалитларнинг оддий бошқаруви) шунга мисол бўла олади.

Биз Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашда куйидаги тадбиrlарни амалга ошириш кераклигини таъкидлашни ўринли деб топдик:

1. Республикаиздаги фаолият юритаётган ҳар хил турдаги транспорт объектларини аниқлаб олиш.

2. Объектнинг барча шахсий компьютерларини аниқлаш ва уларнинг маҳаллий компьютер тармоғига боғланганлигини белгилаш.

3. Объектнинг, яъни маҳаллий ёки локал компьютер тармоғининг боғланиш (функционал структурасини) схемасини чизиб олиш.

4. Чизилган структурадаги барча компьютерларда сақланаётган маълумотларнинг қандайлигини аниқлаш. Бунда ахборотларни конфиденциал (махфий) ёки очик маълумотларга бўлиб олиш.

5. Объектдаги ўта маҳфий (ўта сирли), маҳфий (сирли) ва хизмат юзасидан ишлатиладиган маълумотлар компьютерларга киритилмаган бўлса ҳам, улар қаерда ва қандай сақланаётганлигини, хоналар ҳолатини аниқлаб олиш.

6. Объектнинг компьютер тизими ва тармоғи асосий параметрларини ва характеристикаларини ҳамда қандай техник воситалар билан жиҳозланганлигини ёзиб чиқиш.

7. Барча турдаги маълумотлар компьютерларда қандай сақланаётганлигини, қайси турдаги маълумотлар омбори ва бошқариш тизими эканлигини аниқлаш.

8. Юқоридаги маълумотлар аниқлангандан сўнг ҳар хил турдаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъмин-

лаш учун қандай масалаларни ечиш лозимлигини белгилаш.

9. Аниқланган масалаларни ечиш учун янги мезон (критерия) танлаш.

10. Объектнинг чизиб олинган локал компьютер тармоғи структурасининг моделини компьютерда яратиш.

11. Функционал схеманинг математик моделини ишлаб чиқиш.

12. Яратилган алгоритмлар асосида алгоритмик тил танлаб олиб, дастур ишлаб чиқиш ва имитацион моделини ишга тушириш.

13. Ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ҳар хил ташкилий, техникавий, дастурий, жисмоний, ҳуқуқий, криптографик воситаларни қўллаш юзасидан имитацион масалаларни ечиш ва оптималь вариантни аниқлаш.

14. Агар объектнинг компьютерларидағи маълумотлар базаси (омбори) ва бошқарув тизими (БД ва СУБД) ахборот хавфсизлиги таъминланмаган бўлса, янги тизим яратиш.

15. Имитацион модел асосида ҳар хил вариантларни ҳисоблаб чиқиш ва олинган натижаларни таҳлил этиш.

16. Олинган натижалар ва қилинган таҳлиллар асосида танланган объектдаги компьютер тармоқлари оптималлиги, улардаги сақланаётган маълумотларнинг хавфсизлиги қандай таъминланиши кераклиги ҳақида методика ишлаб чиқиш.

Бундан ташқари, ахборотларни ҳимоялаш учун компьютер тармоғига Fire Wall, Real Secure, Secret Net, Internet Scanner ва бошқа техникавий-дастурий воситалар ўрнатиш, имитация моделидан фойдаланиб энг муқобил (оптималь) вариантни аниқлаш талаб этилади.

Ушбу талаблар бажарилган тақдирда корхона, ташкилот, муассаса ёки ҳар қандай объект ўз фаолиятини ҳар хил хавф-хатарлардан, ҳужумлардан қандай ҳимояланганини аниқлаб олиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар:

1. Нигматов X., Файзуллаев Э., Турсунбаев Б., Абдуғаниев А. Замонавий ахборот технологиялари. – Тошкент, 2015. – 140 б.
2. Цилькер Б.Я., Орлов С.А. Организация ЭВМ и систем: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2004. – 668 с.
3. Брайдо В.Л. Вычислительные системы, сети и телекоммуникации. – СПб.: Питер, 2003.
4. Олифер В.Г., Олифер Н.А. Компьютерные сети. Принципы, технологии, протоколы: Учебник. – СПб.: Питер, 2005.
5. Борисенко А.Н. Информационные технологии на автомобильном транспорте. – Красноярск, 2003. – 96 с.
6. Техническая эксплуатация автомобилей: Учебник для вузов / Е.С. Кузнецов, А.П. Болдин, В.М. Власов и др. – М.: Наука, 2001. – 536 с.
7. Григорьев М.Н., Уваров С.А. Логистика. Базовый курс: Учебник для бакалавров. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Юрайт, 2012. – 818 с.
8. Джураев О.Н., Хабирова Д.Н. Давлат бошқарувида миллий АКТ моделлари ва жаҳон тажрибаси. – Тошкент, 2014.
9. «Электрон ҳукумат» лойиҳасини бошқариш тамоилилари. (E-Government project management techniques). – Тошкент, 2014.
10. Нигматов X. Введение в информационную безопасность. – Ташкент, 2003. – 156 с.
11. Нигматов X. Системы и устройства спутниковой и мобильной радиосвязи. – Шымкент, 2013. – 304 с.

12. Нигматов Х. Информационная безопасность. Защита информации в сетях телекоммуникации». – Шымкент, 2013. – 188 с.
13. Нигматов Х. Компьютерные сети и системы в IP телефонии. – Шымкент, 2013. – 238 с.
14. Абдуганиев А.А. Интернетнинг техник ва технологик таъминоти. – Тошкент, 2011. – 24 б.
15. Камилов Ш.М., Машарипов А.К., Закирова Т.А., Эрматов Ш.Т., Мусаева М.А. Компьютер тизимларида ахборотни ҳимоялаш: Маъруза матнлари. – Тошкент, 2003.
16. Анин Б.Ю. Защита компьютерной информации. – СПб., 2001.
17. Завгородный В.И. Комплексная защита информации в компьютерных системах. – М.: Логос, 2001.
18. Степанов Е.А. Корнеев И.К. Информационная безопасность и защита информации. – М.: Инфра, 2002.
19. Романцев Ю.В., Тимофеев П.А., Шаньгин В.Ф. Защита информации в компьютерных системах и сетях. – М., 2001.
20. Баичев С.Г. Основы современной криптографии. – М., 2001. – 1200 с.
21. Галатенко В.А. Основы информационной безопасности. – М., 2003. – 280 с.
22. Домашев А.В., Грунтович М.М. и др. Программирование алгоритмов защиты информации: Учеб. пособ. 2-е изд., исп. и доп. – М.: Нолидж, 2002. – 416 с.

Кўшимча адабиётлар:

1. Шанъгин В.Ф. Защита информации и информационная безопасность. – М., 2000.
2. Камилов Ш.М., Закирова Т.А., Мусаева М.А. Microsoft Office хужжат ва дастурини рухсатсиз мурожаат этишдан сақлаш. – Тошкент, 2003.
3. Шиндер Д.Ж. Основы компьютерных сетей. – М., 2003. – 656 с.
4. Эрматов Ш.Т. Ахборотни ҳимоя қилишнинг криптографик усуллари: Услубий қўлланма. – Тошкент, 2003.
5. Ҳеглов А.Ю. Защита компьютерной информации от несанкционированного доступа. – СПб.: Наука и техника, 2004. – 384 с.

Интернет сайтлар:

Alta Vista <http://www.altavista.com/>
Fast Search <http://www.alltheweb.com/>
Go To <http://goto.com/>
Cooglt <http://www/google.com/>
Hot Bot <http://hotbot.lycos.com/>
Inktomi <http://www.Inktomi.com/>
Look Smart <http://www.Iooksmart.com/>
Lycos <http://www.lycos.com/>
MSN Search <http://search.msn.com/>
Nothern Light <http://www.nothernlight.com/>
Snap <http://www.yahoo.com/>
Yahoo! <http://www.yahoo.com/>
ТГЭУ: www.tsue.uz
КГЭИ: adm@kspei.kcn.ru
УАГУ: svitlana@napa-dil.org.ru
ГУИКТ: bshunev@lycos.com

UZTEST.com

http://www.cov.uz/

Anopt http://www.library.yale.uz/

Yndex http://www.aport.ru/

Тела http://www.yandex.ru/

All Stars http://www.stars.ru/

IREX: http://www.lrex.org/

Rambler: http://www.rambler.ru/

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
КИРИШ	4
I. АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	7
1.1. Ахборот ҳақида тушунча	7
Ахборотнинг адекватлиги	8
Ахборотнинг асосий сифат кўрсаткичлари	8
Ахборот тизимлари ва уларнинг таркиби	9
1.2. Замонавий ахборот технологиялари	12
Ахборот тизимиning дастурий таъминоти	14
II. СОҲАВИЙ БОШҚАРУВДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	34
2.1. Соҳавий бошқарувда замонавий ахборот технологиялари	34
3.1. GPS	39
3.2. Ўзбекистонда GPS трекерлари	48
3.3. АҚШнинг навигацион GPS тизими	49
3.4. Россиянинг навигацион ГЛОНАСС тизими	50
IV. ТРАНСПОРТ ВА ЙЎЛ СОҲАСИДА	51
АКТНИ ҚЎЛЛАШ	51
4.1. Автотранспорт корхоналарини бошқаришда ахборотлаштириш жараёнлари	51
Янги замоновий ахборот технологиялари ёрдамида қуидаги автоматлаштирилган тизимларни яратиш мумкин:	55
4.2. Автотранспорт корхоналари (АТК) бошқарувида ахборот технологиялари ва ахборот тизимларининг техникавий ва дастурий таъминоти	62
4.3. Автотранспорт корхоналарида режалаштириш тизими ва ресурсларни бошқариш	67
4.4. Ахборот-коммуникацион технологияларни автомо-	

биль транспортларида хавфли юкларни ташиша кўллаш.....	70
4.5. Ахборот технологияларини транспорт логистикасида кўллаш	73
4.6. Автомобиль транспортида йўловчиларни ташиш бўйича электрон тўлов тизимини ташкил этиш.....	76
4.7. Автотранспорт йўлларини лойиҳалаш тизими	81
4.8. Ўзбекистон темир йўлларида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш	86
4.9. Ахборот-коммуникацион технологияларни авиацияда қўллаш	95
V. «ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ» ТИЗИМИНИНГ ТУЗИЛИШИ.....	100
«Электрон ҳукумат» тизими таҳлили	100
Фуқароларнинг ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш бўйича конституциявий ҳукуқларини таъминлаш	103
5.2. Ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи асосий норматив-ҳукукий хужжатлар.....	114
Инфратузилма (<i>Infrastructure</i>) ҳақида маълумот:.....	118
<i>Ижтимоий дастурлар (Outreach)</i> тўғрисида қисқача маълумот: <i>UZINFOCOM</i> маркази ҳақида қисқача маълумот:	119
5.3. Ўзбекистон Республикасининг «электрон ҳукумат» портали.....	120
Ягона интерактив давлат порталига кириш кетма-кетлиги.....	121
UzCard ёрдамида рўйхатдан ўтиш.....	123
<i>«Электрон ҳукумат» лойиҳаларини амалга ошириш механизmlари:</i>	126

«Электрон ҳукумат»нинг 2020 йилгача бўлган асосий лойиҳалари.....	126
«Электрон ҳукумат»нинг асосий тадбирлари	127
Электрон тўловларни татбиқ этиш.....	128
Калит ва электрон рақамли имзо	129
ЭРИ калитларни рўйхатга олиш марказлари сони....	130
ЭРИ рўйхатга олиш маркази	131
Электрон ҳужжат	132
Ташкилотларо электрон ҳужжат алмашинуви	132
Электрон ҳужжат алмашинуви тизими.....	133
VII. АХБОРОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ	136
6.1. Ахборотларни ҳимоялаш муаммолари.....	136
6.2. Компьютер тизими ва телекоммуникация тармоқла-рида ахборотларни ҳимоялаш зарурати	144
Ахборотларни ташкилий ҳимоялаш элементлари	145
6.3. Ахборотни ҳимоялаш тизими	150
6.4. Компьютер тизимлари ва телекоммуникация тар-моқларидаги хавф-хатар ва ҳужум турлари. Ҳужумларни аниқлаш ва таҳлил этиш.....	156
6.5. Ҳужумларни аниқловчи тизим. Real Secure тизи-ми	162
Ускунавий ва дастурий таъминотларга қўйилган асосий талаблар	165
6.6. Компьютер тизимлари ва телекоммуникация тар-моқларида ахборотни ҳимоялашнинг ускунавий воси-таси	165
6.7. АҚТда ахборотни ҳимоялашнинг криптографик воситаси	167
Компьютер стенографиясининг асосий вазифалари....	169
6.8. Конфиденциал ахборотларни рухсатсиз киришдан ҳимоялаш	170

Муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоялаш	171
Стенографик дастурлар түғрисида қисқача маълумот	171
Асимметриялы икки калитли криптография тизими ...	176
Симметриялы криптоизим асослари.....	177
6.9. Маълумотларни компьютер вирусларидан ҳимоялаш.....	182
6.10. Антивирус дастурлари.....	189
6.11. Вирусларга қарши чора-тадбирлар	191
Компьютер телефониясидаги ҳимоялаш усуллари...192	
6.12. Компьютер тармоқларида замонавий ҳимоялаш усуллари ва воситалари	193
Шахсий компьютер ҳимоясини таъминлашнинг техник воситалари	198
6.13. Телекоммуникация тармоқларида узатилаётган ахборотни ҳимоялаш	201
Электрон почтага рухсатсиз кириш	204
Маълумотларга рухсатсиз киришнинг дастурий ва техник воситалари	205
Компьютер тармоқларида маълумотларнинг тарқалиш каналлари	207
6.14. Телекоммуникация тармоқларида ишлатиладиган коммутация турлари.....	210
6.15. Телекоммуникация тизимларида ахборот хавфсизлиги.....	212
Белл – Лападула модели	215
Д.Деннинг модели.....	216
Ландвер модели	216
6.16. Электрон рақамли имзо	217
6.17. Телекоммуникация тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш технологиялари	218

Тармоқларда экранлаш технологиялари	218
6.18. VPN тармоқ технологияси.....	220
6.19. Телекоммуникация тармоқларида маълумотларни ҳимоялашнинг асосий йўналишлари	222
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	228

**Х.Нигматов, М.Калонов,
Э.Файзуллаев, Б.Турсунбаев,**

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТРАНСПОРТ ВА ЙЎЛ СОҲАСИДА ҚЎЛЛАШ

Мухаррир: И. Халилов
Техник мухаррир: И. Хайруллаев
Компьютерда сахифаловчи: А. Юлдашев

«Adabiyot uchqunlari» нашриёти.
Тошкент шаҳар, А. Темур-19.

Нашриёт литцензияси № АI АI 182. 08.12.2010 йил.
Төришга 30.08.2017 йилда берилди.
Босишига 16.09.2017 йилда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 84x108 1/16. Офсет усулда чоп
этилди. Буюртма № 47. Босма табоги 15,0.
Адади 1000 нусха

МЧЖ «Yosh kuch press matbuoti» да чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,
Чилонзор кўчаси, 1-А уй.